

Норасмий таржима

WHC.19/01

2019 йил 10 июль

Умумжахон Конвенциясими амалга ошириш бүйича амалий қўлланмалар

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ
БҮЙИЧА ТАШКИЛОТИ

УМУМЖАХОН МАДАНИЙ ВА ТАБИИЙ
МЕРОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БҮЙИЧА
ҲУКУМАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



• World
• Heritage
• Convention

УМУМЖАХОН МАДАНИЙ ВА ТАБИЙ МЕРОСИ

УМУМЖАХОН МЕРОСИ МАРКАЗИ

Ушбу амалий қўлланмалар Умумжаҳон мероси қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларга асосан вақти-вақти билан ўзгартирилиб борилади. Шу боис, ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси марказининг қўйида кўрсатилган веб-сайтидан амалий қўлланманинг нашр қилинган санасини текшириш орқали унинг охирги нусхасидан фойдаланаётганингизга ишонч ҳосил қилинг.

Мазкур амалий қўлланмалар (инглиз ва француз тилларида), Умумжаҳон Мероси Конвенцияси (5та тилда), шунингдек, бошқа ҳужжалар ва умумжаҳон меросига оид маълумотлар Умумжаҳон мероси марказидан олиниши мумкин.

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси маркази 7, Плас де Фонтенуа

75352 Париж 07 SP

Франция

Мурожат учун:

<https://whc.unesco.org/en/world-heritage-centre>

Ҳаволалар: <http://whc.unesco.org/>
<http://whc.unesco.org/en/guidelines> (*English*)

<http://whc.unesco.org/fr/orientations> (*French*)

UNESCO World Heritage Centre

7, place de Fontenoy

75352 Paris 07 SP

France

Links: <http://whc.unesco.org/>

<http://whc.unesco.org/en/guidelines>

(*English*)

<http://whc.unesco.org/fr/orientations>

(*French*)

М У Н Д А Р И Ж А

Боблар
Бетлар

ҚИСҚАРТМАЛАР ВА АББРЕВИАТУРАЛАР

I. КИРИШ

I.A. Амалий қўлланмалар.....	1–3
I.B. Умумжаҳон Мероси Конвенцияси	4–9
I.C. Умумжаҳон Мероси Конвенциясида иштирок этувчи давлатлар.....	10–16
I.D. Умумжаҳон Мероси Конвенциясида иштирок этувчи давлатларнинг бош ассамблеяси	17–18
I.E. Умумжаҳон мероси Қўмитаси	19–26
I.F. Умумжаҳон мероси Қўмитаси Котибияти (Умумжаҳон мероси маркази).....	27–29

ИККРОМ.....	32–33
ИКОМОС	34–35
IUCN.....	36–37

I.H. Бошқа ташкилотлар	38
------------------------------	----

I.I. Умумжаҳон мероси муҳофазаси бўйича ҳамкорлар.....	39–40
--	-------

I.J. Бошқа конвенциялар, тавсиялар ва дастурлар	41–44
---	-------

II . УМУМЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИ

II.A. Умумжаҳон мероси тушунчаси.....	45–43
---------------------------------------	-------

Маданий ва табиий мерос	45
Аралаш маданий ва табиий мерос.....	46
Маданият манзаралари.....	47
Кўчувчи мерос.....	48
Умумжаҳон мислсиз қиймати	49–53

II.B. Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжаҳон мероси рўйхати.....	54–61
--	-------

Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжаҳон мероси рўйхати учун Глобал стратегия	55–58
Бошқа чора-тадбирлар	59–61

II.C. Даствабки рўйхатлар.....	62–76
--------------------------------	-------

Жараён ва шакл.....	62–69
---------------------	-------

Дастлабки рўйхат режалаштириш ва баҳолаш воситаси сифатида	70–73
Дастлабки рўйхатни шакллантиришда иштирокчи давлатларга ёрдам бериш ва уларнинг салоҳиятини ошириш.....	74–76
II.D. Умумжаҳон мислсиз қийматни аниқлаш мезонлари	77–78
II.E. Ҳақиқийлиги ва/ёки бутунлиги.....	79–95
Ҳақиқийлиги	79–86
Бутунлиги.....	87–95
II.F. Мухофаза қилиш ва бошқариш	96–119
Мухофаза қилишнинг қонуний, норматив ва шартномавий усуллари.....	98
Самарали мухофаза қилишнинг чегаралари	99–102
Буфер зоналари	103–107
Назорат қилиш тизимлари	108–118
Барқарор фойдаланиш.....	119
III. ОБЪЕКТЛАРНИ УМУМЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИШ ЖАРАЁНИ	
III.A. Номинацияларни тайёрлаш	120–128
III.B. Номинацияларнинг шакли ва мазмуни	129–133
1. Объектни аниқлаш	132.1
2. Объектнинг тавсифи.....	132.2
3. Рўйхатга киритиш учун асослаш.....	132.3
4. Объектнинг сақланганлик ҳолати ва унга таъсир қилувчи омиллар	132.4
5. Мухофаза қилиш ва назорат қилиш	132.5
6. Мониторинг	132.6
7. Хужжатлаштириш	132.7
8. Масъул органларга боғланиш маълумотлари.....	132.8
9. Иштирокчи давлат номидан имзо қўйиш.....	132.9
10. Талаб қилинадиган босма нусхаларнинг сони (шу жумладан хариталарни илова қилган ҳолда).....	132.10
11. Қоғоз ва электрон шакллар.....	132.11
12. Юбориш.....	132.12
III.C. Турли хил объектларнинг номинациясига қўйиладиган талаблар	134–139
Трансчегарашибий объектлар	134–136
Сериал объектлар	137–139
III.D. Номинацияларни рўйхатга олиш	140–142
III.E. Консультатив органлар томонидан номинацияларни баҳолаш	143–151
III.F. Номинацияларни рўйхатдан чиқариш.....	152
III.G. Умумжаҳон мероси қўмитасининг қарори	153–160

Рўйхатга кўшиш.....	154–157
Рўйхатга кўшишни рад этиш тўғрисидаги қарор.....	158
Номинацияларни қайта ишлашга юбориш	159
Номинацияларни кўриб чиқишини кечиктириш	160
III.Н. Фавқулодда ҳолат асосида кўриб чиқиладиган номинациялар	161–162
III.I Умумжаҳон мероси объектини рўйхатга киритиш	
ёки унга ном беришни асослаш учун фойдаланилган	
чегаралар ва мезонларга ўзгартариш	
киритиш.....	163–167
Чегараларга кичик ўзгартаришлар киртиш.....	163–164
Чегараларга улкан ўзгартаришлар киртишлар киртиш	165
Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун	
асословчи мезонларга ўзгартаришлар киртиш.....	166
Умумжаҳон мероси номига ўзгартариш киртиш	167
III.J. Графика ва умумий маълумот.....	168
III.K. Номинацияларни баҳолашни	
молиялаштириш.....	168
IV. УМУМЖАҲОН МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИНИ	
МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ	
IV.A. Тезкор мониторинг.....	169–176
Тезкор мониторинг тавсифи	169
Тезкор мониторинг мақсади.....	170–171
Иштирокчи давлатлар ва/ёки бошқа манбалардан олинган	
маълумот	172–174
Умумжаҳон мероси Кўмитасининг қарори.....	175–176
IV.B. Хавф остида турган умумжаҳон мероси рўйхати	177–191
Объектларни хавф остида турган умумжаҳон мероси	
рўйхатига киртиш бўйича кўрсатмалар.....	177
Объектларни хавф остида турган умумжаҳон	
мероси рўйхатига киртиш мезонлари.....	178–182
Объектларни хавф остида турган умумжаҳон мероси	
рўйхатига	
киритиш	
тартиби.....	183–189
Хавф остида турган умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган	
объектларнинг сақланиш ҳолатини мунтазам равишда назорат	
қилиш.....	190–191
IV.C. Объектларни умумжаҳон мероси рўйхатидан	
бутунлай чиқариш тартиби	192–198
V. УМУМЖАҲОН МЕРОСИ КОНВЕНЦИЯСИНИНИНГ	
БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА ДАВРИЙ ҲИСОБОТЛАР	
V.A. Мақсади	199–202
V.B. Жараён ва шакли	203–207

V.C. Баҳолаш ва кейинги жараён	208–210
VI. УМУМЖАҲОН МЕРОСИ КОНВЕНЦИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ	
VI.A. Мақсади	211
VI.B. Салоҳиятни ошириш ва тадқиқот ўтказиш	212–216
Жаҳон мероси салоҳиятини ошириш стратегияси	213
Миллий ўқитиш стратегиялари ва минтақавий ҳамкорлик	214
Тадқиқот ўтказиш	215
Халқаро ёрдам	216
VI.C. Ахборотни кучайтириш ва таълим.....	217–222
Ахборотни кучайтириш	217–218
Таълим.....	219
Халқаро ёрдам	220–222
VII. УМУМЖАҲОН МЕРОСИ ФОНДИ ВА ХАЛҚАРО ЁРДАМ	
VII.A. Умумжаҳон мероси фонди	223–224
VII.B. Бошқа техник ва молиявий ресурсларни сафарбар қилиш хамда Умумжаҳон Мероси Конвенциясини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳакорниклар.....	225–232
VII.C. Халқаро ёрдам	233–235
VII.D. Халқаро ҳамкорикнинг тамойиллари ва устувор йўналишлари.....	236–240
VII.E. Умумий жадвал	241
VII.F. Тартиб ва шакл.....	242–246
VII.G. Халқаро ёрдам кўрсатиш учун мурожаатларни баҳолаш	247–254
VII.H. Шартномавий келишувлар.....	255
VII.I. Халқаро ёрдамни баҳолаш ва қузатиб бориш	256–257
VIII. УМУМЖАҲОН МЕРОСИ НИШОНИ	
VIII.A. Кириш....	258–265
VIII.B. Фойдаланилиши.....	266
VIII.C. Иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари.....	267
VIII.D. Умумжаҳон мероси нишонидан тўғри фойдаланишини кучайтириш	268–274
Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектлар учун ўрнатиладиган белгиларни ишлаб чиқариш	269–274
VIII.E. Умумжаҳон мероси нишонини қўллаш тамойиллари	275
VIII.F. Умумжаҳон мероси нишонини қўллаш учун рухсат бериш тамойиллари	276–278
Давлат органларининг оддий рухсатномаси	276–277
Сифат назоратини амалга оширишни талаб қилувчи келишув	278

VIII.G. Сифат назоратини амалга оширишда иштирокчи давлатларнинг хуқуклари.....	279
IX. АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ	
IX.A. Котибият томонидан архивланган ахборот	280–284
IX.B. Умумжаон мероси Қўмитаси аъзолари ва бошқа иштирокчи давлатлар учун маҳсус ахборот.....	285–287
IX.C. Барча фойдаланиши мумкин бўлган ахборотлар ва нашрлар	288–290

ИЛОВАЛАР

1-илова: Ратификациялаш/Қабул қилиш ва Рўйхатга киритиш бўйича намунавий хужжат

2A-илова: Дастлабки рўйхатни тақдим этиш шакли

2B-илова: Сериал, трансмиллий ва трансчегарашиб номинациялар учун дастлабки рўйхатни тақдим этиш шакли

3-илова: Ўзига хос хусусиятга эга бўлган обьектларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун таърифлаш бўйича тавсиялар

4-илова: Умумжаҳон мероси конвенциясида ҳақиқийлик масаласи

5-илова: Умумжаҳон мероси рўйхатига обьектларни номинациялаш шакли

6-илова: Номинациялаш бўйича Маслаҳатлашув Кенгашларининг баҳолаш тартиби

7-илова: Умумжаҳон мероси конвенциясининг бажарилишига доир оралиқ ҳисоботлар шакли

8-илова: Халқаро ёрдам мурожаати шакли

9-илова: Халқаро ёрдам мурожаатларини баҳолаш мезонлари

10-илова: Умумжаҳон мислсиз қиймати баёни

11-илова: Умумжаҳон мероси обьектларининг хусусиятларини ўзгартириш

12-илова: Маслаҳатлашув Кенгашлари томонидан баҳолаш учун фактик хатоларни тақдим этиш шакли

13-илова: Иштирок этувчи давлатларнинг муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳисоботларини тақдим этиш шакли

14-илова: Умумжаҳон мероси белгисидан фойдаланиш жадвали

15-илова: Юқори оқим жараёнига мурожаат формати

УМУМЖАҲОН МЕРОСИГА ОИД ТАНЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

ҚИСҚАРТМА СҮЗЛАР

DoCoMoMo	Замонавий йўналишдаги ижтимоий объектлар ва тарихий жойларни ҳужжатлаштириш ва сақланишини амалга ошириш бўйича халқаро кўмита.
ИККРОМ	Маданий объектни қайта тиклаш ва сақлашни ўрганиш бўйича халқаро марказ
ИКОМОС	Обидалар ва атроф-муҳитларнинг халқаро консуллиги
IFLA	Ландшафт архитектураларининг халқаро федерацияси
IUCN	Табиат ва табиат ресурсларини сақлаш бўйича халқаро бирлашма
IUGS	Географик тадқиқотлар бўйича халқаро Кенгаш
MAB	ЮНЕСКОнинг одам ва биосфера дастури
NGO	Нодавлат-нотижорат ташкилот
TICCIH	Индустрисал меросни сақлаш бўйича халқаро Кўмита
UNEP	Бирлашган миллатлар ташкилотининг атроф-муҳит дастури
UNEP-WCMC	Сақлаш бўйича умумжаҳон мониторинг маркази (UNEP)
UNESCO	Бирлашган миллатлар ташкилотининг таълим, тадқиқот ва маданий ишлар бўйича ташкилоти

I КИРИШ

I.A Амалий қўлланмалар

1. Умумжаҳон Мероси Конвенциясини таббиқ этиши учун ишлаб чиқилган амалий қўлланмалар (кейинги матнда Амалий қўлланмалар) “Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиши тўхрисида”ги Конвенция (кейинги матнда “Умумжаҳон Мероси Конвенцияси” ёки “Конвенция”) қўлланишини енгиллаштириш мақсадида куйидаги жараёнларни амалга ошириш учун хизмат килади:

Объектларни Умумжаҳон мероси ва хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатларига киритиш;

Умумжаҳон мероси объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш;

Умумжаҳон мероси фонди орқали халқаро ёрдам кўрсатиш;

Конвенция самарадорлиги учун миллий ва халқаро ёрдам кўрсатиш.

2. Умумжаҳон мероси Кўмитасининг қарорларига асосан Амалий Қўлланмалар вақти-вақти билан такомиллаштирилиб борилади.
3. Амалий қўлланманинг асосий фойдаланувчилари:

- a) Умумжаҳон Мероси Конвенциясида иштирокчи давлатлар;

Умумжаҳон мислсиз қийматига эга маданий ва табиий объектларни муҳофаза қилишга қаратилган давлатлараро Кўмита (кейинги ўринда “Умумжаҳон Мероси Кўмитаси” ёки “Кўмита”);

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси маркази Умумжаҳон мероси Кўмитасининг Котибияти сифатида (кейинги матнда “Котибият”);

Умумжаҳон Мероси Кўмитасининг Консультатив органлари;

Умумжаҳон мероси объектлари муҳофазасини таъминлаш бўйича ҳамкорлар, манфаатдор тарафлар ва объектларни бошқарувчилар.

I.B Умумжаҳон Мероси Конвенцияси

4. Маданий ва табиий мерос нафақат ҳар бир миллат ва элат учун, балки ер юзидаги бутун инсоният учун мислсиз қийматга эга ҳамда тенги йўқ мулқидир. Мазкур қиймати тенгсиз мулкларнинг емирилиш ёки йўқ бўлиб кетиши умумжаҳон халқи меросининг қашшоқлашувига олиб келади. Ушбу мероснинг ҳар бир бўлаги алоҳида аҳамият касб этганлиги сабабли, “Умумжаҳон мислсиз қиймати”га эга ҳисобланади. Шу боис ушбу объектлар тобора кучайиб бораётган хавфлардан жиддий муҳофаза килиниши лозим.
5. Умумжаҳон меросини аниқлаш, муҳофаза қилиш, сақлаш ва намойиш килинишининг тўғри таъминланишига эришиш мақсадида ЮНЕСКО иштирокчи давлатлари томонидан 1972 йилда Умумжаҳон Мероси Конвенцияси қабул қилинди. Мазкур Конвенцияга асосан “Умумжаҳон мероси Кўмитаси” ва “Умумжаҳон мероси фонди” ташкил этилди. Кўмита ва Фонд 1976 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келмоқда.

- 6.** Конвенция 1972 йилда қабул қилинганидан буён халқаро ҳамкорлик “Барқарор ривожланиши” концепциясини илгари суради. Маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш ва асрар барқарор ривожланишнинг мухим омилидир.
- 7.** Конвенциянинг мақсади умумжаҳон мислсиз қийматига эга бўлган маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш, сақлаш, намойиш қилиш ва келгуси авлодга етказиб беришдан иборатdir.
- 8.** Объектларни умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш мезонлари ва шартлари уларнинг умумжаҳон мислсиз қийматини баҳолаш ва иштирокчи давлатларга умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларни сақлаш ва назорат қилишда йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган.
- 9.** Агар умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектга жиддий ва ўзига хос хавфлар таҳдид солса, Кўмита ушбу объектни умумжаҳон меросининг хавф остидаги объектлари рўйхатига киритади. Агар объектнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилишига сабаб бўлган мислсиз қиймати йўқолса, Кўмита мазкур объектни умумжаҳон рўйхатидан чиқариш чораларини кўради.

I.C Умумжаҳон Мероси Конвенциясида иштирокчи давлатлар

- 10.** Давлатлар Конвенция иштирокчиси бўлиши учун даъват этилади. Ратификация/қабул қилиш ва қўшилиш учун 1-иловага мувофиқ намунавий хужжатлар талаб қилинади. Мазкур хужжатларнинг имзоланган асл нусхаси ЮНЕСКО нинг бош директорига юборилади. Карор 43 СОМ 11А
- 11.** Конвенцияга иштирокчи давлатларнинг рўйхати куйидаги манзилда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/statesparties>
- 12.** Конвенцияга иштирокчи давлаталар умумжаҳон мероси объектларни аниқлаш, намойиш қилиш, бошқариш ва муҳофаза қилиш жараёнини таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни қабул қилиш ва гендер тенглилкка асосланган ҳолда объектларнинг бошқарувчилари, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий халқлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва бошқа қизиқиш билдирган ҳамкорлардан иборат манбаатдор тарафлар ва ҳуқуқ эгаларининг кенг жалб қилинишини таъминлашга чақирилади. Карор 43 СОМ 11А
- 13.** Иштирокчи давлатлар Конвенциянинг қўлланилишига координатор сифатида бевосита масъул давлат бошқаруви органларининг юқори тизимлари номлари ва алоқа тафсилотлари, расмий ёзишмалар ва хужжатларнинг барча нусхаларини мазкур координаторларга тўлиқ юборилишини таъминлаш учун Котибиятга тақдим қилишлари лозим. Карор 43 СОМ 11А
- 14.** Иштирокчи давлатлар Конвенцияни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун мунтазам равишда ўзларининг маданий ва табиий мероси бўйича мутахассисларини тўплаб туришлари тавсия қилинади. Иштирокчи давлатлар маслаҳат органлари вакилларини ва бошқа мутахассисларни ҳамда ҳамкорларни керак бўлганда жалб қилишлари мумкин. Карор 43 СОМ 11А

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
қоидаларининг 6(1)-моддаси

14. Bis. Иштирокчи давлатлар Жаҳон мероси конвенцияси билан боғлиқ дастурлари ва фаолиятига Жаҳон мероси қўмитаси, Конвенция иштирокчи давлатлари Бош ассамблеяси ва ЮНЕСКОнинг Бошқарув органлари томонидан қабул қилинган тегишли сиёсий тамойилларини жорий этишлари тавсия этилади. Жаҳон мероси конвенцияси жараёнларига Барқарор ривожланиш истиқболларини интеграциялаштириш бўйича сиёсий ҳужжат ва ЮНЕСКОнинг маҳаллий халқлар билан муносабатлари тўғрисидаги сиёсати, шунингдек бошқа тегишли сиёсат ва ҳужжатлар, шу жумладан 2030 йилгача Барқарор ривожланиш ва халқаро инсонпарварлик кун тартиби, хуқуқлар стандартлари шу жумладандир.

Карор 43 СОМ 11А

15. Иштирокчи давлатлар ўзларининг маданий ва табиий мерос бўйича матахассисларини Конвенциянинг ижросини муҳокама қилиш учун белгиланган муддатларда йигилишини таъминлаши талаб этилади. Иштирокчи давлатлар коида тариқасида Консультатив органларнинг вакилларини ва бошқа тегишли мутахассисларни жалб қилишлари мумкин.

Умумжаҳон мероси
конвенциясининг 6(1)-
моддаси

Карор 43 СОМ 11А

- a) Ўзларининг ҳудудларда топилган маданий ва табиий меросини аниқлаш, номинация қилиш, муҳофаза қилиш, сақлаш, намойиш қилиш ва келгуси авлодга етказиб бериш ҳамда бошқа иштирокчи давлатларга уларнинг талабига кўра ёрдам бериш;
- b) жамоатчилик ҳаётида меросга маълум бир функцияларни бериш мақсадида умумий сиёсат юритиш;
- c) комплекс режалаштириш дастурлари ва мувофиқлаштириш механизmlарига меросни муҳофаза қилиш масаласини киритиш, хусусан, ижтимоий-екологик хусусиятлар тизимларининг барқарорлигини ҳисобга олиш;
- d) меросни муҳофаза қилиш, сақлаш ва намойиш қилиш учун хизматлар ташкил қилиш;
- e) меросга хавф солиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган илмий ва техникавий билимларни ошириш;
- f) меросни муҳофаза қилишга қаратилган хукукий, илмий, техникавий, маъмурий ва иқтисодий чораларни кўриш;
- g) меросни муҳофаза қилиш, сақлаш ва намойиш қилишга ўргатувчи миллый ва ҳудудий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожантаришга ҳисса қўшиш ҳамда ушбу соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказилишини рағбатлантириш;
- h) ўзларининг ёки бошқа Конвенцияга иштирокчи давлатларнинг меросига бевосита ёки билвосита зарар етказиши мумкин бўлган чораларни қасдан содир этмаслик;
- i) умумжаҳон мероси рўйхатига (кейинги матнда Дастребки Рўйхат) киритишга лойик обьектларнинг инвентаризациясини умумжаҳон мероси Кўмитасига тақдим қилиш;
- j) Конвенцияга иштирокчи давлатларнинг бош ассамблеяси белгилаб берган микдорда умумжаҳон мероси фондига доимий равища бадал тўлаб бориши;

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 4 ва 6(1)-
моддалари

Умумжаҳон Мероси Кўмитаси
жараён қоидаларининг 5-моддаси

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 6(1)-моддаси

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 11(1)-моддаси

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 16(1)-моддаси

- k) уумумжахон меросини муҳофаза қилиш учун хайрия тадбирларини ўтказишда миллий, оммавий ва хусусий фонdlар ёки ҳамкорлик қилувчи ассоциациялар ташкил этилишини кўриб чиқиш ва рағбатлантириш;
- l) уумумжахон мероси фонди учун ташкил этиладиган халқаро кампанияларга маблағ йиғиши борасида кўмак бериш;
- m) Конвенциянинг 1- ва 2-моддаларида баён этилган маданий ва табиий меросга нисбатан фуқароларда хурмат ва муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш учун таълим ва ахборот дастурларини қўллаш ҳамда фуқароларни обьектларга хавф солиши мумкин бўлган хатарлардан доимий равишда огоҳлантириб бориш;
- n) Уумумжахон мероси Кўмитасига Уумумжахон Мероси Конвенциясининг ижроси ва обьектларнинг сақланишига доир маълумотларни тақдим қилиб бориш; ва
- o) Жаҳон мероси жараёнларида ва меросини сақлаш ҳамда бошқариш тизимларида барқарор ривожланиш мақсадларига, шу жумладан гендер тенглигига ҳисса қўшиш ва уларга риоя қилиш.

16. Иштирокчи давлатлар Уумумжахон мероси Кўмитаси ва унга кўмак берувчи органларнинг сессияларида қатнашишлари лозим.

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 17-моддаси

I.D Уумумжахон Мероси Конвенциясига иштирокчи давлатларнинг бош ассамблеяси

- 17. Уумумжахон Мероси Конвенциясига аъзо давларларнинг бош ассамблеяси ЮНЕСКОнинг бош конференцияси давомида йиғилади. Бош ассамблея ўзининг йиғилишларини қуидаги веб-сайтда кўрсатилган ўз Процессуал Коидаларига асосан ўтказади. Процессуал Коидалар қуидаги веб-сайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/garules>**
- 18. Бош ассамблея барча аъзо давлатларга уумумжахон мероси фонди учун бир хил фоиздаги бадални белгилаб беради ва уумумжахон мероси Кўмитасига аъзоларни сайлайди. Бош ассамблея ҳам, ЮНЕСКОнинг бош конференцияси ҳам Уумумжахон мероси Кўмитасидан фаолиятига доир ҳисботни қабул қиласи.**

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 27-моддаси

I.E Уумумжахон мероси Кўмитаси

- 19. Уумумжахон мероси Кўмитаси 21 нафар аъзолардан иборат ва ҳар йили камида бир маротоба (июнь/июль) учрашув ташкил қиласи. У Кўмитанинг сессиялари давомида зарурлигига қараб тез-тез йиғилишлар ўтказувчи ўз бюросини ташкил қиласи. Кўмита ва бюронинг таркиби қуидаги веб-сайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/committee>**
- 20. Кўмита ўзининг йиғинларини қуидаги веб-сайтда кўрсатилган ўз Процессуал Коидаларига асосан ўтказади: <http://whc.unesco.org/en/committee>**

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси жараён
коидаларининг 29-моддаси

Иштирокчи давлатларнинг
11-Бош ассамблеяси
томонидан қабул қилинган

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси процедура
коидаларининг 8. 1-коидаси.

Уумумжахон Мероси
Конвенциясининг 8(1)-
моддаси

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси процедура
коидаларининг 49-коидаси.

Уумумжахон Мероси
Конвенциясининг 8(1), 16(1) ва
29 -моддалари

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси процедура
коидаларининг 49-коидаси.

Жаҳон мероси кўмитаси

Уумумжахон Мероси
Кўмитаси билан унинг
котибияти Уумумжахон
Мероси маркази орқали
богланиши мумкин.

Умумжаҳон мероси
конвенциясининг 9(1)-моддаси

21. Кўмита аъзоларининг фаолият муддати 6 йил, бироқ тенг вакиллик ва ротацияни таъминлаш мақсадида, бош ассамблея томонидан иштирокчи давлатларга ихтиёрий равишда фаолият муддатини 6 йилдан 4 йилга кисқартириш таклифи берилади ва ушбу давлатларнинг ўз вакиллари ваколат муддатини узайтириш бўйича мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

22. Хар бир сайловда ҳали Умумжаҳон мероси кўмитасининг аъзоси сифатида иш юритмаган камида битта иштирокчи давлатнинг сайланиши эътиборга олинади.

23. Кўмитанинг қарорлари объектив ва илмий мулоҳаза ларга асосланади. Шу боис, Кўмита номидан берилган ҳар бир баҳо чукур таҳлилларга асосланиши ва масъулият билан қабул қилиниши лозим. Кўмита қабул қилинган қарорлар қуидагиларга асосланиши лозимлигини эътироф этади:

- a) хужжатларнинг эҳтиёткорлик билан тайёрланиши;
- b) батафсил ва давомли жараёнларга асосланиши;
- c) малакали мутахассислар томонидан баҳоланиши; ва
- d) агар лозим бўлса, мутахассис ҳакамларнинг жалб қилиниши.

24. Кўмитанинг иштирокчи давлатлар билан ҳамкорликдаги асосий вазифалари:

- a) Конвенцияга асосан муҳофаза қилинадиган мислсиз қийматга эга бўлган маданий ва табиий объектларни иштирокчи давлатлар томонидан тақдим қилинган дастлабки рўйхат ва номинацияларга асосланган ҳолда аниқлаш ва мазкур объектларни умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш;
- b) Тезкор мониторинг (қаранг: IV боб) ва Даврий ҳисбот (қаранг: V боб) орқали умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларнинг сақланиши ҳолатини текшириш;
- c) умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган қайси объектлар хавф остида турган умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилиши ёки чиқарилиши лозимлигини ҳал қилиш;
- d) объектнинг умумжаҳон мероси рўйхатидан чиқарилиши ёки чиқарилмаслигини ҳал қилиш (қаранг: IV боб);
- e) ҳалқаро ёрдам кўрсатилиши учун тақдим қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини белгилаш ва бир қарорга келишдан олдин зарур тадқиқотлар ва маслаҳатлашувларни амалга ошириш (қаранг: VII боб);
- f) иштирокчи давлатларнинг умумжаҳон мислсиз қийматига эга объектларини муҳофаза қилишда умумжаҳон мероси фонди ресурсларидан қай даражада самарали фойдаланишни аниқлаш;
- g) умумжаҳон мероси фондини кўпайтириш йўлларини қидириш;
- h) ҳар икки йилда Конвенцияга иштирокчи давлатларнинг Бош ассамблеяси ва ЮНЕСКОнинг Бош конференциясига амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисбот тақдим қилиш;

11(7)- ва 29 -моддалар.
Умумжаҳон Мероси
Конвенцияси

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 11(4)- ва
11(5)-моддалари

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 21(1) ва
21(3) - моддалари

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 13(6) -
моддаси

Умумжаҳон Мероси
Конвенцияси 29(3)-моддаси ва
Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
қоидаларининг 49-коидаси.

i) Конвенциянинг ижросини вақти-вақти билан кўриб чиқиш ва боҳолаш;

J) Амалий қўлланмаларни такомиллаштириш ва тасдиқлаш.

25. Конвенциянинг бажарилишига қўмаклашиш учун Кўмита стратегик мақсадларни ривожлантиради. Умумжаҳон меросига янги хавфларни самарали бартараф этиш учун Кўмитанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш баробарида улар вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиласи ва такомиллаштириб борилади.

26. Жорий стратегик мақсадлар (шунингдек, “5 С лар” деб аталади) қўйидагилардан иборат:

1. Умумжаҳон мероси рўйхатининг ишончлилигини (**Credibility**) мустаҳкамлаш;
2. Умумжаҳон мероси объектларини самарали асрарни (**Conservation**) таъминлаш;
3. Иштирокчи давлатларнинг самарали салоҳиятини ошириши (**Capacity-building**) ривожлантиришни рағбатлантириш;
4. Мустаҳкам алоқа (**Communication**) орқали жамоатчилик хабардорлигини, иштирокини ва қўллаб-кувватлашини ошириш.
5. Умумжаҳон Мероси Конвенциясини амалга оширишда Бирлашмалар (**Communities**) ролини ошириш.

I.F Умумжаҳон мероси Кўмитаси Котибияти (Умумжаҳон мероси маркази)

ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси маркази
7, Плас де Фонтенуа
75352 Париж 07 SP
Франция
Телефон: +33 (0) 1 4568 1276
E-mail: wh-info@unesco.org
www: http://whc.unesco.org/

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 14-моддаси

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси жараён
қоидаларининг 43-коидаси.
2003 йил 21 октябрдаги 16-
сонли циркуляр хат
<http://whc.unesco.org/circs/circ03-16e.pdf>

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 14.2-
моддаси

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясига иштирокчи
давлатлар Баш ассамблеяси
жараён қоидаларининг 14.1-
коидаси.

27. Умумжаҳон мероси Кўмитасига ЮНЕСКО Бош директори томонидан тайинланадиган Котибият томонидан ёрдам кўрсатилади. Хозирги кунда Котибиятнинг вазифалари 1992 йилда ушбу мақсадда ташкил этилган Умумжаҳон мероси маркази томонидан белгиланади. Бош директор умумжаҳон мероси маркази директорини Кўмитанинг котиби сифатида тайинлаган. Котибият иштирокчи давлатлар ва Консультатив органларга ёрдам беради ва улар билан ҳамкорлик қиласи. Шунингдек, Котибият ЮНЕСКОнинг бошқа тармоқлари ва қатор соҳалар бўйича оफислари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради.

28. Кўйидагилар Котибиятнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- a) Бош ассамблея ва Кўмитанинг йигинларини ташкиллаштириш;
- b) Умумжаҳон мероси Кўмитаси ва Бош ассамблеянинг қарорлари ижросини таъминлаш ва мазкур қарорлар ижроси бўйича ҳисобот бериш;
- c) Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилувчи номинацияларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, бутунлигини текшириш, архивлаш ва Консультатив органларга ўтказиб бериш;

Кўмита томонидан 1992
йилда қабул қилинган
биринчи “Стратегик
йўналишлар”, WHC-
92/CONF.002/12
хужжатининг 2-иловасида
келтирилган.

2002 йилда Умумжаҳон
Мероси Кўмитаси ўзининг
стратегик мақсадларини
кўриб чиқди. Умумжаҳон
мероси бўйича Будапешт
Декларацияси (2002 й.)

Умумжаҳон
Мероси Кўмитаси ўзининг
стратегик мақсадларини
кўриб чиқди. Умумжаҳон
мероси бўйича Будапешт
Декларацияси (2002 й.)
39-карор СОМ 11

d) репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжаҳон мероси рўйхати учун Глобал стратегиянинг бир қисми сифатида тадқиқотлар ва амалиётларни мувофиқлаштириш;

е) даврий ҳисботларни ташкил қилиш;

f) тезкор мониторингни, жумладан тезкор мониторинг миссияларини¹ мувофиқлаштириш ва ўтказиш, қоида тариқасида Консультатив миссияларни² ҳам мувофиқлаштириш ва уларда иштирок этиш;

g) халқаро ёрдамни мувофиқлаштириш;

h) Умумжаҳон мероси обьектларини сақлаш ва бошқариш учун бюджетдан ташқари маблағларни сафарбар қилиш;

i) Иштирокчи давлатларга Қўмитанинг дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш; ва

j) Иштирокчи давлатларга, Консультатив органларга ва жамоатчиликка ахборотлар тарқатиш орқали Умумжаҳон мероси ва Конвенцияни қўллаб-куватлаш.

29. Мазкур фаолиятлар Қўмитанинг қарорларига, стратегик мақсадларига ва Бош ассамблеянинг қарорларига асосланади ҳамда Консультатив органлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

I.G Умумжаҳон мероси Қўмитасининг Консультатив органлари

30. ИККРОМ (Маданий меросни сақлаш ва қайта тиклаш бўйича тадқиқотлар амалга ошириш халқаро маркази), ИКОМОС (курилиш обьектлари ва тарихий жойлар бўйича халқаро кенгаш) ва IUCN – табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро уюшма умумжаҳон мероси Қўмитасининг Консультатив органлари ҳисобланади.

Умумжаҳон мероси
конвенцияси 8.3-модда

31. Консультатив органларнинг роли қуидагиларда намоён бўлади:

Умумжаҳон мероси
конвенциясининг 13.7-
моддаси.

39-сонли қарор СОМ 11

¹ Тезкор мониторинг миссиялари хавф остидаги махсус обьектларнинг (каранг: 169-боб) сакланиши ҳолати бўйича Умумжаҳон мероси қўмитаси Котибияти ва Консультатив органлари расмий ҳисботининг бир қисми. Ушбу миссиялар Умумжаҳон Мероси Қўмитаси томонидан тегишли иштирокчи давлат билан маслаҳатлашган ҳолда, обьектнинг ҳолати, обьектга таҳдид қилаётган хавфлар ва обьектни қайta тиклаш имкониятларини аниқлаш ёки ушбу тиклаш чораларини самарали қўллаш ва ўтказилган миссия давомида аниқланган маълумотлар ҳакида Қўмитага ҳисбот беришдан иборат (see Paragraph 176.e). Тезкор Мониторинг миссияларини амалга ошириш муддатлари Умумжаҳон мероси Маркази томонидан Умумжаҳон Мероси Қўмитасининг қарори билан бирга таклиф қилинади ҳамда иштирокчи давлатлар ва Консультатив орган(-лар) билан маслаҳатлашган ҳолда мустаҳкамланади. Тезкор Мониторинг миссияларининг харажатлари Умумжаҳон мероси Фонди томонидан қопланади.

² Маслаҳат миссиялари расмий ва мажбурий жараённинг бир қисми эмас, улар иштирокчи давлатлар томонидан ихтиёрий равишда билдирилган ташаббусга кўра ўтказилади ва ушбу миссияларни ўтказишни талаб қилаётган иштирокчи давлатларнинг фикри ва мулоҳазасига боғлиқ бўлади. Маслаҳат миссиялари иштирокчи давлатларга алоҳида масалалар юзасидан мутахассис фикрини бериш учун амалга оширилади. Ушбу миссиялар “Юқори даражада” кўмак беради ва обьектларни аниқлаш, Умумжаҳон Мероси Рўйхатига киритиш учун Тахминий Рўйхатларни ёки обьектлар номинацияларини шакллантириш бўйича маслаҳат беради ёки мукобил равишда, обьектнинг сакланиш даражасига асосланиши ва обьектнинг Умумжаҳон мислсиз киймати бўйича йирик тараққиёт лойиҳаси оқибатида вужудга келувчи таъсирни баҳолаш борасида маслаҳат беради, обьектни бошқариш режасини тайёрлаш ёки қайta қўриб чиқиш, ёки махсус енгиллаштириш жараёни натижасида эришилган муваффакият борасида маслаҳат беради ва хоказо. Маслаҳат мониторинг миссияларини амалга ошириш муддатлари иштирокчи давлатларнинг ўзлари томонидан белгиланади ҳамда Умумжаҳон Мероси маркази, Консультатив орган(-лар) ва бошқа ташкилотлар билан маслаҳатлашган ҳолда мустаҳкамланади. Маслаҳат миссияларининг барча харажатлари мазкур миссияни таклиф қилган иштирокчи давлат томонидан қопланади, бироқ тегишли халқаро ёрдам ёки 38 СОМ 12 қарорга кўра Маслаҳат миссиялари учун тасдикланган янги бюджет тармоғидан маблағ билан таъминланувчи иштирокчи давлатлар бундан мустаснодир.

- a) Умумжаҳон Мероси Конвенсиянининг бажарилишида ўз ваколатлари доирасида маслаҳат бериш;
- b) Қўмитанинг хужжатларини тайёрлаш, унинг йигинлари кун тартибини белгилаш ва қарорларини амалга оширишда Котибиятга ёрдам бериш;
- c) Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжаҳон мероси рўйхатини шакллантириш, Умумжаҳон мероси бўйича салоҳиятни ошириш стратегияси, даврий ҳисобот бўйича Глобал стратегияни ривожлантириш ва амалга ошириш борасида кўмак бериш ҳамда умумжаҳон мероси фондидан самарали фойдаланишни мустаҳкамлаш;
- d) Умумжаҳон мероси объектларининг сақланиши ҳолати бўйича мониторингни амалга ошириш (Қўмитанинг талабига кўра тезкор мониторинг миссиялари ва иштирокчи давлатларнинг таклифига кўра Консультатив миссияларни ўтказиш орқали) ва халқаро ёрдам учун тақдим қилинган мурожаатларни ўрганиш;
- e) ИКОМОС ва IUCN иштирокчи давлатлар билан маслаҳатлашиш ва музокаралар ўтказиш орқали Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номинант объектларни баҳолайди, шунингдек, Қўмитага баҳолаш бўйича ҳисоботларни тақдим қилади ва
- f) Умумжаҳон мероси Қўмитаси ҳамда Бюронинг йигинларига маслаҳат доирасида қатнашади.

ИККРОМ

32. ИККРОМ (Маданий меросни сақлаш ва қайта тиклаш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш халқаро маркази) халқаро ва ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, мазкур ташкилотнинг маркази Италиянинг Рим шаҳрида жойлашган. ИККРОМ 1956 йилда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган. Унинг расмий вазифалари кўчувчи ва кўчмас маданий мерос сақланишини кучайтириш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш, хужжатлаштириш, техник ёрдам кўрсатиши, ўқитиш ва жамоатчиликни хабардор қилиш дастурларини ишлаб чиқишдан иборат.
33. ИККРОМнинг Конвенция билан боғлиқ ўзига хос роли қуидагиларни ўз ичига олади: маданий меросни асрар бўйича таълим беришда устувор шерик бўлиш, умумжаҳон мероси маданий объектлари сақланиши даражасини мониторинг қилиш, иштирокчи давлатларнинг халқаро ёрдам кўрсатилиши бўйича тақдим қилган мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда салоҳиятни ошириш борасидаги фаолиятга ҳисса қўшиш ва қўллаб-қувватлаш.

ИККРОМ
 Виа ди С. Мицель, 13
 I-00153 Рим, Италия
 Тел.: +39 06 585531
 Факс: +39 06 5855 3349
 Email: iccrom@iccrom.org
<http://www.iccrom.org/>

ICCRDM
 Via di S. Michele, 13
 I-00153 Rome, Italy
 Tel : +39 06 585531
 Fax: +39 06 5855 3349
 Email: iccrom@iccrom.org
<http://www.iccrom.org/>

ИКОМОС

34. ИКОМОС (қурилиш объектлари ва тарихий жойлар бўйича халқаро кенгаш) нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, мазкур ташкилотнинг маркази Франциянинг Чарентон-ле-Понт шаҳрида жойлашган. Ушбу таскилотга 1965 йилда асос солинган. Унинг вазифаси меморий ва археологик меросни асрарда назарий, методологик ва илмий услубларни қўллашга қўмаклашишдан иборат. У 1964 йилдаги қурилиш объектлари ва тарихий жойларни сақлаш ва қайта таъмирлаш ҳақидаги халқаро низомга (Венеция низоми) асосан фаолият олиб боради.
35. ИККРОМ нинг Конвенция билан боғлиқ ўзига хос роли қуидагиларни ўз ичига олади: Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номинация объектларини баҳолаш, умумжаҳон мероси маданий объектларининг сақланиши ҳолатини мониторинг қилиш, иштирокчи давлатларнинг халқаро ёрдам қўрсатилиши бўйича тақдим қилинган талабларини кўриб чиқиш ҳамда салоҳиятни ошириш борасидаги фаолиятта ҳисса қўшиш ва қўллаб-куватлаш.
36. IUCN
37. IUCN – Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи 1948 йилда ташкил этилган. У ҳукуматларни, нодавлат нотижорат ташкилотларни ва олимларни халқаро ҳамкорликка бирлаштиради. Унинг вазифаси табиатнинг яхлитлиги ва хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун бутун дунёдаги олимларга тасъир ўтказиш, рағбатлантириш ва ёрдам бериш ҳамда табиий ресурслардан ҳар қандай фойдаланиш адолатли ва экологик барқарор бўлишини таъминлашдан иборат. IUCNнинг марказий бошкармаси Швейцариянинг Гланд шаҳрида жойлашган.
38. IUCNнинг Конвенция билан боғлиқ ўзига хос роли қуидагиларни ўз ичига олади: Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номинация объектларини баҳолаш, умумжаҳон мероси табиий объектларининг сақланиши ҳолатини мониторинг қилиш, иштирокчи давлатларнинг халқаро ёрдам қўрсатилиши бўйича тақдим қилинган талабларини кўриб чиқиш ҳамда салоҳиятни ошириш борасидаги фаолиятта ҳисса қўшиш ва қўллаб-куватлаш.

I.H **Бошқа ташкилотлар**

39. Кўмита дастурлар ва тезкор мониторинг миссияларини ўз ичига оловчи лойиҳаларни, амалга ошириш мақсадида тегишли ваколат ва тажрибага эга бошқа халқаро ва нодавлат ташкилотларни ёрдамга чақириши мумкин.

ИКОМОС
49-51, Рю де ла
Федерасьон 75015 Париж,
Франция
Тел.: +33 (0)1 45 67 67 70
Факс : +33 (0)1 45 66 06 22
E-mail:
secretariat@icomos.org
<http://www.icomos.org/>

ICOMOS
11 rue du Séminaire de
Conflans
94220 Charenton-le-Pont
France
Tel : +33 (0)1 41 94 17 59
Fax : +33 (0)1 48 93 19 16
E-mail: secretariat@icomos.org
<http://www.icomos.org/>

IUCN - Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи
Рю Моверне 28
CH-1196 Гланд,
Швейцария
Тел.: + 41 22 999 0001
Факс: +41 22 999 0010
E-Mail: mail@hq.iucn.org
<http://www.iucn.org>

IUCN - The International Union for Conservation of Nature
rue Mauverney 28
CH-1196 Gland, Switzerland
Tel: + 41 22 999 0001

39-сонли карор СОМ 11

I.I **Умумжаҳон меросини муҳофаза қилишда ҳамкорлик**

40. Номинацияларни танлаш, бошқариш ва мониторингни амалга оширишда инклузив, ошкора ва ҳисобот берадиган қарорларни қабул қилиш билан, ҳамкорлик асосида ёндашиш умумжаҳон мероси объектларини муҳофаза қилиш Конвенцияни бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий аҳоли ҳукуқлари
бўйича Декларация (2007 й.)
39-сонли карор СОМ 11

- 41.** Умумжаҳон меросини муҳофаза қилиш ва сақлашда, айниқса маҳаллий жамоалар, маҳаллий аҳоли, давлат, нодавлат ва хусусий ташкилотлар ҳамда умумжаҳон мероси объектларининг муҳофазаси, шунингдек, бошқарилишига қизиқиши билдирган мулқдорлар, жисмоний шахс ёки бошқа манфаатдор тарафлар сифатида ҳамкор бўлиши мумкин.

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 14.2-
моддаси.

I.J **Бошқа конвенциялар, тавсиялар ва дастурлар**

- 42.** Умумжаҳон мероси Кўмитаси ЮНЕСКОнинг бошқа дастурлари ва тегишли *Конвенциялари* билан ҳамкорликда иш юритишини мувофиқлаштиришнинг самарасини эътироф этади. Тегишли глобал муҳофаза воситалари, *Конвенциялар* ва дастурларнинг рўйхати 44-бандда кўрсатилган.
- 43.** Умумжаҳон мероси Кўмитаси Котибият қўмаги билан Умумжаҳон Мероси Конвенцияси ва бошқа Конвенциялар, маданий ва табиий меросни муҳофаза қилишга қаратилган дастурлар ва халқаро ташкилотлар ўргасида тегишли мувофиқлаштиришни амалга ошириш ва ахборот алмашинини таъминлайди.
- 44.** Кўмита тегишли *Конвенциялар* асосида фаолият юритувчи ҳукуматлараро органларнинг вакилларини ўзининг йигинларида кузатувчи сифатида қатнашишга таклиф қилиши мумкин. Шунингдек, таклифномага биноан Кўмита бошқа ҳукуматлараро органлар йигинларида кузатувчи сифатида қатнашадиган вакилини тайинлаши мумкин.
- 45. Маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқ глобал конвенциялар ва дастурлар.**

ЮНЕСКОнинг *Конвенциялари* ва дастурлари

Ҳарбий можаролар пайтида маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида *Конвенция* (1954)

Протокол I (1954)
Протокол II (1999)
<http://www.unesco.org/new/en/culture/themes/armmed-conflict-and-heritage/convention-and-protocols/>

Маданий меросни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулкни бошқаларга беришнинг олдини олиш ва тақиқлаш тўғрисида *Конвенция* (1970)

<http://www.unesco.org/new/en/culture/themes/illicit-trafficking-of-cultural-property/1970-convention>

39-сонли қарор СОМ 11

Умумжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш тўғрисида *Конвенция* (1972)

<https://whc.unesco.org/en/conventiontext>

Сувости маданий меросни сақлаш тўғрисида *Конвенция* (2001)

<https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000126065>

Номоддий маданий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция (2003)

<https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000132540>

Маданий ўзликни намоён қилишнинг турли шаклларини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича *Конвенция* (2005)
<https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000142919>

Инсон ва биосфера (MAB) дастури
<http://www.unesco.org/new/en/natural-sciences/environment/ecological-sciences/man-and-biosphere-programme/>

Халқаро геология ва геопарклар дастури <http://www.unesco.org/new/en/natural-sciences/environment/earth-sciences/international-geoscience-and-geoparks-programme/>

Халқаро гидрологик дастур <https://en.unesco.org/themes/water-security/hydrology>

Бошқа Конвенциялар

Халқаро кит ов комиссияси (1946) <https://iwc.int>

Халқаро ўсимликларни ҳимоя қилиш конвенцияси (1951)
<https://www.ippc.int>

Сувда сузувчи кушларнинг яшаш муҳити ҳисобланган сувли-ботқоқли жойлар тўғрисидаги халқаро аҳамиятга эга *Конвенция* (Рамсар) (1971)
<http://www.ramsar.org>

Йўқолиб кетиши хавфи остида турган фауна ва флоранинг ёввойи турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги *Конвенция* (CITES) (1973)
<http://www.cites.org>

Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги *Конвенция* (CMS) (1979)
<http://www.cms.int>

Бирлашган миллатлар ташкилотининг денгиз ҳуқуқи бўйича конвенцияси (UNCLOS) (1982)
https://www.un.org/Depts/los/convention_agreements/convention_overview_convention.htm

Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги *Конвенция* (1992)
<http://www.cbd.int>

UNIDROIT Ўғирланган ёки ноқонуний экспорт қилинган маданий обьектлар ҳақидаги *Конвенция* (Rome, 1995)
<https://www.unidroit.org/cultural-property#Convention1995>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий *Конвенцияси* (New York, 1992)
<http://unfccc.int>

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги учун ўсимликларнинг генетик ресурслари тўғрисида халқаро шартнома (2001) <http://www.fao.org/plant-treaty/en/>

II УМУМЖАХОН МЕРОСИ РҮЙХАТИ

II.A Умумжахон мероси тушунчаси

Маданий ва табиий мерос

46. Умумжахон Мероси Конвенциясининг 1- ва 2- моддаларида маданий ва табиий мерос тушунчаларига таъриф берилган.

1-модда

Мазкур Конвенцияга асосан қуийдагилар “маданий мерос” ҳисобланади:

- ҳайкаллар: тарихий, санъат ёки илмий нүктаи назарга кўра умумжахон мислсиз қиймати ҳисобланган архитектура ишлари, ҳайкалтарошлиқ ва рассомчилик ишлари, археологик табиатга хос элементлар ёки тузилмалар, ёзувлар, гор масканлари ва хусусиятлари бирикмалари;
- Бинолар ансамбли: тарих, санъат, ёки илмий нүктаи назарга кўра ўзларининг архитектураси, бирхиллиги ёки ландшафтда тутган ўрнига асосан Умумжахон мислсиз қийматига эга ҳисобланган алоҳида ёки қўшилган бинолар ансамбли.
- Тарихий жойлар: тарихий, эстетик, этнологик ва антропологик нүктаи назарга кўра умумжахон мислсиз қийматига эга ҳисобланган инсон меҳнати ёки инсон ва табиат меҳнати бирлашмаси ҳамда археологик ёдгорликлар жойлашган ҳудудлар.

2-модда

Мазкур Конвенцияга асосан қуийдагилар “табиий мерос” ҳисобланади:

- эстетик ёки илмий нүктаи назарга асосан Умумжахон мислсиз қиймати ҳиобланган, физик ва биологик бирикмалар ёки ушибу бирикмаларнинг гуруҳларидан таркиб топган табиий ҳосилотлар;
- илмий ёки муҳофаза қилиши нүктаи назаридан умумжахон мислсиз қиймати ҳисобланган, йўқолиб кетиши хавфи остида турган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг табиий муҳитини ташкил этувчи геологик ва физиографик хусусиятлар ҳамда қаттиқ муҳофаза қилинуви ҳудудлар;
- илмий, муҳофаза қилиши ва табиат гўзалиги нүктаи назаридан умумжахон мислсиз қиймати ҳисобланган табиат манзаралари ёки жиоддий муҳофаза қилинувчи табиий ҳудудлар.

Аralаш маданий ва табиий мерос

47. Объектлар Конвенциянинг 1- ва 2-моддаларида белгиланган ҳар иккала маданий ва табиий мерос таърифларининг бир қисмига тўғри келса, у ҳолда “аралаш маданий ва табиий мерос” объектлари ҳисобланади.

Маданий ландшафтлар

- 48.** Маданий ландшафтлар маданият объектлари хисобланиб, Конвенциянинг 1-моддасига асосан “табиат ва инсоннинг биргалиқдаги меҳнати маҳсулі”ни намоён этади. Улар жисмоний чекловлар ва/ёки уларнинг табиий муҳити томонидан тақдим қилинган ички ва ташқи имкониятлар ва муваффақиятли ижтимоий, иқтисодий ва маданий кучлар таъсири остида инсоният жамоасининг тараққиёт босқичи ва вақт ўтиши давомида ўтроклашувини тасвирлайди.

3-Илова

Кўчувчи мерос

- 49.** Кўчиш эҳтимоли мавжуд бўлган кўчмас мерос номинациялари мазкур мерос турига киритилмайди.

Умумжаҳон мислсиз қиймати

- 50.** Умумжаҳон мислсиз қиймати бу – миллий чегаралардан ошиб кетадиган даражада ўзига хос ва бутун инсониятнинг ҳозирги ва келажақдаги авлоди учун умумий аҳамиятга эга бўлган маданий ва/ёки табиий қийматлардир. Шу боис, мазкур меросни доимий муҳофаза қилиш барча ҳалқаро ҳамжамият учун улкан аҳамият қасб этади. Объектларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш борасида мезон Кўмита томонидан белгиланади.
- 51.** Иштирокчи давлатлар Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун “Умумжаҳон мислсиз қиймати” хисобланган маданий ва/ёки табиий номинант объектларни тақдим қилиши мумкин.
- 52.** Объектларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш давомида Кўмита объектни келажақда самарали муҳофаза қилиш ва бошқариш учун асос бўлувчи Умумжаҳон мислсиз қиймати тўғрисида баёнот қабул қиласди (қаранг: 154-банд).
- 53.** Конвенция катта қизиқиши, аҳамиятга ёки қийматга эга объектларни муҳофаза қилишга эмас, балки фақат ҳалқаро нұқтаи назарга қўра мислсиз қийматга эга ҳисобланувчи рўйхатга киритилган объектларнинг муҳофазасини таъминлашшга мўлжалланган. Шу боис, миллий ва/ёки минтақавий аҳамиятга эга бўлган объек特 автоматик равишда Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши тахмин қилинmasлиги лозим.
- 54.** Кўмитага тақдим қилинган номинациялар иштирокчи давлат тегишли меросни ўз имконияти доирасида асрарга тўлиқ мажбурият олганлигини намойиш қилиши керак. Бундай мажбурият объект ва унинг умумжаҳон мислсиз қийматини муҳофаза қилиш учун тўтри сиёsat шаклини, қабул қилинган ҳуқуқий, илмий, техникавий, маъмурий ва молиявий чора-тадбирларни ўз ичига олади.

II.B Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжаҳон мероси рўйхати

- 55.** Кўмита ўзининг 26-сессиясида (Будапешт, 2002 й.) қабул қилинган тўртта стратегик мақсадларига мос репрезентатив, мувозанатли ва ишончли Умумжаҳон мероси рўйхатини шакллантиришига ҳаракат қиласди.

Умумжаҳон мероси тўғрисидаги Будапешт Декларацияси (2002)
<https://whc.unesco.org/en/budapestdeclaration>

Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжахон мероси рўйхати учун Глобал стратегия

56. Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли умумжахон мероси рўйхати учун Глобал стратегия умумжахон маданий мероси рўйхатидаги йирик камчиликларни аниқлаш ва тўлдириш учун мўлжаллангган. Бу кўпроқ давлатларни Конвенция иштирокчиси бўлишга жалб қилиш ва 62-бандда кўрсатилган тартибда умумжахон мероси рўйхатига киритиш учун Дастлабки Рўйхатни ва номинант объектларни шакллантириш учун амалга оширилади.
(<https://whc.unesco.org/en/globalstrategy>)
57. Иштирокчи давлатлар ва Консультатив органлар, Котибият ва бошқа ҳамкорлар билан биргалиқда Глобал стратегиянни амалга оширишда иштирок этади. Худудий ва тематик Глобал стратегия йигинлари ҳамда қиёсий ва тематик ўрганишлар ушбу мақсад учун ташкил этилади. Мазкур йигинлар ва ўрганишларнинг натижалари иштирокчи давлатлар томонидан Дастлабки Рўйхатларни ва номинацияларни шакллантиришда ёрдам бериши мумкин. Умумжахон Мероси Кўмитасига тақдим қилинган мутахассислар йигинлари ва тадқиқотлари ҳисботлари кўйидаги веб-сайтда кўрсатилган:
<https://whc.unesco.org/en/globalstrategy>.
58. Барча саъй-ҳаракатлар Умумжахон маданий мероси рўйхатидаги маданий ва табиий мерос ўртасида оқилона мувозанат сақлаб қолиш учун амалга оширилиши лозим.
59. Умумжахон мероси рўйхатига киритиладиган объектларнинг умумий сони бўйича қатъий чегара мавжуд эмас.

Бошқа чора-тадбирлар

60. Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли Умумжахон мероси рўйхатини шакллантиришга қўмаклашиш мақсадида иштирокчи давлатлар уларнинг мероси рўйхатда тўғри кўрсатилган ёки йўқлигини кўриб чиқиши талаб қилинади. Агар шундай бўлса, кейинги номинацияларни тақдим қилиш тезлигини секинлаштириш учун кўйидагилар амалга оширилади:
- Ўзлари белгилайдиган шартларга мувофиқ номинацияларни тақдим қилиш оралиқ вақтни узайтириш ва/ёки;
 - Рўйхат бўйича тўлиқ тақдим қилинмаган объектлар категориясига кирувчи объектларни таклиф қилиш ва/ёки;
 - Номинацияларнинг ҳар бирини мероси рўйхат бўйича тўлиқ тақдим қилинмаган иштирокчи давлатларнинг номинациялари билан боғлаш; ёки
 - Янги номинацияларни тақдим қилишни ихтиёрий равишда тўхтатишга қарор қилиш.

61. Умумжахон мислсиз қийматга эга бўлган объектларнинг Умумжахон мероси рўйхатига тўлиқ тақдим қилинмаган давлатлар кўйидагиларни амалга оширишлари талаб қилинади:

Умумжахон мероси рўйхати учун "Глобал стратегия" ва тематик тадқиқотлар бўйича Экспертлар йигилишининг хисоботи (1994 йил 20–22 июн) Умумжахон Мероси Кўмитаси ўзининг 18-сессиясида қабул қилди (Пхукет, 1994).

Глобал стратегия дастлаб маданий меросга мурожаат килган ҳолда ишлаб чиқилган. Умумжахон Мероси Кўмитасининг илтимосига биноан кейинчалик Глобал стратегия табиий меросга ва маданий ҳамда табиий меросга мурожаат қилишни ўз ичига олган ҳолда кенгайтирилди.

Иштирокчи давлатлар бош ассамблеясининг 12-сонли қарорига асосан қабул қилинган (1999 й.).

Иштирокчи давлатлар бош ассамблеясининг 12-сонли қарорига асосан қабул қилинган (1999 й.).

- a) биринчи навбатда ўзларининг Дастраслабки рўйхатларини ва номинацияларини тайёрлашга эътиборни қаратишлари;
- b) техник тажриба алмашишга асосланган миңтақавий даражадаги ҳамкорликни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш;
- c) меросни бошқариш, сақлаш ва муҳофаза қилиш учун масъул муассасаларнинг профессионаллик даражаси ва техникавий имкониятларини кучайтириш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш; ва
- d) Умумжаҳон мероси қўмитасининг сессияларида имкон қадар кўпроқ қатнашиш.

24 COM VI.2.3.3,
28 COM 13.1 and
7 EXT.COM 4B.1
29 COM 18A
31 COM 10
35 COM 8B.61
қарорлар

61. Кўмита куйидаги механизмни қўллашга қарор килди:

62. 2018 йил 2-февралдан бошлаб:

- a) Ҳар бир иштирокчи давлат учун битта тўлиқ номзодни кўриб чиқиш,
- b) Кўмитанинг олдинги сессияларида қайта ишлаш учун қолдирилган ва қайтарилган номинациялар, узайтиришлар (объект чегараларининг кичик ўзгартиришларидан ташқари), трансчегараавий ва сериал номинацияларни ўз ичига олевчи, бир йил давомида 35 тагача номинацияларни кўриб чиқиш бўйича чегирма ўрнатиш,
- c) Агар йиллик чегирма 35 та номинациядан ошиб кетса, куйидаги устунликлар тизими қўлланилади:
 - i) Рўйхатга киритилган объектлари мавжуд бўлмаган иштирокчи давлатларнинг объектлари номинацияси,
 - ii) Рўйхатга 3 тагача объекти киритилган иштирокчи давлатларнинг объектлари номинациялари,
 - iii) 61. б) бандига мувофиқ баҳолаш учун тегишли маслаҳат органларига ўтказилмаган номзодлар қайта юборилган³,
 - iv) Олдинги сони йиллик 35 тадан иборат чегарадан ошиб кетганлиги сабабли рўйхатдан чиқарилган номинант объектлар ва мазкур устунлик тизимининг қўлланилиши,
 - v) Табиий меросга оид объектлар номинацияси,
 - vi) Аралаш меросга оид объектлар номинацияси,
 - vii) Трансчегараавий/трансмиллий объектлар номинацияси,
 - viii) Африка, Тинч океани ва Кариб денгизи худудларида жойлашган номинациялар,
 - ix) Охирги йигирма йил давомида Умумжаҳон Мероси Конвенциясини ратификация қилган иштирокчи давлатлар томонидан тақдим қилинган номинациялар,

³ Ушбу қоида қайтарилган номинацияни қайта юборилган йўлланма қароридан кейинги учинчи йилда олинган тақдирда ҳам қўлланилади.

- x) Охирги беш йиллик ва ундан ортиқ вақт давомида номинацияларини тақдим қылмаган иштирокчи давлатларнинг тақдим қылган номинант объектлари,
 - xi) Ўз ваколатлари давомида Кўмита томонидан номзодлик кўриб чиқилмаслигини ихтиёрий равишда қабул қылган иштирокчи давлатлар, яъни Кўмита собиқ аъзоларининг номзодлари, Ушбу устуворлик уларнинг Кўмитадаги ваколатлари тугаганидан кейин 4 йил давомида кўлланилади,
 - xii) Мазкур устунлик тизимини кўллаш давомида юқорида кўрсатилган бандларда қайд этилмаган номинациялар орасида устунлик белгилаш борасида Умумжаҳон мероси марказининг тўлиқ ва тугал номинацияларнинг қабул қилиниши санаси иккинчи даражали омил сифатида фойдаланилади.
- d) Трансчегаравий ва трансмиллий номинациялар бўйича ҳаммуаллиф иштирокчи давлатлар мустақил равишда ҳамда бир-бири билан келишган ҳолда мазкур номинацияни олиб чиқадиган иштирокчи давлатни танлаши мумкин. Ушбу ҳолатда мазкур номинация фақат уни олиб чиқсан давлат чегаралари доирасида рўйхатга олинади.

Ушбу қарор 4 йил давомида синов асосида амалга оширилади ва 2018 йил 2 февралдан бошлаб барча иштирокчи давлатлар учун қулагай ўтиш даврини таъминлаш учун кучга киради. Ушбу қарорнинг таъсири Кўмитанинг 46-сессиясида (2022) баҳоланади.

II.C Дастлабки Рўйхатлар

Жараён ва шакл

- 63.** Дастлабки Рўйхат иштирокчи давлатлар ҳудудида жойлашган ва улар томонидан Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун муносиб дея эътироф этилган объектларнинг инвентар рўйхати ҳисобланади. Шу боис, иштирокчи давлатлар ўзларининг Дастлабки Рўйхатларига объектларнинг қисмлари Умумжаҳон мислсиз қиймати даражасига эга деб ҳисоблаган ва келгуси йиллар давомида номинация сифатида тақдим қилмоқчи бўлган объектларни киритишлари лозим.
- 64.** Иштирокчи давлатларнинг Дастлабки Рўйхатига киритилмаган номинациялар Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилмайди.
- 65.** Иштирокчи давлатлар 43 Дастлабки Рўйхатларни объектлар бошқарувчилари, маҳаллий ва минтақавий давлатлар, маҳаллий жамоалар, ННТлар ҳамда бошқа манфаатдор тарафлар ва ҳамкорлардан иборат кенг доирадаги иштирокчиларнинг тўлиқ, самарали ва гендер тенглика амал қылган ҳолда тайёрлашлари тавсия қилинади. Иштирокчи давлатлар ўзларининг дастлабки рўйхатига объектларни киритишдан олдин манфаатдор маҳаллий аҳоли билан ўзларининг вакиллик муассасалари орқали уларнинг бепул, олдиндан хабардор килиб розилигини олиш учун маслаҳатлашадилар ва ҳамкорлик қиласидилар.

Умумжаҳон Мероси
Конвенциясининг 1-, 2- ва
11(1)- моддалари

39-сонли қарор СОМ 11

24-сонли қарор VI.2.3.2- СОМ
24-сонли қарор VI.2.3.2- СОМ

- 66.** Иштирокчи давлатлар Дастрлабки Рўйхатларни номинацияларни тақдим қилишдан камида бир йил олдин Котибиятга тақдим қиласди. Иштирокчи давлатлар камида ҳар ўн йилда ўз Дастрлабки Рўйхатларини кайта кўриб чишишлари ва кайта тақдим қилишлари лозим.
- 67.** Иштирокчи давталар ўзларининг Дастрлабки Рўйхатларини инглиз ва француз тилларида 2A ва 2B иловалардаги стандарт шаклларда (трансчегарашибий ва трансмиллий номинациялар учун), объектларнинг номи, уларнинг географик жойлашуви, объектларнинг қисқача тавсифи ва уларнинг Умумжаҳон мислсиз қийматига эга эканлигини тасдиқловчи маълумотлар билан бирга тақдим қилиши талаб этилади.
- 68.** Тугалланган Дастрлабки Рўйхатнинг тасдиқланган асл нусхаси иштирокчи давлат томонидан қўйидаги манзилга киритилади:
- ЮНЕСКО умумжаҳон мероси** **UNESCO World Heritage Centre**
маркази 7, place de Fontenoy
7, Плас де Фонтенуа 75352 Paris 07 SP
75352 Париж 07 SP France
Франция Tel: +33 (0) 1 4568 1136
Телефон: +33 (0)1 4568 1136 E-mail: wh-
E-mail: wh-tentativelists@unesco.org tentativelists@unesco.org
- 69.** Умумжаҳон мероси маркази иштирокчи давлатларнинг Дастрлабки Рўйхатларини қабул қилиб олганидан сўнг хужжатларнинг тўлиқлигини 2-иловага мувофиқ ўрганади. Агар хужжатлар 2-иловага мувофиқ тарзда тўлик деб топилмаса, Умумжаҳон мероси маркази хужжатларни иштирокчи давлатга қайтаради. Агар барча маълумотлар тўлик ҳолатда бўлса, Дастрлабки Рўйхат Котибият томонидан рўйхатга олинади ва Консультатив органларга маълумот учун юборилади. Ҳар йили барча Дастрлабки Рўйхатларнинг маълумоти Кўмитага тақдим қилинади. Котибият тегишли иштирокчи давлатлар билан маслаҳатлашган ҳолда, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ва рўйхатга киритилмаган объектларни Дастрлабки Рўйхатдан чиқариш орқали ёзувларни янгилаёт боради.
- 70.** Иштирокчи давлатларнинг дастрлабки рўйхатлари Шаффофликни таъминлаш, маълумотлардан фойдаланиш ва минтақавий ҳамда тематик даражаларда дастрлабки рўйхатларни уйғулаштиришига кўмаклашиш мақсадида, Умумжаҳон мероси маркази томонидан ўз веб-сайтида ва/ёки ишчи хужжатларда нашр этилади.
- 71.** Дастрлабки рўйхатнинг матн мазмуни учун ягона жавобгарлик тегишли иштирокчи давлатга талуқлидир. Дастрлабки рўйхатларнинг нашр этилиши Умумжаҳон мероси кўмитаси ёки Умумжаҳон мероси маркази ёки ЮНЕСКО котибиятининг ҳар қандай мамлакат, ҳудуд, шаҳар ёки худуднинг ҳуқуқий мақоми ёки унинг чегаралари тўғрисида ҳар қандай фикр билдиришини англатмайди.
- 72.** Иштирокчи давлатларнинг Дастрлабки рўйхатлари қўйидаги веб-сайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/tentativelists>

39-сонли қарор СОМ 11

7-сонли қарор СОМ 4А

41-сонли қарор СОМ 11

27-сонли қарор СОМ 8А

Дастлабки Рўйхатлар – режалаштириш ва баҳолаш воситаси сифатида

73. Иштирокчи давлатлар, Умумжаҳон мероси Кўмитаси, Котибият ва Консультатив органлар келажақдаги номинациялар учун кўрсатма берар экан, Дастлабки Рўйхатлар фойдали ва муҳим режалаштириш воситаси ҳисобланади.
74. Дастлабки рўйхатлар эҳтиёткорлик билан ва Умумжаҳон мислсиз киймати талабига мослиги бўйича шакллантирилиши лозим. Иштирокчи давлатлар умумжаҳон мероси рўйхатида бўш жойларни аниқлаш мақсадида ИКОМОС ва IUCN Кўмиталарининг талабларига биноан тайёрланган ҳар иккала умумжаҳон мероси рўйхати ва Дастлабки Рўйхатларнинг таҳлилларини ўрганиб чиқади. Ушбу таҳлиллар иштирокчи давлатларга кутилаётган Умумжаҳон мероси объектлари учун мавзулар, худудлар, гео-маданий гурухлашлар ва биогеографик вилоятларни таққослаш имкониятини яратади. Иштирокчи давлатлар қоидага кўра ўзларининг Дастлабки Рўйхатларини шакллантириш давомида Консультатив органлардан мумкин қадар эртароқ малакали маслаҳат олиши лозим.
75. Шунингдек, иштирокчи давлатлар Консультатив органлар томонидан олиб бориладиган маҳсус тематик тадқиқотларда қатнашиши керак (қаранг: 147-банд). Мазкур тадқиқотлар иштирокчи давлатлар томонидан тақдим қилинган Дастлабки Рўйхатларни кўриб чиқиш орқали ва Дастлабки Рўйхатларни уйғунлаштириш юзасидан йигилишларда берилган ҳисоботлар орқали, шунингдек, Консультатив органлар томонидан амалга оширилган бошқа техник тадқиқотлар, малакали ташкилотлар ва мутахассислар орқали маълумотлар олади. Тугалланган тадқиқотлар рўйхати қўйидаги веб-сайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/globalstrategy>
76. Иштирокчи давлатлар ўзларининг Дастлабки Рўйхатларини миintaқавий ва тематик даражаларда уйғунлаштириши лозим. Дастлабки рўйхатларнинг уйғунлашувчи – иштирокчи давлатлар Консультатив органларнинг ёрдами билан жамоа бўлиб ўзларининг Дастлабки рўйхатидаги бўшликларни ўрганиш ва умумий мавзуларни аниқлаш жараёнидир. Уйғунлашув иштирокчи давлатлар ва турли хил маданий жамоалар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш, умумий меросга ва маданий хилма-хиллиқка бўлган хурматни тарғиб килиш учун катта салоҳиятга эга ва натижада дастлабки рўйхатлар, иштирокчи давлатларнинг янги номинациялари ва номзодларни тайёрлашда иштирок этувчи давлатлар гурухлари ўртасидаги ҳамкорлик яхшиланиши мумкин.

Дастлабки Рўйхатларни шакллантиришида иштирокчи давлатларга ёрдам бериш ва уларнинг салоҳиятини ошириш

77. Глобал стратегияни амалга ошириш учун Дастлабки Рўйхатларни тайёрлаш, уларни янгилаб бориш ва уйғунлаштириш ҳамда номинацияларни тайёрлаш борасида малкали тажриба тўплаш ва/ёки уни кучайтириш учун иштирокчи давлатларга ёрдам сифатида турли хил бенефициар гурухлар салоҳиятини ошириш ва ўқитиш борасидаги ҳамкорликдаги ташабbusлар муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

24-сонли қарор СОМ para.
VI.2.3.2(ii)
39-сонли қарор СОМ 11
Documents WHC-
04/28.COM/13.B.I
and II
<https://whc.unesco.org/documents/t5297> (ICOMOS) and
<https://whc.unesco.org/documents/t5298> (IUCN)

Мазкур мезонлар олдин иккита алоҳида блоклар шаклида кўрсатилган эди – маданий мерос учун (i) - (vi) ва табиий мерос учун (i) - (iv) мезонлар.

Умумжаҳон Мероси Кўмитаси ўзининг б-навбатдан ташкари ўтказилган сессиясида барча 10 мезонни бир блокка бирлаштириш бўйича қарор EXT.COM 5.1)

Глобал стратегияни амалга ошириш учун турли хил бенефициар гурухлар учун салоҳиятни ошириш ва ўқитиши бўйича ҳамкорликдаги съий-харакатлар иштирок этувчи давлатларга уларнинг тахминий рўйхатини тайёрлаш, янгилаш ва ўйғунлаштириш ва номзодларни тайёрлашда тажриба тўплаш ва/ёки консолидация қилишда ёрдам бериши керак бўлиши мумкин.

78. Иштирокчи давлатлар томонидан Дастлабки Рўйхатларни тайёрлаш, янгилаш бориш ва ўйғунлаштириш мақсадида халқаро ёрдам талаб қилиниши мумкин (қаранг: 7-боб).
79. Консультатив органлар ва Котибият ўзларининг Дастлабки Рўйхат ва номинацияларни шакллантириш услубларига асосан обьектлари умумжаҳон мероси рўйхатига ҳали етарли даражада тақдим килинмаган давлатларга ёрдам бериш мақсадида, худудларда ўқув семинар машгулотларини олиб бориш учун баҳолаш миссиясидан фойдаланади.

II.D Умумжаҳон мислсиз қийматини аниқлаш мезонлари

80. Объект қуйида келтирилган мезонларнинг бир ёки бирдан ортигига тўғри келса, Кўмита мазкур обьектни умумжаҳон мислсиз қийматига эга деб топади (қаранг: 49–53- бандлар). Шу боис, номинант обьектлар:
 - i) инсонижодий заковатининг дурдонасини намоён қилиши;
 - ii) архитектура йўналиши ёки технологиядаги тараққиётлар, ёдгорлик санъатлари, шаҳарсозлик ёки ландшафтларни лойихалаштириш борасида маълум бир вақт оралиғига ёки дунёнинг маълум бир худуди доирасида инсоният қийматларининг муҳим алмашинувини тасвирлаши;
 - iii) ҳозирги вақтда мавжуд ёки йўқ бўлиб кетган маданий урф-одатлар ёки цивилизациянинг ягона ёки ҳеч бўлмаса ўзига хос далилини акс эттириши;
 - iv) инсоният тарихида улкан босқични (босқичларни) тасвирловчи иншоот, архитектура ёки технологик ансамбль ёхуд ландшафтнинг мислсиз намунаси бўлиши;
 - v) маданиятни (маданиятларни) ифодаловчи инсониятнинг миллий ўтроқлашуви, ердан ёки сувдан фойдаланиши ёхуд инсониятнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирининг (айниқса, қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар таъсири остида заифлашиб қолган бўлса) мислсиз намунаси бўлиши;
 - vi) умумжаҳон мислсиз аҳамиятига эга фикрлар ёки эътиқодлар, бадиий ёки адабий ишларга эга ҳодисалар ёки мавжуд урф-одатлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиши (Кўмитанинг фикрига кўра, мазкур мезон кўпроқ бошқа мезонлар билан биргалиқда кўлланилиши лозим);
 - vii) юксак табиат ҳодисаси ёки ўзига хос табиат гўзаллиги ва эстетик муҳим худудларни ўз ичига олиши;

viii) қадимги ҳаёт излари, ер усти шаклларининг ривожланишида давом этаётган улкан геологик жараёнлар ёки улкан геоморфик ёхуд физиографик хусусиятларни ўз ичига олган, замин тарихининг асосий босқичларини ифодаловчи мислсиз намуналар бўлиши;

ix) ер усти, тоза сув, соҳил ва денгиз экосистемалари, ўсимлик ва ҳайвонотнинг тадрижий ривожланиши ва тараққий этишида давом этаётган улкан экологик ва биологик жараёнларнинг мислсиз намунаси бўлиши;

x) тадқиқот ва муҳофаза қилиш нуқтаи назарига кўра умумжаҳон мислсиз қийматига эга деб топилган ва йўқолиб кетиш арафасида турган, биологик хилма-хилликни асрарда энг катта ва муҳим аҳамият касб этувчи табиий муҳитларни ўз ичига олиши лозим.

81. Умумжаҳон мислсиз қийматига эга деб ҳисобланиши учун объектлар бутунлик ва/ёки ҳақиқийлик талабларига жавоб бериши ҳамда сақланишини таъминлаш учун етарли даражада муҳофаза ва бошқарув тизимиға эга бўлиши лозим.

II.E Ҳақиқийлик ва/ёки бутунлик

Ҳақиқийлик

82. (i) - (vi) мезонлар бўйича тавсифланган номинациялар ҳақиқийлик талабларига жавоб бериши лозим. 4-илова бу каби объектларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш учун амалий асосларни таъминловчи Ҳақиқийлик бўйича Нара хужжатини ўз ичига олади. Қуйида унинг қисқача мазмуни келтирилган.

83. Мерос обьектига қаратилган қийматини тушуниш лаёқати мазкур қиймат ҳақидаги маълумотлар манбаларининг ҳақиқийлик ва ишонарлилик даражасига боғлиқ. Мазкур маълумотлар манбаларини билиш ва тушуниш вақт ўтиши давомида маданий мероснинг олдинги ва кейинги тавсифларини ҳамда уларнинг моҳиятини орттиришга мувофиқ ҳақиқийликнинг барча жиҳатларини баҳолашнинг зарур асоси ҳисобланади.

84. Маданий мероснинг қийматини аниқлашга қаратилган муҳокамалар тегишли маълумотлар манбаларининг ҳақиқийлиги каби бир маданият билан иккинчиси орасида, хатто бир маданиятнинг ўзи ичидаги фарқ қилиши мумкин. Барча маданиятларга бўлган хурмат маданий мерос биринчи навбатда ушбу мерос тааллуқли бўлган маданият доирасида ўрганилиши ва муҳокама қилинишини талаб этади.

85. Маданий мероснинг тури ва унинг маданий тавсифланишига қараб, обьектлар агар уларнинг маданий қийматлари (таклиф қилинган номинация мезонида эътироф этилса) хилма-хил кўринишлар орқали ҳаққоний ва ишонарли ифодаланса, ҳақиқийлик талабларига мувофиқ деб топилади. Ифодалашнинг хилма-хил кўринишлари:

- шакл ва режалаштириш;
- ашёлар ва моддалар;
- фойдаланиш ва вазифалар;

- урф-одатлар, усуллар ва бошқариш тизимлари;
- жойлашган манзил ва атроф-мухит;
- фойдаланиладиган тил ва бошқа номоддий мерос шаклари;
- рухий ва ҳис-туйгуларга асосланган; ва
- бошқа ички ва ташқи омиллар.

- 86.** Рухият ва ҳис-туйгулар каби аттрибуларни ҳақиқийлик ҳолатларига амалда татбиқ этиш осон эмас. Бирок маконнинг хусусиятини аниқлаш ва уни ўзлаштиришда катта аҳамият касб этади. Масалан, жамоалар урф-одатларининг сақланиши ва маданиятнинг давомийлигига.
- 87.** Мазкур барча манбалар фойдаланилиши ўрганилаётган маданий мероснинг аниқ бадиий, тарихий, ижтимоий ва илмий меъёрларини батафсил кўриб чиқиш имконини беради. “Мальумотлар манбалари” маданий мероснинг табииати, ўзига хос жиҳатлари, мазмуни ва тарихини ўрганиш имконини берувчи барча физик, ёзма, оғзаки ва тасвирий манбалардир.
- 88.** Объектнинг номинациясини тайёрлаш жараёнида ҳақиқийлик шакли хисобга олинса, иштирокчи давлат, биринчи навбатда, қўлланилиши мумкин бўлган мавжуд ҳақиқийлик ўзига хос хусусиятларини аниқлаши лозим. Ҳақиқийлик тўғрисидаги баёнот ҳақиқийлик мавжуд ҳар бир ўзига хос хусусиятда ифодаланиши ёки тасвирланиши даражасига баҳо бериши лозим.
- 89.** Ҳақиқийлик нуктаи назаридан археологик қолдиқлар ёки тарихий иморатлар ёхуд худудларнинг тикланишига фақат ўзига хос шароитларда йўл қўйилади. Қайта тиклашга фақат тўлиқ ва батафсил ҳужжатлаштириш асосида йўл қўйилади ҳамда ҳеч қачон тахминларга асосланимайди.

Бутунлик

- 90.** Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номинант объектларнинг барчаси бутунлик талабига жавоб бериши лозим.
- 91.** Бутунлик – табиий ва/ёки маданий мерос ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларининг бирлиги ва зарар етмаганлиги ўлчовидир. Шу боис, бутунлик ҳолатларини ўрганиш объектдан куйидаги даражани талаб этади:
- а) Умумжаҳон мислсиз қийматини ифодалаш учун зарур барча таркибий элементларга эга бўлиш;
 - б) Объектнинг аҳамиятини ифода этувчи хусусиятлар ва жараёнларни тўлиқ намоён қилиш учун етарли ҳажмга эга бўлиш;
 - с) Тараққиёт ва/ёки эътиборсизлик оқибатида юзага келадиган салбий таъсиrlардан зиён кўриш.

Куйидагилар бутунлик бўйича ахборотда ифодаланиши лозим:

- 92.** (i) - (vi) мезонлар бўйича номинант объектлар учун, объектнинг физик тузилиши ва/ёки унинг муҳим хусусиятлари яхши ҳолатда бўлиши ҳамда бузилиб кетиши жараённинг таъсири назоратга олиниши лозим. Объект томонидан ифодаланган қийматни тўлиқ баён этиш учун зарур бўлган улкан микдордаги элементлар киритилиши керак. Уларни ажратиб турадиган ўзига хос хусусият учун зарур маданий ландшафтлар, тарихий шаҳарлар ёки бошқа ҳозирги қундаги объектларда мавжуд ўзаро алоқалар ва динамик вазифалар ҳам сақланиши муҳимdir.
- 93.** (vii) - (x) мезонлар асосида номинациялари тақдим қилинган барча объектлар учун уларнинг био-физик жараёнлари ва рельеф шакллари ҳам бузилмаган ҳолатда бўлиши зарур. Бироқ, таъкидлаш лозимки, тегинилмаган ҳудудлар деярли мавжуд эмас. Барча табиий ҳудудлар динамик ҳолатда ва қайсиdir даражада инсонлар билан алоқада бўлади. Биологик хилма-хиллик ва маданий хилма-хиллик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирига боғланган бўлиши мумкин, шу жумладан анъанавий жамият ва маҳаллий жамоаларни ўз ичига олувчи инсон фаолияти табиий ҳудудларда тез-тез учрайди. Агар ҳудуднинг Умумжаҳон мислсиз қиймати экологик барқарор бўлса, мазкур фаолиятлар бардавом бўлиши мумкин.
- 94.** Шунингдек, (vii) - (x) мезонлар бўйича номинант объектлар учун ҳар бир мезон бўйича бутунликнинг муносиб талаблари яратилган.
- 95.** (vii) мезон бўйича тавсифланган объектлар умумжаҳон мислсиз қийматига ва объект гўзаллигининг давомийлигини таъминлаш учун зарур ҳудуларга эга бўлиши лозим. Масалан, манзара қиймати шаршарага боғлиқ бўлган объект, агар у ёнма-ён кўринишларни ва объектнинг эстетик сифатини таъминлаш учун унинг ажралмас бўлаги сифатида оқим бўйлаб жойлашган ҳудудларни ўз ичига олса, бутунлик талабларига жавоб беради.
- 96.** (viii) мезон бўйича тавсифланган объектлар ўзларининг табиий жойлашувида барча ёки бир-бирига алоқадор ва бир-бири билан боғлиқ асосий таркибий қисмларнинг барчасига ёки аксариятига эга бўлиши лозим. Масалан, “Музлик даври” ҳудуди агар у корли майдон, музликнинг ўзи ва намунавий бўлаклар, қатlam ва колонизация (масалан, муз кўчкилардан пайдо бўлган ёриклар, мореналар, ўсимлик сукцессиясининг бошлангич босқичлари ва бошқалар)ни ўз ичига олса, бутунлик талабига жавоб беради; вулқон ходисаси юз берган вақтда магматик сериялар тўлиқ бўлиши ва эффюзив тоф жинслари ҳамда вулқон отилиши турларининг барчаси ёки аксарияти намойиш қилиниши лозим.

- 97.** (ix) мезон бўйича тавсифланган обьектлар етарли даражада ҳажмга эга бўлиши ва экосистемаларнинг узок муддатли муҳофазаси ва ўзлари қамраб олган биологик хилма-хилликни таъминлаш учун зарур бўлган жараёнларнинг муҳим томонларини намойиш қилиш учун керакли таркибий қисмларни ўз ичига олиши лозим. Масалан, тропик ўрмонлар жойлашган худуд агар у денгиз сатҳидан ҳар хил тепаликда жойлашган, турфа топография ва ҳар хил турдаги тупроқларга эга бўлган, изоляцияланган системага ва албатта, табиий регенерация учун мўлжалланган изоляцияланган худуларни ўз ичига олса, бутунлик мезонларига жавоб беради; шу каби, маржон қояси, мисол учун, қояни озиқалантирувчи ва лойқалатувчи компонентларни тартибга келтирувчи денгиз ўтини, мангровларни ёки бошқа ёнма-ён ўсувчи экосистемаларни қамраб олиши лозим.
- 98.** (x) мезон бўйича тавсифланган обьектлар биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш учун энг муҳим обьектлар бўлиши лозим. Мазкур мезонга фақат энг кўп биологик хилма-хилликка эга ва/ёки биологик хилма-хилликни ифодаловчি обьектлар тўғри келади. Объектлар биогеографик худудлар ва тегишли экосистемаларнинг энг турфа флора ва фауна хусусияти учун табиий муҳитларга эга бўлиши лозим. Масалан, тропик саванна ушбу худудда биргаликда мавжуд ўтхўр ҳайвонлар ва ўсимликларнинг тўлиқ йиғиндинин ўз ичига олса, тўлиқлик талашибига жавоб беради; орол экосистемаси эндемик биотани сақлаш учун табиий муҳитларни ўз ичига олиши лозим; хилма-хил турларни ўзида мужассам эттан обьектлар ушбу турларга мансуб яшашга мойил жонзотларни сақлаб қолиш имконини берувчи катта аҳамиятга эга табиий муҳитларни ўз ичига олишга қодир етарли даражада улкан худудга эга бўлиши керак. Миграцион турлар яшаси учун мўлжалланган худудлар жойлашган обьектларда кўпайиш ва ин қуриш жойлари, шунингдек, қаерда бўлишидан қатъи назар миграция йўллари етарли даражада муҳофаза қилиниши лозим.

II.F Муҳофаза қилиш ва бошқариш

- 99.** Умумжаҳон мероси обьектларини муҳофаза қилиш ва бошқариш обьектларни рўйхатга киритиш мобайнида уларнинг ҳақицийлик ва/ёки бутунлик ҳолатини ўз ичига олган Умумжаҳон мислсиз қийматининг келажакда кўллаб-куватланиши ва яхшиланиб боришини кафолатлаши лозим. Объектлар сақланишининг умумий ҳолати ва албатта, уларнинг умумжаҳон мислсиз қийматини доимий равишда ўрганиб бориш, *Амалий қўлланмада*⁴ қўрсатилгани каби Умумжаҳон мероси обьектларини мониторинг қилиш доирасида олиб борилади.

⁴ Амалий қўлланмаларда қўрсатилган мониторинг жараёни Тезкор мониторингдир (қаранг: 169-176-бандлар) ва Даврий мониторинг (қаранг: 199-210-бандлар).

100. Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган барча объектлар уларнинг муҳофазасини таъминловчи етарли даражада узок муддатли юридик, норматив-хуқуқий, институционал ва/ёки анъанавий муҳофаза ва бошқарувга эга бўлиши лозим. Ушбу муҳофаза етарли даражада ўрнатилган чегараларни ўз ичига олиши керак. Шунингдек, иштирокчи давлатлар номинант объектлар учун миллий, минтақавий, маҳаллий ва/ёки анъанавий даражадаги етарли муҳофазани намойиш қилишлари зарур. Улар номинацияга объект муҳофазасига қаратилган муҳофаза килиш йўлининг аниқ тушунчаси мавжуд тегишли ёзувларни жойлаштиришлари лозим.

Муҳофаза килишнинг юридик, норматив-хуқукий ва шартномавий чоралари

101. Миллий ва маҳаллий даражадаги қонун ишлаб чиқиши ва норматив-хуқуқий чоралар объектнинг бутунлиги ва/ёки унинг ҳақиқийлигини ўз ичига олган умумжаҳон мислсиз қийматига салбий таъсир қилувчи ижтимоий, икътисодий ва бошқа босимлар ҳамда ўзгаришлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши лозим. Шунингдек, иштирокчи давлатлар мазкур чораларнинг тўлиқ ва самарали кўлланилишини таъминлашлари керак.

Самарали муҳофаза учун чегаралар

102. Чегараларни белгилаш объектлар номинациясининг самарали муҳофаза қилинишини ташкил этишнинг асосий талабидир. Чегаралар Умумжаҳон мислсиз қийматини ҳар тарафлама ифода этиш ва объектнинг бутунлиги ва/ёки ҳақиқийлигини таъминлашни кафолатлаш учун ўрнатилиши лозим.

103. (i) - (vi) мезонлар бўйича номинант объектлар учун чегаралар, объект Умумжаҳон мислсиз қийматининг тўғридан-тўғри моддий ифодаси бўлган барча худудлар ва хусусиятларни ўз ичига олиши лозим. Келажақда амалга оширилиши мумкин бўлган тадқиқотлар кўламидаги мазкур худудлар ушбу тушунчанинг бир қисмига айланishi ва уни такомиллаштириши мумкин.

104. (vii) - (x) мезонлар бўйича номинант объектлар учун чегаралар уларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилишига асос бўлувчи табиий муҳитлар, хайвонот турлари, жараёнлар ёки ходисаларнинг макон талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Объектнинг мероси қийматларини тўғридан-тўғри антропоген омиллар ва номинант худудидан ташқаридаги ресурсларнинг ишлатилиши оқибатида юзага келадиган акс таъсирлардан муҳофаза қилишни таъминлаш учун чегаралар Умумжаҳон мислсиз қийматига бевосита туташган худудларни ҳам эгаллаши лозим.

39-сон карор СОМ 11

105. Номинант объектнинг чегаралари бир ёки бер нечта мавжуд ёки режалаштирилаётган муҳофаза қилинган худудлар билан тўғри келиши мумкин. Миллий боғлар ёки табиий кўриқхоналар, биосфера кўриқхоналари ёки муҳофаза қилинадиган мадданий ёхуд тарихий жойлар ёки бошқа жойлар ва худудлар шулар жумласидандир. Мазкур муҳофаза қилинадиган худудлар бир қанча бошқариладиган зоналарни ўз ичига олса-да, шулардан факат баъзиларигина умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича талабларга жавоб бериши мумкин.

Буфер зоналар

106. Каерда объектни тўғри муҳофаза қилиш зарур бўлса, ўша ерда, албатта, етарли даражада буфер зонаси ташкил этилиши лозим.
107. Номинант объектнинг муҳофазасини самарали ташкил қилиш мақсадида, буфер зонаси бу – объектга қўшимча даражадаги муҳофазани тақдим этувчи, уни қўллаш ва ривожлантириш учун қўшимча юридик ва/ёки одатий чекловларга эга номинант объектни ўраб турувчи ҳудуддир. Бу объектни қўллаб-куватлаш ва уни муҳофаза қилиш каби функционал жихатдан муҳим бўлган, номинант объектни, муҳим қараашларни ва бошқа ҳудудлар ҳамда хусусиятларни зудлик билан жойлаштиришни ўз ичига олиши керак. Буфер зонасини ташкил қилувчи ҳудуд ҳар бир ҳолатда муносиб механизмлар асосида аниқланиши лозим. Буфер зонасининг ҳажми, тавсифи ва фойдаланиш ваколати бўйича маълумотлар, шунингдек, объект чегараларини ва унинг буфер зонасини аниқ белгилаб берувчи ҳарита номинация қилиш мобайнида тақдим этилиши лозим.
108. Шунингдек, буфер зонаси объектни қандай тартибда муҳофаза қилиши тўғрисидаги аниқ тушунтиришлар ҳам тақдим қилиниши керак.
109. Агар буфер зонаси қўлланилмаса, қайси асосларга кўра буфер зонаси талаб этилмаслиги номинация баёнотида қўрсатилиши лозим.
110. Буфер зоналари номинант объектнинг бир қисми ҳисобланмаса ҳам, объект умумжаҳон мероси рўйхатига киритилганидан сўнг буфер зоналарини ўзгартириш ёки ташкил этиши билан боғлиқ масалалар Умумжаҳон мероси Кўмитаси томонидан кичик чегара ўзгарттиришлари учун фойдаланиладиган жараёнлар асосида маъқулланиши лозим (қаранг: 164-банд ва 11-илова). Объектлар рўйхатга киритилганидан сўнг буфер зоналарининг ташкил этилиши, одатда кичик чегара ўзгарттиришлари ҳисобланади⁵.

Бошқариш тизимлари

111. Ҳар бир номинант объект, асосан фаол иштирок этувчи тарафлар орқали объектнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати қандай тартибда сақланишини асословчи муносиб бошқариш режасига ёки бошқа хужжатлаштирилган бошқариш тизимига эга бўлиши лозим.
112. Бошқариш тизимининг мақсади номинант объектни ҳозирги ва келажакдаги авлодлар учун самарали муҳофазасини таъминлашдан иборатдир.

⁵ Трансмиллий/трансчегаравий объектларда ҳар қандай ўзгарттириш киритишда алоқадор иштирокчи давлатларнинг барчасининг розилиги талаб этилади.

- 113.** Самарали бошқариш тизими номинант объектнинг тури, тавсифи ва эҳтиёжларига ҳамда унинг маданий ва табиий контекстига боғлиқ. Бошқариш системалари турли хил маданий ракурсларга, ресурсларга ва бошқа омилларга асосан фарқ қилиши мумкин. Улар ҳам расмий, ҳам норасмий анъанавий тажрибалар, мавжуд шаҳарсозлик ёки минтақавий режалаштириш воситалари ҳамда бошқа режалаштиришни бошқариш механизмларини ўз ичига олиши мумкин. Кутилаётган аралашувларнинг таъсирини баҳолашни амалга ошириш барча Умумжаҳон мероси объектлари учун зуурдир.
- 114.** Юқорида кўрсатилган хилма-хилликни назарда тутиб, самарали бошқариш системаси қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- a) ҳамкорликда режалаштириш ва манфаатдор тараф билан маслаҳатлашиш орқали барча манфаатдор тарафлар, шу жумладан маҳаллий жамоалар ва маҳаллий аҳоли томонидан объект ва унинг умуминсоний, миллий ва маҳаллий қадриятлари ва ижтимоий-екологик контексти ҳақидаги тушунчаларнинг асосли алмашинуви;
 - b) хилма-хиллик, тенглик, гендер тенглиги ва инсон ҳуқуқларига ҳамда инклузив ва иштирокли режалаштириш ҳамда манфаатдор томонларнинг маслаҳатлашув жараёнларидан фойдаланишга хурмат;
 - c) Режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг амалга ошириш, баҳолаш ва таҳлил қилиш цикли;
 - d) Объектнинг ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа босимлар ва ўзарашларга, жумладан оғатлар ва иқлим ўзгаришига нисбатан заиф томонларини аниқлаш, шунингдек, гоялар ва кутилаётган аралашувларнинг таъсирини мониторинг қилиш;
 - e) Турли хил ҳамкорлар ва тарафлар орасидаги турфа фаолиятларни қамраб олиш ва мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш;
 - f) Зарур ресурсларни жойлаштириш;
 - g) Салоҳиятни ошириш;
 - h) Бошқарув системаси қандай ишлашини аниқ ва шаффоф изоҳлаш.

- 115.** Самарли бошқарув номинант объектни мухофаза қилиш, сақлаш ва намойиш қилишининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли доирасини ўз ичига олади. Режалаштириш ва бошқаришга қаратилган тугал ёндошув объектларнинг маълум вакт давомидаги тараққиёт босқичини йўналтириш ва уларнинг барча йўналишлардаги Умумжаҳон мислсиз қиймати сақланишини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бу ёндашув ҳар қандай буфер зоналарни янада катта мухитни ўз ичига олиши учун объект чегараларидан ташқарига чикади. Янада катта мухит объектнинг топографияси, табиий ва курилган атроф-мухит ҳамда инфраструктура, ердан фойдаланиш тартиблари, худудларни шакллаштириш ва визуал ўхшашликлар каби таркибий қисмларга боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, у тегишли ижтимоий ва маданий тажрибалар, иқтисодий жараёнлар ва бошқа англаш ҳамда бирлашиш каби номоддий меъёрларни ўз ичига олади. Янада катта мухитни бошқариш Умумжаҳон мислсиз қийматини кўллаб-куватлашда ўзининг тутган ролига таянади. Ушбу қийматнинг самарали бошқаруви мерос ва жамият учун ўзаро манфаатларни аниқлаш орқали барқарор ривожланишга ҳисса қўшиши мумкин.
- 116.** Бундан ташқари, *Конвенцияни бажариш баробарида Умумжаҳон мероси Кўмитаси Тезкор мониторинг* (қаранг: 4-боб) ва *Даврий ҳисобот* (қаранг: 5-боб) жараёнларини ишлаб чиқди.
- 117.** Сериал объектларда бошқариш тизими ёки алоҳида таркибий қисмларнинг координацион бошқаруви мухим аҳамиятга эга ва номинацияда кўрсатилиши лозим (қаранг: 137-139-банлар).
- 118.** Баъзи ҳолатларда Умумжаҳон мероси Кўмитасига объект номинацияси кўриб чиқиш учун тақдим этилганида бошқариш режаси ёки бошқа менежмент тизими тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда иштирокчи давлат менежмент режаси ёки тизими қачон тўлиқ бўлишини кўрсатиши керак ва бунга эришиш учун манбаларни қай тарзда жалб қилишини баён этиши лозим. Иштирокчи давлат, шунингдек, менежмент режаси ёки тизими тўлдирилгунга қадар объектни бошқаришга доир ҳужжатлар билан таъминлаши керак.
- 119.** Агар номинант объектнинг мухим сифатлари инсоният ҳаркати оқибатида хавф остида қолса, бироқ 78-95-банларда белгиланган ҳақиқийлик ва бутунлик талабларига жавоб берса, номинация ҳужжати билан бирга мазкур ҳолатни бартараф этиш бўйича талаб қилинадиган чоралар, белгиланган тадбирлар режаси тақдим қилиниши керак. Агар номинацияни тақдим қилган иштирокчи давлат мазкур ҳолатларни бартараф этиш чораларини ўзи кўрсатган муддат давомида бартараф этмаса, Кўмита томонидан қабул қилинган тартибга асосан, Кўмита ушбу объектни рўйхатдан чиқариши мумкин (каранг: IV.C-боб).

- 120.** Иштирокчи давлатлар Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектга нисбатан самарали бошқарув фаолиятларини олиб бориш учун жавобгардирлар. Иштирокчи давлатлар буни керак бўлганда адолатли бошқарув механизмларини, ҳамкорликдаги бошқарув тизимларини ва тузатиш механизмларини ишлаб чиқиши орқали объект бошқарувчилари, бошқариш ваколатига эга бўлган агентлик ва бошқа ҳамкорлар, маҳаллий жамоалар ва маҳаллий ахоли, ҳуқуқ эгалари ҳамда объектни бошқариш борасидаги манфаатдор тарафлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширишлари лозим.
- 121.** Кўмита иштирокчи давлатларга ўзларининг Умужаҳон мероси жойлашган худудини бошқариш режалари ва ўқитиш стратегияларига фалокат, иқлим ўзгариши ва бошқа хавф-хатарларга таёргарликни муҳим элемент сифатида киритишни тавсия этади.
- 122.** Операцион йўрикноманинг 179 ва 180-бандларидан ташқари, иштирокчи давлатлар Умумжаҳон мероси объекти доирасида ёки атрофида амалга оширишни режалаштирган ривожланиш лойиҳалари ва фаолияти тадбирларнинг дастлабки шарти сифатида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, меросга таъсирни баҳолаш ва/ёки стратегик атроф-муҳитни баҳолашни таъминлайдилар. Ушбу баҳолаш ривожланиш алтернативаларини, шунингдек, объектнинг умумжаҳон мислсиз қийматига потенциал ижобий ва салбий таъсирларни аниқлашга ва объект ёки унинг кенг доирасидаги деградацияга ёки маданий ёки табиий меросга таъсир кўрсатадиган бошқа салбий таъсирларга қарши чораларни тавсия этишга хизмат қилиши керак. Бу умумжаҳон мислсиз қийматнинг узоқ муддатли муҳофазасини, табиий оғатлар ва иқлим ўзгаришига қарши меросга чидамлилигини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Барқарор фойдаланиши

- 123.** Бутунжаҳон мероси объектлари биологик ва маданий хилма-хилликни сақлаб туриши, экотизим хизматлари, атроф-муҳит ва маданий барқарорликка ҳисса кўшадиган бошқа афзалликларни бериши мумкин. Объектлар тегишли жамиятнинг ҳаёт сифатини оширишни таъминлаши мумкин бўлган экологик ва маданий жиҳатдан барқарор бўлган турли хил амалдаги ва режалаштирилган фойдаланиш усусларини кўллаб-қувватлаши мумкин. Иштирокчи давлат ва унинг ҳамкорлари ушбу барқарор фойдаланишнинг тенглигини таъминлаши ва объектнинг Умумжаҳон мислсиз қийматига тўлиқ хурмат кўрсатиши шарт. Баъзи объектларнинг инсоният томонидан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Умумжаҳон мероси объектларини тартибга солишга қаратилган қонунлар, сиёsat ва стратегиялар Умумжаҳон мислсиз қийматини муҳофаза қилиши, табиий ва маданий мероснинг янада кенгроқ сақланишини кўллаб-қувватлаши ҳамда объектнинг барқарор муҳофазаси, сақланиши, бошқарилиши ва намойиш қилинишида муҳимлиги боис, алоқадор жамоалар, маҳаллий халқлар ва бошқа манфаатдор тарафларнинг самарали, инклузив ҳамда тенг ҳукуқли иштирокини таъминлаш учун кўмак бериши ва руҳлантириши лозим.

III ОБЪЕКТЛАРНИ УМУМЖАХОН МЕРОСИ РҮЙХАТИГА КИРИТИШ ЖАРАЁНИ

III.A Номинацияларни тайёрлаш

- 124.** Номинация ҳужжати объектларни Кўмита томонидан Умумжахон мероси рўйхатига киритиш учун биринчи асос ҳисобланади. Барча керакли маълумотлар номинация ҳужжатига киритилиши ва у маълумотлар манбаларига ҳаволаларни ўз ичига олиши лозим.
- 125.** З-илювада иштирокчи давлатлар учун маҳсус турга мансуб объектлар номинацияларини тайёрлаш бўйича қўлланма келтирилган.
- 126.** Объект номинациясини Умумжахон мероси рўйхатига киритиш учун тайёрлашдан олдин иштирокчи давлатлар 168-бандда кўрсатилгани каби номинация цикли билан танишишлари лозим. Объект номинациясининг тўлиқ шахсий ҳужжатини тайёрлаш қиммат ва кўп вақт талаб қилиши мумкин, шу боис, олдин унинг бутунлик ва хақиқийлик талабларига жавоб бериши ва Умумжахон мислсиз қийматига лойиқлигини исботлаш юзасидан бирламчи таёргарлик ишларини амалга ошириш керак. Бу каби тайёргарлик ишлари объектга дахлдор маълумотларни тўплаш, тематик тадқиқотлар, бутунлик ва хақиқийликни ўз ичига олган Умумжахон мислсиз қийматини намойиш қилиш учун потенциал тадқиқотларни қамраб олиш, ёки объектни унинг каттароқ глобал ёки минтақавий, Консультатив органлар томонидан ишлаб чиқилган бўшликларни ўрганиш доирасидаги таҳлилларни ўз ичига олувчи дастлабки қиёсий тадқиқотларини қамраб олиши мумкин. Фаолиятнинг мазкур дастлабки даври рўйхатта киритилиши мумкин бўлган номинацияни аниқлашга ва муваффакият қозониши аниқ бўлмаган номинацияни тайёрлашга сарфланадиган маблағларнинг тежалишига ёрдам беради. Иштирокчи давлатлар ушбу дастлабки давр учун тегишли консультатив органдан (органлардан) юқори даражадаги маслаҳатларни⁶ олиши, шунингдек, объектни тайёрлаш ва қеаркли маълумотлар ҳамда тавсияларни тўплаш учун Умумжахон мероси маркази билан имкон борича эртароқ боғланишлари лозим.

⁶ Юқори даражали жараён: Умумжахон мероси рўйхатига киритиш учун объектлар номинацияларига асосан, “Юқори даражали жараён” номинацияни киритишдан олдин амалга оширилувчи маслаҳат, консультация ва таҳлилни ўз ичига олади ва баҳолаш жараённинг улкан муаммоларга дуч келган объектларни кисқартиришга мўлжалланган. Юқори даражали жараённинг асосий мақсади Консультатив органлар ва Котибиятга мукаммал Умумжахон мероси номинациясини амалга оширишнинг бутун даври давомида иштирокчи давлатларга тўғридан-тўғри ёрдам беришга имконият яратишдир. Юқори даражали жараённи самарали йўлга қўйиш учун номинация жараённинг бошалангич даврида, иштирокчи давлатларнинг Тахминий Рўйхатларини тайёрлаш ва кайта қўриб чиқиши вақтида амалга оширилиши лозим. Номинацияларга берилган маслаҳатларнинг мақсади, иштирокчи давлат(лар)га имкон берадиган муҳим воситаларни таклиф қилиш учун номинациянинг техник моҳияти ва зарур бўлган техник асослар бўйича кўрсатмалар бериш ва номинацияни тайёрлаш учун зарур бўлган имкониятларни ва/ёки ҳаракатларни баҳолаш.

Юқори даражали жараёнга оид сўровлар расмий шаклдан фойдаланган холда юборилади (Операцион қўлланманинг 15-иловаси). Агар сўровлар сони сифидан ошиб кетса, унда 61. с-бандга мувофиқ устуворлик тизими қўлланилади.

- 127.** Маҳаллий жамоалар, маҳаллий одамлар, давлат, нодавлат ва хусусий ташкилотлар ҳамда бошқа манфаатдор тарафларнинг номинация жараёнида самарали ва инклузив иштирок этиши уларга иштирокчи давлат билан бирга объектларнинг сақланишини таъминлаш бўйича жавобгарлик масаласини юклашда муҳим аҳамиятга касб этади. Иштирокчи давлатлар номинацияларни таёrlашда имкон қадар кўпроқ манфаатдор тарафларни жалб қилиши ва қоида тариқасида, номинациялар хусусида қабул қилинган қарорларни белгиланган тилларда, маслаҳат бериш ҳамда фикр-мулоҳазаларни эшлиши билан аҳоли эътиборига етказиш орқали бўш, аҳамиятли ҳамда хабардор маҳаллий аҳолининг розилигини намойиш қилиши лозим.
- 128.** VII.Е-бобда кўrsatilgани каби номинацияларни тайёрлаш учун иштирокчи давлатлар томонидан тайёргарлик ёрдами талаб қилиниши мумкин.
- 129.** Иштирокчи давлатлар Котибият билан номинация жараёнида ёрдам бериси мүкинлиги сабабли боғланиб туришлари керак.
- 130.** Шунингдек, Котибият қуидагиларни амалга оширади:
- Муносиб хариталар, суратлар ва уларни олиш мумкин бўлган миллий агентликларни топишга ёрдам беради;
 - Муваффақиятли номинациялар, бошқариш ва қонун чиқариш чоралари бўйича мисоллар билан таъминлайди;
 - Маданий ландшафтлар, шаҳарлар, каналлар ва мерос йўналишлари каби турли хил объектлар номинацияси учун ёрдам беради (қаранг: 3-илова);
 - Сериал ва трансчегаравий объектларнинг номинацияси учун ёрдам кўrsatади (қаранг: 134-139-бандлар).
- 131.** Иштирокчи давлатлар Котибиятга кўриб чиқиш ва фикр билдириш учун йил давомида номинацияларнинг лойиҳаларини киритиши мумкин. Бироқ, иштирокчи давлатлар охирги муддат – 1 февралга қадар рўйхатга киритмоқчи бўлган номинациялари бўйича лойиҳаларни олдинги йилнинг **30 сентябрь** кунига қадар қатъий (қаранг: 168-банд) тақдим қилинишини таъминлашлари лозим. Номинация лойиҳасини тақдим қилиш объектнинг чегараларини кўrsatuvchi хариталарни ўз ичига олиши лозим. Номинация лойиҳалари электрон ёки қоғоз шаклда тақдим қилиниши мумкин (хариталардан бошқа иловаларсиз фақат бир нусхада). Ҳар икки шаклда ҳам номинация лойиҳалари кузатув хати билан бирга тақдим қилиниши лозим.

- 132.** Номинациялар **йил давомида ҳар қандай вактда** тақдим қилиниши мумкин, бироқ фақат Умумжахон мероси Кўмитаси томонидан “тўлиқ” деб топилган (қаранг: 132-банд, 5-илова) ва **1 февралга⁷** қадар Котибият томонидан қабул қилиб олинган номинациялар кейинги йил давомида Умумжахон мероси рўйхатига киритилиши мумкин. Фақат иштирокчи давлатларнинг Дастлабки Рўйхатига киритилган объектлар номинацияларигина Кўмита томонидан ўрганилади (қаранг: 63- ва 65-бандлар).

III.B Номинацияларнинг шакли ва таркиби

- 133.** Умумжахон мероси рўйхатига киритилиши учун номинациялар 5-иловада кўрсатилган шаклда тайёрланиши лозим.

- 134.** Номинация шакли кўйидаги қисмларни ўз ичига олади:

1. Объектни аниқлаш;
2. Объектни таърифлаш;
3. Рўйхатга киритиш учун асослаш;
4. Объектга таъсир этувчи сақлаш ва омилларнинг ҳолати;
5. Мухофаза қилиш ва бошқариш;
6. Мониторинг;
7. Ҳужжатлаштириш;
8. Масъул органлар билан алоқа маълумотлари;
9. Иштирокчи давлат (давлатлар) номидан қўйилган имзо.

- 135.** Номинациялар Умумжахон меросига киритилиши учун кўринишига қараб эмас, балки таркибига қараб баҳоланади.

- 136.** Номинация “Тўлиқ” деб эътироф этилиши учун кўйидаги талабларга (қаранг: 5-иловадаги шакл) жавоб бериши лозим:

Ижро этилувчи хулоса

Ижро этилувчи хулоса хариталарнинг объектнинг чегаралари ва буфер зоналарини (қаерда лозим бўлса) кўрсатувчи кичрайтирилган ҳажмдаги шакли ҳамда Умумжахон мислсиз қийматининг ахбороти лойиҳасини (3.3-бобда шу каби матн кўрсатилади) ўз ичига олувчи номинациянинг асосий матнидан олинган муҳим маълумотларни (қаранг: 5-илова) ўз ичига олади.

1. Объектни аниқлаш

Таклиф этилаётган объектнинг чегаралари аниқ кўрсатилиши, номинант объект билан ҳар қандай буфер зонасини (тақдим қилинган вактда) қатъий ажратиши лозим (қаранг: 103-107-бандлар). Харита қайси худуд қуруқлик ва/ёки қайси бири сувли эканлигини аниқ ажратиш учун етарли даражада батафсил (қаранг: 5-илованинг 1-қисмига изоҳлар) бўлиши лозим. Иштирокчи давлатларнинг амалдаги расман чоп этилган хариталари объектнинг чегаралари ва буфер зонасини (агар тақдим қилинса) кўрсатиши ва имкон қадар босма шаклда бўлиши лозим. Агар номинация аниқ кўрсатилган чегараларни ўз ичига олмаса, “тугалланмаган” ҳисобланади.

⁷ Агар 1 февраль дам олиш кунига тўғри келса, номинация келаётган жума куни, соат 17:00 GMT (Гринвич вақти) гача қабул қилиниши керак.

2. Объектни таърифлаш

Объектни таърифлаш – объектни аниқлаш ҳамда унинг тарихи ва ривожланиши ҳақидаги қисқача маълумот беришини ўз ичига олади. Хариталаштирилган барча таркибий қисмлар аниқлаштирилиши ва тасвирланиши лозим. Хусусан, агар сериал номинациялар таклиф қилинса, уларнинг ҳар бир таркибий қисми аниқ тасвирланиши керак.

Объектнинг тарихи ва ривожланиши объектнинг қандай қилиб ҳозирги шаклга келганилиги ва у бошидан кечирган катта ўзгаришларни тасвирлаши лозим. Бу маълумот объект Умумжаҳон мислсиз қиймати мезонларига ҳамда ҳақиқийлик ва/ёки бутунлик талабларига жавоб бериши ҳақидаги тасдиқни мустаҳкамлаш ва исботлаш учун зарур бўлган муҳим фактларга эга бўлиши лозим.

3. Рўйхатга киритиш учун асослаш

Бу қисм қайси асосларга кўра объект Умумжаҳон мислсиз қийматига эга бўлиши лозимлигига аниқлик киритиши керак.

3.1.а - 3.1.е қисмлардаги матн таклиф қилинган Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотининг матнини тўлдириш учун янада батафсил маълумотларга эга бўлиши лозим (3.3-қисм).

3.1.б-қисм ҳар бир мезондан фойдаланиш учун аниқ белгиланган далил билан бирга объект таклиф қилинган Умумжаҳон мероси мезонини (қаранг: 77-банд) ифодалаши керак. Бутунлик ва (маданий мезонлар таклиф қилинганида) ҳақиқийлик баёнотлари киритилиши ва объект кай даражада 78-95-бандларда кўрсатилган талабларга жавоб беришини намойиш қилиши керак.

3.2-қисмда объектнинг ўхшашиб объектларга нисбатан, Умумжаҳон мероси рўйхатида мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, миллий ва халқаро миқёсдаги қиёсий таҳлили ўтказилиши лозим. Қиёсий таҳлил номинация объектининг миллий ва халқаро миқёсдаги аҳамиятини тушунтиради.

3.3-қисмда иштирокчи давлат томонидан тайёрланган объектнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти (қаранг: 49-53 ва 155-бандлар) қайси асосларга кўра объект Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга лойиқ эканлигига аниқлик киритиши лозим.

4. Объектга таъсир этувчи омиллар ва сақлаш ҳолати

Бу банд объектнинг ҳозирги вақтдаги сақланганлик ҳолати тўғрисидаги аниқ маълумотни ўз ичига олиши керак (объектнинг физикавий ҳолати ва сақланиши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўз ичига олади). Шунингдек, у объектга таъсир этувчи омилларнинг тафсилини (хавф-хатарларни киритган ҳолда) ўз ичига олади. Ушбу бандда келтирилган маълумот келажакда номинант объектнинг сақланиши ҳолатини мониторинг қилиш учун зарур бўлган базавий маълумотларни ташкил этади.

5. Мухофаза қилиш ва бошқариш

Мухофаза қилиш: 5-кисм объектни мухофаза қилишга энг муносиб юридик, норматив-хуқуқий, шартномавий, режалаштирувчи, институционал ва/ёки анъанавий чора-тадбирлар рўйхатини ўз ичига олиши ва мазкур мухофаза қилиш усулининг самарали ишлаш йўлларини чуқур таҳлил қилиши лозим. Юридик, норматив-хуқуқий, шартномавий, режалаштирувчи ва/ёки институционал матнлар ёки матнлардан кўчирмалар ҳам инглиз ёки француз тилларида бўлиши керак.

Бошқариш: тўғри бошқариш режаси ёки бошқа бошқарув тизими мухим аҳамият касб этади ва номинация билан бирга таклиф этилиши лозим. Бошқариш режасининг ёки бошқа бошқарув тизимининг самарали қўлланилишини таъминлаш ҳам аҳамиятлидир. Бошқарув тизимида табиий, маданий ва аралаш объектларнинг барча турлари учун, шу жумладан уларнинг буфер зоналари ва кенгроқ зоналари учун ҳам барқарор тараққиёт принциплари киритилиши лозим.

Бошқариш режасининг ёки бошқарув тизими хужжатларининг нусхаси номинацияга илова қилиниши керак. Бошқарув режаси инглиз ёки француз тилидан бошқа тилда бўлса, унинг инглиз ва француз тиллардаги батафсил мазмуни илова қилиниши керак.

Бошқарув режаси ёки хужжатлаштирилган бошқарув тизимининг батафсил таҳлили ёки тушунчаси номинациянинг 5.е-қисмида кўрсатилиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хужжатларга эга бўлмаган номинация бошқарув режаси тугагунига қадар объект бошқарувини йўналтирувчи хужжатлар тақдим қилинмаса, тугалланмаган хисобланади.

6. Мониторинг

Иштирокчи давлатлар объектнинг сақланиш ҳолати, унга таъсир этувчи омиллар ва сақлаш бўйича чора-тадбирлар, текширувларнинг ўтказилиш муддатлари ва масъул органларнинг алоқа маълумотларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича мавжуд ва/ёки таклиф қилинадиган мухим кўрсаткичларга эга бўлиши лозим.

7. Хужжатлаштириш

Номинацияни асословчи барча керакли хужжатлар тақдим қилиниши лозим. Юқорида кўрсатилганларга қўшимча равишда, у қуйидагиларни:
а) босиб чиқариш имконини берувчи ҳажмдаги суратларни (камидা 300 дрі ҳажмдаги рақамили фотосуратлар, агар зарур бўлса, қўшимча фильм, видео ёки бошқа аудио визуал материаллар); ва б) иллюстрация/аудиовизуал инвентарлар ва улардан фойдаланишга рухсатномани (қаранг: 5-илованинг 7.а-банди) ўз ичига олади. Номинациянинг матни қоғоз ва электрон шаклда тақдим қилинади (Word ва/ёки PDF шаклда бўлиши лозим).

8. Масъул органлар билан алоқа маълумотлари

Масъул органлар билан алоқа ўрнатиш учун зарур бўлган батафсил маълумотлар тақдим этилиши лозим.

9. Иштирокчи давлат (давлатлар) номидан қўйилган имзо

Номинация иштирокчи давлат номидан имзо қўйишга ваколатли бўлган шахснинг ҳақиқий имзоси қўйилиши билан тугалланади.

10. Талаб этиладиган босма нусхаларнинг сони (илова қилинган хариталар билан бирга)

Маданий ва табиий обьектларнинг номинациялари учун (маданий ландшафтларни ҳисобга олмаганда): 2 та бир хил нусхалар.

Аралаш обьектлар ва маданий ландшафтлар номинациялари учун: 3 та бир хил нусхалар.

11. Қоғоз ва электрон шакллар

Номинациялар А4-ҳажмдаги қоғозда ва электрон шаклда (Word ва/ёки PDF шаклида) тақдим этилади.

12. Юбориш

Иштирокчи давлатлар номинацияни инглиз ёки француз тилида, қўйидаги манзилга юбориши керак:

ЮНЕСКОнинг мероси маркази 7, Плас де Фонтенуа 75352 Париж 07 SP Франция Телефон: +33 (0) 1 4568 1136 Факс: +33 (0) 1 4568 5570 E-mail: nominations@unesco.org	Умумжахон 7, place de Fontenoy 75352 Paris 07 SP France Tel: +33 (0) 1 4568 1136 E-mail: wh-nominations@unesco.org	UNESCO World Heritage Centre
--	--	-------------------------------------

- 137.** Котибият номинация билан бирга тақдим қилинган барча асословчи ҳужжатларни (хариталар, режалар, фотосуратлар ва ҳоказо) сақлаб колади.

III.C Турли хил обьектлар номинацияси учун талаблар

Трансчегаравий обьектлар

- 138.** Номинант обьект:

- Битта иштирокчи давлат худудида, ёки
- Ёнма-ён жойлашган бир нечта алоқадор иштирокчи давлатларнинг худудида жойлашиши мумкин (трансчегаравий обьект).

- 139.** Барча холатларда, трансчегаравий объектлар Конвенциянинг 11.3-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига тайёрланиши ва тақдим қилиниши лозим. Трансчегаравий объектнинг тўлиқ бошқарувини назорат қилиш мақсадида, алоқадор иштирокчи давлатлар томонидан бирлашган бошқарув кўмитаси ёки шунга ўхшаш орган ташкил этиш қатъян тавсия этилади.
- 140.** Битта иштирокчи давлатнинг худудида жойлашган Умумжаҳон мероси объектини кенгайтириш ва уни трансчегаравий объектга айлантириш борасида таклиф билдирилиши мумкин.

Сериал объектлар

- 141.** Сериал объектлар аниқ белгиланган алоқаларга эга икки ёки ундан ортиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади:
- Таркибий қисмлар тегишли ландшафт, экологик, эволюцион ёки ариал боғлиқликни таъминловчи вақт оралиғидаги маданий, ижтимоий ёки функционал боғловчиларда акс этиши керак.
 - Ҳар бир таркибий қисм бутунлигича барқарор, илмий, осон топиладиган ва фарқланадиган йўл билан объектнинг Умумжаҳон мислсиз қийматига ҳисса кўшиши лозим, шунингдек, таркибий қисм номоддий хусусиятларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Ҳосил бўлган Умумжаҳон мислсиз қиймати осон тушунилиши ва етказилиши лозим.
 - Мунтазам равишда ва таркибий қисмларнинг ортиқча фрагментациясининг олдини олиш мақсадида, таркибий қисмларни танлашни ўз ичига олувчи объект номинациясини тақдим қилиш жараёни объектнинг ҳар томонлама бошқарилиши ва ўйғуналигини тўлиқ инобатга олиши лозим (қаранг:114-банд).

ва алоҳида қисмлари эмас, факат сериялар бир бутун сифатида, Умумжаҳон мислсиз қийматига эга ҳисобланади.

- 142.** Сериал номинация обьекти:
- Бир нафар иштирокчи давлатнинг худудида (миллий сериал объект); ёки
 - Чегарадош бўлиши шарт бўлмаган турли хил иштирокчи давлатларнинг худудларида, уларнинг барчасининг розилиги билан номинация қилинган худудда жойлашиши мумкин (сернал трансмиллий обьект).
- 143.** Сериал объектлар, битта ёки бир нечта иштирокчи давлат томонидан киритилишидан қатъи назар, бир нечта номинация циклида баҳоланиш учун киритилиши мумкин, бунда биринчи номинант обьект ўз-ўзидан Умумжаҳон мислсиз қийматига эга бўлади. Иштирокчи давлатлар бир нечта номинация цикли бўйича сериал номинацияларни режалаштираётганда яхшироқ режалаштиришни таъминлаши учун Кўмитани ўзларининг мақсади ҳақида хабардор этишлари керак.

III.D Номинацияларни рўйхатга олиш

- 144.** Иштирокчи давлатларнинг номинацияларни қабул қилиб олганидан сўнг Котибият номинациялар қабул қилганлигини тасдиқлади, тўлиқлигини текширади ва номинацияларни рўйхатга олади. Котибият тўлиқ деб ҳисоблаган обьектларни тегиши Консультатив органларга баҳолаш учун юборади. Шунингдек, Котибият Кўмитанинг аъзолари фойдаланиши учун номинациялар матнларининг электрон шаклини Умумжаҳон мероси марказининг веб-сайтига жойлаштиради. Котибият ўз ташаббусига кўра ва Консультатив органларга керак бўлган вақтда иштирокчи давлатдан ҳар қандай қўшимча маълумотларни талаб қиласди. Рўйхатга олиш жадвали ва номинацияларга ишлов бериш 168-бандда батафсил кўрсатилган.
- 145.** Котибият Кўмитанинг ҳар бир сессиясига қабул қилинган номинациялар рўйхатини тайёрлайди ва тақдим қиласди. Ушбу рўйхатга номинацияларни қабул қилиш санаси, уларнинг “Тугалланган” ёки “Тугалланмаган” ҳолатини тасдиқловчи кўрсатма ҳамда уларнинг 132-банд ва 5-иловага мөсравишида “Тугалланган” ҳолати қайд этилган санаси киритилади.
- 146.** Номинация унинг тақдим этилган вақтидан Умумжаҳон мероси Кўмитасининг қароригача бўлган даврдан иборат ўрганиш циклини босиб ўтади. Бу цикл, одатда, 1 йилнинг февраль ойида номинацияларни тақдим қилишдан 2 йилнинг июнь ойида Кўмитанинг қарори қабул қилинишигача бир ярим йил давом этади.

III.E Номинацияларнинг Консультатив органлар томонидан баҳоланиши.

- 147.** Баҳоловчи органлар иштирокчи давлатлар томонидан номинант обьектлар Умумжаҳон мислсиз қийматига, бутунлик ва (керакли вақтда) ҳақиқийлик ҳолатига ва муҳофаза қилиш ҳамда бошқариш талабларига жавоб беришини баҳолайди. ИКОМОС ҳамда IUCNнинг баҳо бериш тартиби ва шакли 6-иловада кўрсатилган.
- 148.** Маданий мерос обьектлари номинацияларига баҳо бериш ИКОМОС томонидан амалга оширилади.
- 149.** Табиий мерос обьектлари номинацияларига баҳо бериш IUCN томонидан амалга оширилади.
- 150.** «Маданий ландшафтлар» категорияси бўйича маданий обьектлар номинациялари, қоида тариқасида, ИКОМОС томонидан IUCN билан келишган холда баҳоланади. Арагаш обьектларни баҳолаш ИКОМОС билан IUCN томонидан биргалиқда амалга оширилади.

- 151.** Умумжаҳон мероси Кўмитасининг талабига асосан, ёки муҳимлиги сабабли, ИКОМОС ва IUCN таклиф қилинган Умумжаҳон мероси объектларининг худудий, глобал ва тематик контекстини баҳолаш бўйича **тематик тадқиқотлар** олиб боради. Бу тадқиқотлар иштирокчи давлатлар томонидан тақдим қилинган Тахминий Рўйхатлар маълумотларини, шунингдек, Тахминий Рўйхатларни уйғулаштириш борасида ўтказилган йиғилишларнинг хисоботларини ҳамда Консультатив органлар, тегишли ташкilotлар ва шахслар томонидан ўтказилган бошқа техник тадқиқотларни хисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур тадқиқотларнинг тўлиқ рўйхати З-илованинг З-бобидан ҳамда Консультатив органларнинг веб-сайтларидан олиниши мумкин. Ушбу тадқиқотлар иштирокчи давлатлар томонидан Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш максадида, объектларнинг номинацияларини тақдим килиш учун тайёрланадиган **қиёсий таҳлил** билан адаштирилмаслиги лозим (қаранг: 132-банд).
- 152.** Куйидаги принциплар ИКОМОС and IUCNнинг баҳолаш ва презентацияларини ўтказиш жараёнини йўналтириши лозим. Баҳолаш ва презентациялар:
- Умумжаҳон *Мероси Конвенциясига*, тегишли *амалий қўлланмаларга* ва Кўмита томонидан қабул қилинган қўшимча тартибларга мувофиқ бўлиши;
 - Объектив, аниқ ва илмий асосланган бўлиши ҳамда Консультатив органларга тақдим қилинган номинацияга тааллуқли барча маълумотларни хисобга олиши;
 - Номинацияларни тақдим этаётган иштирокчи давлатлар билан ўтказиладиган муҳокама ва сұхбат давомида баҳолаш жараёнida Профессионалликнинг юқори стандартларига, адолат ва шаффоффлик мезонларига асосланиши;
 - Баҳолаш ва тақдимотларнинг Котибият билан келишилган стандарт шаклига жавоб бериши, маҳфий ўрганишларни амалга оширувчи тақризчилар бюроси ходимларидан ташқари баҳолаш жараёнida қатнашган барча мутахассисларнинг исмларини ўз ичига олиши ҳамда иловасида баҳолашга алоқадор барча нархлар ва харажатларнинг батафсил таҳлилини кўрсатиши;
 - Мавзудан хабардор бўлган минтақавий мутахассисларни жалб қилиш;
 - Объект Умумжаҳон мислсиз қийматига эга ёки эга эмаслигини, бутунлик ва/ёки ҳақиқийлик, бошқарув режаси ҳамда қонуний муҳофаза талабларига жавоб берини аниқ ва алоҳида кўрсатиши;
 - Иштирокчи давлат ҳудудида ёки унинг ташқарисида жойлашган ҳар бир объекти мазкур турдаги бошқа объектлар билан солиширган ҳолда унинг нисбий сақланишини қамраб оловучи барча тегишли мезонларга кўра систематик тарзда баҳолаши;
 - Ўрганилаётган номинация бўйича Кўмитанинг қарорлари ва мурожаатномаларига ҳаволаларни ўз ичига олиши;

- i) Номинация ўрганиладиган йилда **28 февралдан** сўнг иштирокчи давлат томонидан тақдим қилинган ҳеч қандай маълумотни инобатга олмаслиги ва киритмаслиги лозим. Агар маълумот муддат ўтганидан сўнг етиб келган бўлса ва баҳолаш жараёнида инобатга олинмаса, иштирокчи давлат бу тўғрида огоҳлантирилади. Мазкур муддатта қатъий амал қилиниши лозим; ва
- j) Қоида тариқасида, ҳаволалар рўйхати (адабиётлар) орқали ўзларининг нуқтаи назари учун асос келтирилиши лозим.

- 153.** Консультатив органлар Конвенцияда фойдаланиладиган бир ёки ҳар икки тилда ёзилган, баҳолаш даражаси ва ҳар қандай юзага келган муаммолар ҳамда ҳар қандай қўшимча маълумот учун батафсил мурожаатларни ўз ичига олган қисқача оралиқ ҳисботни иштирокчи давлатларга, уларнинг нусхаларини эса Умумжаҳон мероси Кўмитасининг раҳбариятига кўрсатиш учун Умумжаҳон мероси марказига ҳар йили **31 январга** қадар юбориши лозим.
- 154.** Алоқадор иштирокчи давлатлар томонидан 12-иловада белгиланган шаклда тайёрланган, Консультатив органлар томонидан уларнинг номинацияларини баҳолашда йўл қўйилган фактик хатоларни асословчи хатлар тегишли Консультатив органларга тақдим қилинадиган нусхалари билан Кўмитанинг сессияси очилишидан камида 14 кун олдин Умумжаҳон мероси маркази томонидан қабул қилиб олиниши лозим. Мазкур хатлар Кўмита сессиясининг биринчи кунидан кечиктирмай, кўриб чиқиш учун кун тартибидан ўрин олган масалаларга алоқадор ҳужжатларга илова қилинади. Умумжаҳон мероси маркази ва Консультатив органлар хатларга улар мухокама қилингунига қадар шаклнинг тегишли қисмида ўзларининг шарҳларини ёзишлари мумкин.
- 155.** ИКОМОС ва IUCN ўзларининг тавсияларини учта мезон бўйича тақдим қиласидилар:
- a) Рўйхатга киритиш учун сўzsиз тавсия қилинган обьектлар;
 - b) Рўйхатга киритиш учун тавсия қилинмаган обьектлар;
 - c) Кейинга қолдириш ёки қайта ишлашга юбориш учун тавсия қилинмаган обьектлар.

III.F Номинацияларни қайтариб олиш

- 156.** Иштирокчи давлат ўз номинациясини Кўмита томонидан уни кўриб чиқиш режалаштирилган Сессия бошланишидан олдин исталған вактда **қайтариб олиши** мумкин. Бунинг учун иштирокчи давлат Котибиятни номинацияни қайтариб олиш истаги ҳақида ёзма огоҳлантириши лозим. Агар иштирокчи давлат хоҳласа, обьект учун номинацияни қайта киритиши мумкин. Ушбу ҳолатда номинация 168-бандда кўрсатилган жараёнлар ва жадвалга асосан янги киритилган хисобланади.

7-сон қарор EXT.COM 4B.1
37-сон қарор COM 12.II

III.G Умумжаҳон мероси Кўмитасининг қарори

- 157.** Объект Умумжаҳон мислсиз қиймати рўйхатига киритилиши ёки киритилмаслиги, қайта ишлаш учун юборилиши ёки қолдирилиши бўйича Умумжаҳон мероси Кўмитаси қарор қабул қиласди.

Рўйхатга киритиш

- 158.** Агар Кўмита объектни Умумжаҳон мислсиз қиймати рўйхатига киритишни лозим топса, Консультатив органларнинг тавсияси асосида объект учун Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотини қабул қиласди.

- 159.** Умумжаҳон мислсиз қиймати тўғрисидаги баёнот Кўмитанинг хақиқатан ҳам объект Умумжаҳон мислсиз қийматига эга эканлиги тўғрисидаги ҳамда объект қайси мезон асосида рўйхатга киритилганлиги хуносасини ўз ичига олади. Шунингдек, бутунлик талабларига маданий ва аралаш объектлар учун эса ҳақиқийлик талабларига баҳо бериши киритилади. Шунингдек, у мавжуд муҳофаза қилиш ва бошқариш тўғрисидаги баёнотни ва келажақда муҳофаза қилиш ҳамда бошқариш учун талабларни ўз ичига олади. Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти объектнинг келажақдаги муҳофазаси ва бошқаруви учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Качон лозим бўлса, Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотининг муҳофаза қилиш ва бошқаришга оид қисми иштирокчи давлат билан маслаҳатлашган ҳолда Умужаҳон мероси Кўмитаси томонидан янгиланиши ҳамда кейинчалик Консультатив органлар томонидан ўрганилиши мумкин. Бу янгиланишлар вақти-вақти билан кейинчалик Даврий хисоботлар цикларининг натижасига ёки агар талаф килинса, Кўмитанинг ҳар қандай сессиясида амалга оширилиши мумкин.

Умумужаҳон мероси маркази кейинчалик кичик чегаравий ўзгаришларни амалга ошириш учун объектнинг номини ва ташки қўринишини ўзгаририш бўйича Кўмитанинг келгуси қарорларини қабул қилиш ва тегишли Консультатив орган билан келишилган ҳар қандай фактик хатони тузатиш учун ўз баёнотини автоматик тарзда янгилаб боради.

ЮНЕСКОнинг Гендер Тенглик Устунлиги доирасида Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотини тайёрлашда гендер бўйича бетараф тилдан фойдаланиш лозим.

- 160.** Рўйхатга олиш вақтида Кўмита Умумжаҳон мероси объектини муҳофаза қилиш ва бошқаришни назарда тутувчи бошқа тавсиялар бериши ҳам мумкин.

- 161.** Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти (объектни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш мезони ҳам кўшилади) Кўмита томонидан унинг хисоботлари ва эълонларида баён этилади.

Рўйхатга киритмаслик тўғрисидаги қарор

- 162.** Агар Кўмита объектни Умумжаҳон мероси **рўйхатига киритмасликни** лозим топса, истисно ҳолатлардан ташқари номинация Кўмитага қайта тақдим этилиши мумкин эмас. Мазкур ҳолатлар янги топилмалар, объект ҳақидаги янги илмий маълумотлар ёки номинацияда тақдим этилмаган бошқа мезонларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу ҳолатда янги номинация тақдим этилиши лозим.

Номинацияларни қайта ишлаш учун юбориш

- 163.** Кўмита томонидан қўшимча маълумот учун иштирокчи давлатларга **қайтарилигган** номинациялар Кўмитанинг кейинги сессиясига кўриб чикиш учун тақдим этилиши мумкин. Қўшимча маълумотлар Кўмита томонидан объектнинг кўриб чиқилиши кутилаётган йилнинг **1 февраль**⁸ кунига қадар Котибият томонидан қабул қилинади. Котибият объектни дарҳол баҳолаш учун тегишли Консультатив органларга юборади. Кўмита томонидан қайтарилигган номинация қайтарилиганидан кейин уч йил ичиди тақдим қилинмаса, қайта тақдим қилинган объект 168-бандда кўрсатилган жараёнлар ва жадвалга асосан янги номинация сифатида ўрганиш учун киритилади. Иштирокчи давлатлар тегишли Консультатив орган (органлар) ва/ёки Умумжаҳон мероси марказидан Кўмитанинг тавсиялари қандай амалга оширилиши лозимлиги юзасидан маслаҳат олишлари мумкин.

Номинацияларни кейинга қолдириш

- 164.** Кўмита номинацияни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ёки баҳо бериш ёхуд иштирокчи давлат томонидан зарурӣ қайта кўриб чикиш учун кейинга қолдириш бўйича қарор қабул қилиши мумкин. Агар иштирокчи давлат **кейинга қолдирилигган** номинацияни кейинги йилларда қайта тақдим қилиш истагини билдиrsa, мазкур номинация **1 февраль кунига**⁹ қадар Котибият томонидан қабул қилиниши лозим. Кейин ушбу номинациялар Консультатив органлар томонидан 168-бандда кўрсатилган жараёнлар ва жадвалда кўрсатилган баҳолаш тартибини ўз ичига олувчи бир ярим йиллик баҳолаш цикли давомида қайта ўрганиб чиқилади (янгитдан баҳолаш амалга оширилади). Иштирокчи давлатлар тегишли Консультатив орган (органлар) ва/ёки Умумжаҳон мероси марказидан Кўмитанинг тавсиялари қандай амалга оширилиши лозимлиги юзасидан маслаҳат олишлари мумкин. Зарурат туғилса, иштирокчи давлатлар консультатив миссияни таклиф қилишлари мумкин.

⁸ Агар 1 февраль дам олиш кунига тўғри келса, номинация келаётган жума қуни, соат 17:00 GMT гача қабул қилиниши керак.

⁹ Агар 1 февраль дам олиш кунига тўғри келса, номинация келаётган жума қуни, соат 17:00 GMT гача қабул қилиниши керак.

III.Н Фавқулодда асосга кўра қўриб чиқиладиган номинациялар

37-сон қарор СОМ 12.II

- 165.** Номинацияларни рўйхатга киритиш ва уларни кўриб чиқиш учун одатий жадвал ва тўлиқлигини аниқлаш зиён кўрган ёки табиат ходисаларидан ёхуд инсонияти натижасида жиддий ва алоҳида хавфларга учраган, фавқулодда ҳолатта сабаб бўлувчи ва Кўмита томонидан уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тезкор қарор қабул қилиш заруратини келтириб чиқарувчи ҳамда тегишли Консультатив органларнинг хисботига кўра Умумжаҳон мислсиз қийматига эга деб топилиши мумкин бўлган хавф остида турган обьектларга нисбатан қўлланилмайди. Бу номинацияларга фавқулодда асосларга кўра ишлов берилади ва уларни ўрганиш Кўмитанинг кейинги сессияси кун тартибига киритилади. Ушбу обьектлар Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши мумкин, шунингдек, улар бир вақтнинг ўзида хавф остидаги умумжаҳон мероси рўйхатига ҳам киритилиши лозим (қаранг: 177-191-бандлар).
- 166.** Номинацияларни фавқулодда ҳолат асосида кўриб чиқиш жараёни қуидагилар:
- a) Иштирокчи давлат номинацияни фавқулодда асосга кўра қўриб чиқишини сўраб мурожаат қиласди. Бу вақтда иштирокчи давлат мазкур номинацияни ўзининг Тахминий Рўйхатига киритган бўлиши ёки дарҳол киритилиши лозим.
 - b) Номинация:
 - i) Объектни тасвирлаши ва унинг чегараларини аниқ қўрсатиши;
 - ii) Мезонга асосан унинг Умумжаҳон Мислиз қийматига эга эканлигини асослаши;
 - iii) Унинг бутунлиги ва/ёки ҳақиқийлигини асослаши;
 - iv) Унинг муҳофазаси ва бошқарувини тасвирлаши;
 - v) Фавқулодда ҳолатнинг табиати, хавфнинг кўриниши ва ҳажми ёки алоҳида хавфни тасвирлаши ҳамда обьектнинг муҳофазасини таъминлаш учун Кўмита томонидан зарур чоралар кўрилиши лозимлигини кўрсатиши шарт.
 - c) Котибият номинацияни дарҳол Умумжаҳон мислсиз қийматига эга бўлиши мумкин бўлган обьектларнинг сифатини, хавфнинг табиатини ҳамда Кўмита томонидан зудлик билан қарор қабул қилинишини баҳолаш талаби билан тегишли Консультатив органларга юборади. Агар Консультатив органлар лозим топса ва вақт топилса, обект жойини кўздан кечириш зарурати туғулиши мумкин.
 - d) Номинацияни ўрганиш давомида Кўмита қуидагиларни ҳам инобатга олади:
 - vi) Номинацияни таёrlашни тугаллаш учун халқаро ёрдам қўрсатиши; ва
 - vii) Заруратга қараб, Котибият ва Консультатив органларнинг кейинги миссияларида обьект рўйхатга олинганидан сўнг, зудлик билан Кўмитанинг тавсияларини амалга оширишни.

**III. Чегараларга, объектни асослаш учун фойдаланилган мезонга ёки
Умумжахон мероси объектининг номига ўзгаришилар киритиши**

Чегараларга киритиладиган кичик ўзгаришилар

- 167.** Кичик ўзгариши объектнинг ҳажмига катта таъсир ўтказмайди ва Умумжахон мислсиз қийматига ҳам таъсир қилмайди.
- 168.** Агар иштирокчи давлат Умумжахон мероси рўйхатига киритилган объектнинг чегараларига кичик ўзгариши киритишни талаб килмоқчи бўлса, ушбу талаб 11-иловада кўрсатилган шаклда тайёрланиши ва киритилаётган ўзгаришилар кичик ёки катталиги бўйича тегишли Консультатив органларнинг баҳосини олиш учун **1 февралга¹⁰** қадар Котибият орқали Кўмита томонидан қабул қилиниши лозим. Шундан сўнг, Котибият Консультатив органларнинг баҳосини Умумжахон мероси Кўмитасига тақдим қиласди. Кўмита бу ўзгаришиларни қабул қилиши ёки чегарага киритилаётган ўзгаришиларни объектнинг муҳим чегаравий ўзгаришига олиб келувчи етарли даражада камровли деб топиши мумкин. Ушбу холатда янги номинациялар учун белгиланган тартиб қўлланилади.

Чегараларга катта ўзгаришилар киритиши

- 169.** Агар иштирокчи давлат Умумжахон мероси рўйхатига киритилган объектнинг чегараларига катта ўзгариши киритишни хоҳласа, ушбу таклифни янги номинация каби тақдим қиласди (ўзгариши олдин Дастребки Рўйхатга киритилган талабларни ўз ичига олади (қаранг: 63- ва 65-бандлар). Бу каби номинацияларни қайта тақдим қилиш **1 февралга¹¹** қадар амалга оширилади ва 168-бандда кўрсатилган жараёнлар ва жадвалга асосан тўлиқ бир ярим йиллик цикл давомида баҳоланади. Бу шарт чегараларнинг нафакат кенгайишига, балки торайишига ҳам қўлланилади.

**Умумжахон мероси рўйхатига киритишни асослаш бўйича
қўлланиладиган мезонга ўзгаришилар киритиши**

- 170.** Агар иштирокчи давлат объектни биринчи марта тақдим қилиш давомида қўлланилган мезонлардан фарқ қилувчи ёки кўшимча, камроқ мезон асосида тақдим қилмоқчи бўлса, у бу мурожаатни янги номинация каби амалга ошириши лозим (олдин Дастребки Рўйхатга киритилган талабларни ўз ичига олади – қаранг: 63- ва 65-бандлар). Бу каби номинацияларни қайта тақдим қилиш **1 февралга¹²** қадар амалга оширилади ва 168-бандда кўрсатилган жараёнлар ва жадвалга асосан тўлиқ бир ярим йиллик цикл давомида баҳоланади. Тавсия қилинган объектлар фақат янги мезон асосида баҳоланади ва кўшимча мезонни эътироф этиш муваффақиятсиз амалга оширилса ҳам, объект Умумжахон мероси рўйхатида қолади.

¹⁰ Агар 1 февраль дам олиш кунига тўғри келса, номинация келаётган жума куни, соат 17-00 GMT гача қабул қилиниши керак.

¹¹ Агар 1 февраль дам олиш кунига тўғри келса, номинация келаётган жума куни, соат 17-00 GMT гача қабул қилиниши керак.

¹² Агар 1 февраль дам олиш кунига тўғри келса, номинация келаётган жума куни, соат 17-00 GMT гача қабул қилиниши керак.

Умумжаҳон мероси объектининг номини ўзгартериш

- 171.** Иштирокчи давлат¹³ Кўмитадан Умумжаҳон мероси рўйхатига аллақачон киритилган объектнинг номига киритилган ўзгартеришни тасдиқлашни талаб қилиши мумкин. Объект номини ўзгартериш бўйича талаб Котибият томонидан **Кўмита мажлиси ўтказилишидан камида 3 ой олдин** қабул қилиниши лозим.

39-сон қарор СОМ 11

Ш.Ж Жадвал - таҳлил

172.

Жадвал

Иш тартиби

30 сентябрь (1-йил бошланишига қадар) Иштирокчи давлатлар томонидан тақдим қилинган номинациялар лойиҳаларини Котибият томонидан қабул қилиб олишнинг тавсиявий охирги муддати.

15 ноябрь (1-йил бошланишига қадар) Котибият номинация тақдим қилаётган иштирокчи давлатга номинация лойиҳасининг тўлиқлиги бўйича жавоб беради ва агар номинация тўлиқ бўлмаса, номинацияни тўлиқ ҳолатга келтириш учун керакли етишмаётган маълумотни кўрсатади.

1-йил, 1 февраль Тўлиқ номинацияларни Котибият томонидан қабул қилиб олиш ва Консультатив органларга баҳолаш учун юборишнинг охирги муддати.

Номинациялар 17h00 GMT га қадар қабул қилинади ёки, агар муддат ҳафтанинг дам олиш кунига тўғри келиб қолса, қабул қилиш келаётган жума куни 17h00 GMT га қадар амалга оширилади.

Ушбу муддатдан сўнг қабул қилинган номинациялар кейинги циклда ўрганиб чиқилади.

1-йил, 1 февраль – 1 март Рўйхатга олиш, тўлиқлигини тасдиқлаш ва тегишли Консультатив органларга юбориш.

Котибият ҳар бир номинацияни рўйхатга олади, иштирокчи давлаттага қабул қилинганлиги тўғрисида хабар беради ва номинацияларнинг таркибини текширади. Котибият иштирокчи давлатларни номинация тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги тўғрисида хабардор қиласди.

Тўлиқ бўлмаган номинациялар (қаранг: 132-банд) тегишли Консультатив органларга баҳолаш учун юборилмайди. Агар номинация тўлиқ бўлмаса,

¹³ Трансмиллий/трансчегаравий объектларда ҳар қандай ўзгартериш киритишда алокадор иштирокчи давлатлар барчасининг розилиги талаб этилади.

келаётган цикл доирасида кўриб чиқилиши учун алоқадор иштирокчи давлатга келаётган йилнинг 1 февраль кунига қадар номинацияни тугаллаши кераклиги тўғрисида маслаҳат берилади.

Тўлиқ деб топилган номинациялар тегишли Консультатив органларга юборилади.

Котибият Кўмита аъзолари фойдаланиши учун номинацияларнинг электрон кўринишдаги матнини Умумжаҳон мероси Марказининг веб-сайтига жойлаштиради.

1-йил, 1 март

Котибият иштирокчи давлатни қабул қилиб олинган номинация тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги тўғрисида ва 1 февралга қадар қабул қилинганлиги ёки йўқлиги тўғрисида хабардор қилишининг охирги муддати.

1-йил, март – 2 йил, май

Консультатив органлар томонидан баҳолаш даври

2-йил, 31 январь

Консультатив органлар Конвенцияда ишлатиладиган икки тилдан бирида иштирокчи давлатларга ва нусхаларини Умумжаҳон мероси Кўмитасининг раҳбариятига тақдим қилиш учун Умумжаҳон мероси марказига ҳар йили **31 январга** қадар баҳолаш жараёнининг ҳолати ва унга алоқадор ҳар қандай масала ҳақида кичик оралиқ ҳисобот юбориши ҳамда ҳар қандай мурожаат бўйича қўшимча маълумот бериши талаб этилади.

2-йил, 28 февраль

Тегишли Консультатив орган томонидан талаб қилинган қўшимча маълумот иштирокчи давлат томонидан уларга Котибият орқали тақдим қилинишининг охирги муддати.

Кўшимча маълумот 132-бандда белгиланган миқдордаги нусхаларда ва электрон шаклда Котибиятта тақдим этилади. Янги ва олдинги матнларни чалкаштириб юбормаслик учун, агар тақдим қилинган қўшимча маълумот номинациянинг асосий матнiga ўзgartириш киритса, иштирокчи давлат ушбу ўзgartиришларни асосий матнга тузатиш киритиш қўринишида тақдим қиласди. Ўзгартиришлар аниқ тасвирланиши лозим. Мазкур янги матннинг электрон шакли (CD-ROM ёки USB Flash Drive) коғоз шакли билан бирга тақдим қилиниши керак.

2-йил, Умумжаҳон мероси

Тегишли Консультатив органлар ўзларининг

**Кўмитасининг йиллик сессияси
бошланишидан 6 хафта олдин**

**2-йил, Умумжахон мероси
Кўмитасининг йиллик сессияси
очилишидан камида 14 иш куни
кун олдин**

**2-йил, Умумжахон мероси
Кўмитасининг йиллик сессияси
(июнь/июль)**

**Умумжахон мероси
Кўмитасининг йиллик
сессиясидан сўнг дархол**

**Умумжахон мероси
Кўмитасининг йиллик
сессиясидан сўнг дархол**

**Умумжахон мероси
Кўмитасининг йиллик сессияси
ёпилганидан сўнг бир ой ичидা**

баҳоларини ва тавсияларини Умумжахон мероси Кўмитасига ва иштирокчи давлатларга юбориш учун Котибиятга топширади.

Иштирокчи давлатлар томонидан фактик хатоларни тўғирлаш

Алоқадор Иштирокчи давлатлар Кўмитанинг сессияси очилишидан камида 14 иш куни олдин Консультатив органлар томонидан уларнинг номинацияларини баҳолаш мобайнида йўл қўйилганлиги аниқланган фактик хатоларни асословчи хатни сессия раисига, нусхаларини эса тегишли Консультатив органларга юбориш имкониятига эга.

Кўмита номинацияларни ўтаниб чиқади ва ўз қарорини қабул қиласди.

Иштирокчи давлатларни хабардор қилиш

Котибият Кўмита томонидан номинациялари ўрганилган барча иштирокчи давлатларни Кўмитанинг тегишли қарорлари ҳақида хабардор қиласди.

Умумжахон мероси Кўмитасининг объектни Умумжахон мероси рўйхатига киритиш ҳақидаги қарорига асосан Котибият иштирокчи давлатга ва объект бошқарувчиларига рўйхатга киритилган ҳудуднинг харитаси ва Умумжахон мислсиз қиймати баёнотини илова қилган ҳолда ёзма хат юборади (мавжуд мезонларга ҳаволаларни киритган ҳолда).

Котибият ҳар йили Кўмитанинг йиллик сессияси асосида янгилangan Умумжахон мероси рўйхатини чоп этади.

Умумжахон мероси рўйхатига киритилган объектлар номинациясини тақдим қилган иштирокчи давлатларнинг номлари “Конвенцияга асосан объект номинациясини тақдим қилган мажбурият олувчи давлат” сарлавҳаси остида чоп этилган рўйхатда кўрсатилади.

Котибият барча иштирокчи давлатларга Умумжахон мероси Кўмитаси барча қарорларининг чоп этилган ҳисоботини юборади.

III. Номинацияларни баҳолашни молиялаштириш

168. Янги номинацияларни тақдим этувчи иштирокчи давлатларнинг ҳар бир қўмита

сессиясида тақдим этилган Умумжахон мероси жамғармаси билан боғлиқ ҳужжатда Котибият томонидан кўрсатилган баҳоларнинг ўртача харажатларини ҳисобга олган ҳолда, маслаҳат органлари томонидан номинацияларни баҳолашни молиялаштиришга ихтиёрий равиша ўз хиссаларини қўшишлари назарда тутилган. Тартиблар қуидагича:

- а) бадаллар Умумжахон мероси жамғармасининг ажратилган ҳисоб рақамига ўтказилади;
- б) Энг кам ривожланган мамлакатлар ёки кам даромадли иқтисодиётлар (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг Тараққиёт сиёсати кўмитаси томонидан белгилаб қўйилган), Жаҳон Банки томонидан белгиланадиган Ўрта Даромадли Мамлакатлар, Кичик Оролларда ривожланаётган давлатлар ва Можаро ёки низодан кейинги вазиятларда иштирок этувчи давлатлардан ҳеч қандай ёрдам олинмайди;
- с) бадаллар номинация тўлиқлик текширувининг ижобий натижаси бўйича баҳолаш циклига киргандан сўнг амалга оширилади;
- д) Ушбу механизм Маслаҳатчи органлар томонидан объектларни объектив баҳолашига ва номзодларни кўриб чиқишида фойдаланиш учун Операцион қўлланмада белгиланган устуворлик тартибиға таъсир қиласлиги керак.

IV УМУМЖАХОН МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ҲОЛАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

IV.A Тезкор мониторинг

Тезкор мониторинг тавсифи

- 173.** Тезкор мониторинг – хавф остида турган алоҳида Умумжахон мероси объектларини муҳофаза қилиш ҳолати тўғрисидаги Котибият, ЮНЕСКОнинг бошқа секторлари ва Консультатив органларнинг Кўмитага берадиган хисоботини ўз ичига олади. Шу боис, иштирокчи давлатлар ҳар доим объектнинг Умумжахон мислсиз қиймати ёки унинг муҳофазаси ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган алоҳида шароитлар содир бўлса ёки шу каби ишлар амалга оширилса, маҳсус хисоботлар ва таъсирни ўрганиш бўйича тадқиқотларни тақдим қилишлари лозим. Шунингдек, тезкор мониторинг 177-191-бандларда белгилангани каби хавф остида турган Умумжахон мероси рўйхатига киритилган объектлар ёки киритилиши кутилаётган объектлар учун мўлжалланган. Бундан ташқари, Тезкор мониторинг 192-198-бандларда белгилангани каби объектларнинг Умумжахон мероси рўйхатидан тўлиқ чиқариб юбориш жараёнларида ҳам қўлланилади.

Мазкур хисоботлар Умумжахон мероси Кўмитасига Котибият орқали 13-иловадаги стандарт шаклни қўллаган ҳолда, инглиз ёки француз тилларида тақдим этилади:

- а) Умумжахон мероси рўйхатига киритилган объектлар учун олдинги йилнинг 1 декабрь кунига қадар Кўмита томонидан объектни ўрганиш,

- b) Хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектлар ва жуда шошилинч алоҳида холатлар учун обьект Кўмита томонидан ўрганиладиган йилнинг 1 февраль кунига қадар.

Тезкор мониторинг мақсади

- 174.** Тезкор мониторинг жараёнини тасдиқлаш давомида Кўмита биринчи навбатда обьектларни рўйхатдан чиқариб юборилишининг олдини олиш бўйича мумкин бўлган барча чораларни амалга ошириш билан машғул бўлади ва шунга кўра иштирокчи давлатларга имкон қадар техник ҳамкорлик таклиф қилишга тайёр эканлигини билдиради.
- 175.** Кўмита иштирокчи давлатларга Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектларнинг сақланиши учун амалга оширилган ишларни унинг номидан мониторинг қилиши ва ҳисбот бериши учун Кўмита томонидан сўралган Консультатив органлар билан ҳамкорлик қилишни тавсия қиласди.

Иштирокчи давлатлардан ва/ёки бошқа манбалардан қабул қилинган маълумот

- 176.** Умумжаҳон мероси Кўмитаси *Конвенцияга иштирокчи давлатларни Конвенция билан муҳофаза қилинадиган* худудда обьектнинг Умумжаҳон мислсиз қийматига таъсир қилиши мумкин бўлган улкан тиклаш ишлари ёки янги констркуцияларни амалга ошириш ёки тасдиқлаш юзасидан ўзларининг режаларини Котибият орқали Кўмитага маълум қилишга таклиф этади. Кўмита обьектнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида, муносиб ечимларни топишда кўмаклашиши учун зудлик билан хабар бериши (масалан, алоҳида лойиҳалар учун асос бўлувчи хужжатларни лойиҳалаштиришдан олдин) ва кейинчалик бекор қилиш қийин бўлган қарор қабул қилишдан олдин тақдим қилиши лозим.

27-сон қарор СОМ 7B.106

- 177.** Умумжаҳон мероси Кўмитаси Умумжаҳон мероси обьектларининг сақланиши ҳолатини ўрганиш бўйича миссияларнинг ҳисботлари қўйидагиларни ўз ичига олиши лозимлигини талаб қиласди:

- a) Умумжаҳон мероси Кўмитасига берилган охирги ҳисботдан кейин обьектнинг сақланиши бўйича хавфлар ёки муҳим ривожланиш ҳақидаги ахборотни;
- b) Объектнинг сақланишини таъминлаш мақсадида, Умумжаҳон мероси Кўмитасининг олдинги қарорларини бажаришга қаратилган ҳар қандай амалга ошириладиган ишларни;
- c) Объект Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилишига сабаб бўлган Умумжаҳон мислсиз қиймати, бутунлик ва/ёки ҳақиқийлик мезонларига таҳдид солувчи хавф, етказилган зарар ёки уларнинг йўқолиб кетиши тўғрисидаги маълумотларни.

- 178.** Котибият рўйхатга киритилган обьектга жиддий зарар етказилганлиги ёки белгиланган вақт ичидаги иштирокчи давлат томонидан эмас, балки бошқа манбалар ҳисобидан тўғирлаш бўйича зарур чоралар кўрилмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни қабул қиласа, имкон қадар иштирокчи давлат билан маслаҳатлашиб ва унинг фикрлари асосида маълумотларнинг манбаси ва таркибини текширади.

Умумжаҳон мероси Қўмитасининг қарори

- 179.** Котибият тегишли Консультатив органлардан қабул қилинган маълумотлар бўйича изоҳ талаб қиласи.
- 180.** Иштирокчи давлат ва Консультатив органларнинг изоҳлари билан бирга қабул қилинган маълумотлар Қўмита эътиборига ҳар бир объектнинг сақланиши ҳолати бўйича хисобот шаклида етказилади. Қўмита куйидаги ҳаракатлардан бири ёки бир нечтасини амалга ошириши мумкин.
- a) Объект жиддий зарар кўрмаганлиги ва ҳеч қандай ҳаракат амалга оширилмаслиги лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилиши;
 - b) Агар Қўмита объект жиддий заарланганлигини, бироқ тиклашнинг имкони мавжудлигини эътироф этса, у объектни рўйхатда қолдириши ва иштирокчи давлатга объектни тиклаш чораларини кўриши учун оқилона вақт бериши мумкин. Шунингдек, Қўмита объектни тиклаш билан боғлиқ ишлар учун Умумжаҳон мероси фонди асосида техник ҳамкорлик ўтказилишини лозим топиши ва агар бу ҳали амалга оширилмаган бўлса, иштирокчи давлатга мазкур ёрдамни талаб қилиш таклифни бериши мумкин. Баъзи ҳолатларда иштирокчи давлатлар консультатив миссиялар ўтказилиши учун тегишли Консультатив органни (органлар) ёки объект ҳолатининг ёмонлашишининг олдини олиш ва хавфга қарши курашиш борасида маслаҳат олиш учун бошқа ташкилотларни ёки эспертларни таклиф қилиши мумкин.
 - c) 177-182-бандларда белгиланган талаблар ва мезонлар учраса, Қўмита 183-189-бандларга асосан объектни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиши мумкин.
 - d) Агар ҳақиқатан ҳам объект уни рўйхатга киритиш учун асос бўлган ўзига хос хусусиятини тўғирлаб бўлмас даражада ёмонлашганлиги исботланса, Қўмита объектни рўйхатдан чиқаришга қарор қилиши мумкин. Бу каби ҳар қандай ҳаракат амалга оширилишидан олдин Котибият алоқадар иштирокчи давлатни хабардор қиласи. Иштирокчи давлат томонидан бериладиган ҳар қандай изоҳ Қўмита эътиборига етказилади;
 - e) Агар тақдим қилинган маълумотлар Қўмитага юқорида кўрсатилган а), б), с) ёки д) бандлардаги чораларнинг бирортасини қўллаш учун ҳам етарли бўлмаса, Қўмита Котибиятга объектнинг ҳозирги ҳолати, унга етказилган зарар ва объектни етарли даражада тиклаш имконияти мавжудлиги бўйича алоқадор иштирокчи давлат билан маслаҳатлашган ҳолда зарур ҳаракатларни амалга оширишига ваколат беради. Ушбу чоралар Тезкор мониторинг миссиясини юбориш ёки мутахассислар билан маслаҳатлашиш ёхуд Консультатив миссияни ўз ичига олиши мумкин. Котибият амалга оширган ишлари тўғрисида Қўмитага хисобот беради. Агар фавқулодда ҳаракат талаб қилинса, Қўмита фавқулодда ёрдам сўраш орқали Умумжаҳон мероси Фондидан ўз ҳаражатларини қоплаши мумин.

IV.B Хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхати

Объектларни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича қўлланмалар

181. Конвенциянинг 4-боб, 11-моддасига асосан, объект қўйидаги талабларга жавоб берса, Кўмита объектни хавф остидаги умумжаҳон мероси рўйхатига киритиши мумкин:

- a) Ўрганилаётган объект Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиши;
- b) Объектга жиддий ва алоҳида хавф таҳдид қилиши;
- c) Объектнинг сакланиши учун кўплаб чоралар кўришнинг зарурлиги;
- d) Объект учун Конвенцияга асосан ёрдам талаб қилинган; Кўмитанинг фикрига кўра баъзи ҳолатларда Кўмита томонидан объектнинг ҳолати Кўмитани ташвишлантираётганлигини билдириб хат юбориш самараали ёрдам беради, хусусан, объект хавф остидаги Умумжаҳон Мислсиз рўйхатига киритилганлигини билдириб хат юбориш шулар жумласидандир ва мазкур кўмак Котибиятнинг ҳар қандай аъзоси томонидан амалга оширилиши мумкин.

Объектларни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш мезонлари

182. Умумжаҳон мероси объектнинг ҳолати Конвенциянинг 1- ва 2-моддаларига асосан қўйида кўрсатилган иккита ҳолатнинг битта мезонига тўғри келса, Кўмита томонидан хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши мумкин.

183. Маданий мерос объектлари учун:

- a) **АНИҚ ХАВФ** – Объектга аниқ ва исботланган муқаррар хавф таҳдид қилса, хусusan:
 - i) Таркибий қисмларининг жиддий ёмонлашуви;
 - ii) Конструкцияси ва/ёки манзарали хусусиятининг жиддий ёмонлашуви;
 - iii) Архитектура ёки шаҳарсозлик уйғунлигининг жиддий ёмонлашуви;
 - iv) Шаҳар ва шаҳар атрофи худудларининг ёки табиий мухитнинг жиддий ёмонлашуви;
 - v) Тарихий ҳақиқийликнинг улкан йўқотилиши;
 - vi) Маданий аҳамиятнинг муҳим йўқотилиши.
- b) **ПОТЕНЦИАЛ ХАВФ** – объектнинг ўзига хос хусусиятига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган хавфлар. Ушбу хавфлар қўйидагиларда намоён бўлади:
 - i) Объектнинг муҳофазаси даражасининг пасайишига олиб келувчи юридик ҳолатининг ўзгартирилиши;

- ii) Сақлаш тартибининг мавжуд эмаслиги;
- iii) Минтақавий режалаштириш лойиҳаларининг хавфли таъсирлари;
- iv) Шаҳарсозлик режаларининг хавфли таъсирлари;
- v) Қуролли тўқнашувларнинг пайдо бўлиши ёки хавф солиши;
- vi) Иқлим, геологик ёки бошқа атроф-муҳит факторларининг хавфли таъсирлари;

184. Табиий обьектларда:

- c) **АНИҚ ХАВФ** – Объектга аниқ ва исботланган муқаррар хавф таҳдид қилса, хусуан:
 - i) Қонуний яратилган обьект касаллик каби табиий ёки браконьерлик каби антропоген факторларга асосан муҳофаза қилиши лозим бўлган хафв остидаги турлар ёки бошқа Умумжаҳон мислсиз қийматига эга бўлган турлар популляциясининг жиддий камайиб кетиши.
 - ii) Инсонларнинг ўтроклашуви, обьект муҳим қисмларининг сув остида қолишига олиб келган резервуарлар конструкцияси, обьектнинг табиий гўзаллиги ёки илмий қийматининг жиддий ёмонлашуви, пестицид ва ўғитларлардан фойдаланиш бўйича индустрисал ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ривожланиш ҳамда катта оммавий қурилишлар, фойдали қазилмаларни олиш, атроф-муҳитни ифлослантириш, ўрмонларни қиркиш, ўтин ғамлаш ва ҳоказо.
 - iii) Инсониятнинг обьектнинг чегараларига ёки уни ўраб турган ҳудудга бостириб кириши оқибатида обьект бутунлигининг хавф остида қолиши.
- d) **ПОТЕНЦИАЛ ХАВФ** – обьектга унинг ўзига хос хусусиятига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган хавфлар. Ушбу хавфлар қуидагиларда намоён бўлади:
 - i) Ҳудуд қонуний муҳофазаси ҳолатининг ўзгариши;
 - ii) Объектнинг ҳудудига ёки унга хавф солиши мумкин бўлган ҳудудда режалаштирилган кўчишлар ёки ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш;
 - iii) Қуролли тўқнашувларнинг пайдо бўлиши ёки хавф солиши;
 - iv) Бошқарув режаси ёки бошқарув тизимининг мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги, ёхуд тўлиқ татбиқ этилмаслиги.
 - v) Иқлим, геологик ёки бошқа атроф-муҳит омилларининг хавфли таъсири.

185. Шунингдек, хавфлар ва/ёки уларнинг объектнинг бутунлигига зарар етказувчи таъсири инсон ҳаракати орқали тўғирлаш имконини бериши лозим. Маданий объектлар учун табиий омиллар ҳам, инсоният томонидан яратилган омиллар ҳам хавфли бўлиши мумкин, табиий объектларда эса хавфнинг катта қисми инсоният томонидан етказилади ва факат кам ҳолларда табиий омиллар (масалан, эпидемик қасалликлар) объектнинг бутунлигига таъсир қилиши мумкин. Баъзи ҳолатларда, хавф-хатарлар ва/ёки уларнинг объектнинг бутунлигига зарар етказувчи таъсири маъмурий ва қонун чиқаруви фаолият асосида тўғирланиши мумкин, йирик оммавий ишлар лойиҳаларининг тугатилиши ёки қонуний ҳолатнинг такомиллаштирилиши бунга мисол бўлиши мумкин.

186. Маданий ёки табиий объектларни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш тўғрисидаги масалани ўрганиш давомида Кўмита томонидан қўйидаги қўшимча омиллар эътиборга олиниши мумкин:

- a) Умумжаҳон мероси объектларига таъсир қилувчи қарорлар барча омиллар мувозанатга келтирилганидан сўнг қабул қилинади. Умумжаҳон мероси Кўмитасининг тавсияси объект хавф остида қолишидан олдин берилса, ҳал қилувчи аҳамият қасб этиши мумкин.
- b) Асосан, ўрнатилган хавф асосида объектга етказилган физикавий ёки маданий заарлар уларнинг чукурлигига асосан баҳоланиши ва босқичма-босқич таҳлил қилиниши лозим.
- c) Объектга потенциал хавф туғилса, биринчи навбатда қуйидагилар инобатга олиниши зарур:
 - i) хавф объект жойлашган ижтимоий ва иқтисодий шароитнинг нормал тараққиёт босқичига асосан баҳоланиши керак;
 - ii) Кўп ҳолатларда куролли тўқнашувлар хавфи каби баъзи хавф-хатарларнинг маданий ва табиий объектларга таъсирини баҳолаш имкони мавжуд эмас;
 - iii) Баъзи хавфлар табиатан муқаррар эмас, лекин факт прогноз қилиниши мумкин, масалан, демографик ўсиш шулар жумласидандир.
- d) Натижада Кўмита ўзининг баҳолаш жараёнида маданий ёки табиий объектга хавф солувчи маълум бўлмаган ёки кутилмаган ҳар қандай манбани инобатга олиши лозим.

Объектларни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш тартиби

187. Объектни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритища Кўмита тегишли иштирокчи давлат билан маслаҳатлашган ҳолда объектни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатидан чиқариш учун талаб қилинадиган сақлаш ҳолатини ва тузатиш чоралари дастурини имкон қадар ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилиш керак.

- 188.** Олдинги бандда кўрсатилганидек, тузатиш чоралари дастурини ривожлантириш учун Кўмита Котибиятдан имкон қадар алоқадор иштирокчи давлат билан ҳамкорликда объектнинг ҳозирги ҳолати, объектга таҳдид солаётган хавф-хатар ва амалга оширилаётган тузатиш чораларини бажариш имкониятига ишонч ҳосил қилишни талаб қиласди. Кейинроқ Кўмита тегишли Консультатив органлар ёки бошқа ташкилотлар томонидан объектни кўздан кечириш, табиатни ва хавф-хатарларнинг даражасини баҳолаш ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаш учун Тезкор мониторинг миссияларини юбориши мумкин. Баъзи ҳолатларда, иштирокчи давлат тегишли маслаҳат ва кўрсатмаларни олиш учун Консультатив миссияни жалб қилиши мумкин.
- 189.** Қабул қилинган маълумотлар иштирокчи давлатлар ва тегишли Консультатив органлар ёки бошқа ташкилотларнинг изоҳлари билан бирга Котибият томонидан Кўмита этиборига етказилади.
- 190.** Кўмита қабул қилинган маълумотларни ўрганади ва объектни хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Ушбу турдаги ҳар қандай қарор Кўмитанинг овоз бериш хукуқига эга мавжуд аъзолари 3/2 қисми қўпчилик овози билан қабул қилинади. Шундан сўнг, Кўмита тузатиш ҳаракатини амалга ошириш бўйича дастур белгилайди. Ушбу дастур тегишли иштирокчи давлатга дарҳол ижросини таъминлаш учун тақдим қилинади.
- 191.** Алоқадор иштирокчи давлат Кўмитанинг қарори ҳакида дарҳол хабардор қилиниши ва зудлик билан Конвенциянинг 11.4-моддасига асосан, қабул қилинган қарор Кўмита томонидан эълон қилиниши керак.
- 192.** Кўмита хавф остидаги Умумжаҳон меросининг янгиланган рўйхатини коғоз шаклида чоп этади, шунингдек, ушбу маълумотлар куйидаги веб-сайтда мавжуд: <https://whc.unesco.org/en/danger>
- 193.** Кўмита хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган Умумжаҳон мероси объектларини мумкин бўлган молиявий ёрдам билан таъминлаш учун Умумжаҳон мероси фондининг маҳсус, каттагина қисмини сарфлайди.
- Хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларнинг сақланиш ҳолатини доимий назорат қилиб бориши
- 194.** Кўмита хавф остидаги Умумжаҳон мероси объектларининг сақланиш ҳолатини ҳар йили ўрганади. Ушбу ўрганиш Кўмита томонидан зарур деб ҳисобланган мониторинг усули ва мутахассис миссияларини ўз ичига олади.
- 195.** Мазкур доимий назоратлар асосида Кўмита алоқадор иштирокчи давлат билан куйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:
- Объектни сақлаш учун қўшимча чора-тадбирлар талаб этилади;
 - Агар объект бошқа хавф остида бўлмаса, у хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатидан чиқарилади;

c) 192-198-бандларда белгиланган тартибга асосан, агар объектнинг ахволи ўзининг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши учун асос бўлган хусусиятларини йўқотиш даражасида ёмонлашган бўлса, уни хавф остидаги Умумжаҳон мероси ҳамда Умумжаҳон мероси рўйхатларидан чиқариш масаласи қўрилади.

IV.C Объектларни Умумжаҳон мероси рўйхатидан бутунлай чиқариш жараёни

- 196.** Кўмита объектларни қўйидаги ҳолатлар туфайли Умумжаҳон мероси рўйхатидан чиқаришнинг қўйидаги тартибини қабул қилган:
- Объект уни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун асос бўлган хусусиятларини йўқотиш даражасида ёмонлашган бўлса ва;
 - Антропоген таъсирлар орқали Умумжаҳон мероси объектининг ўзига хос бўлган сифатлари у номинация қилинган вақтда хавф остида қолган бўлса ва иштирокчи давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тузатиш ишлари белгиланган вақтда амалга оширилмаса (қаранг: 116-банд).
- 197.** Агар Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объект жиддий зарар кўрган бўлса, ёки агар белгиланган вақтда тузатиш бўйича зарур чоралар қўрилмаган бўлса, объект жойлашган ҳудуддаги иштирокчи давлат бу тўғрида Котибиятни огоҳлантириши лозим.
- 198.** Агар Котибият алоқадор иштирокчи давлатдан эмас, балки бошқа манбадан мазкур турдаги маълумотни қабул қиласа, зудлик билан иштирокчи давлат билан маслаҳатлашган ҳолда мазкур манба ва тақдим қилинган маълумотга аниқлик киритади ва иштирокчи давлатдан ушбу масала юзасидан изоҳ беришни талаб қиласди.
- 199.** Котибият тегишли Консультатив органлардан қабул қилинган маълумот бўйича ўзларининг изоҳларини тақдим қилишларини талаб этади.
- 200.** Кўмита барча маълумотларни текширади ва тегишли қарор қабул қиласди. Бу каби ҳар қандай қарор Конвенциянинг 13 (8)-моддасига асосан, йиғилишга қатнашаётган аъзоларнинг 3/2 қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кўмита иштирокчи давлат билан келишмасдан ҳеч бир объектни рўйхатдан чиқармайди.
- 201.** Иштирокчи давлат Кўмитанинг қарори ҳақида хабардор қилинади ва ушбу қарор Кўмита томонидан дарҳол эълон қилинади.
- 202.** Кўмитанинг қарори асосида Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиладиган ҳар қандай ўзгаришиш кейинги янгиланиб чоп этилган рўйхатга киритилади.

V УМУМЖАХОН МЕРОСИ КОНВЕНЦИЯСИ ИЖРОСИ БҮЙИЧА ДАВРИЙ ҲИСОБОТ

V.A Максадлар

- 203.** Иштирокчи давлатлар Конвенцияни бажариш учун қабул қилған қонун чиқаруви ва маъмурӣ низомларини ва улар томонидан амалга оширилган бошқа ҳаракатлар ҳамда ўз ҳудудларида жойлашган Умумжаҳон мероси объектларининг сақланиши ҳолати бўйича Умумжаҳон мероси Кўмитаси орқали ЮНЕСКОнинг бош конференциясига ҳисобот тақдим қилиши талаб этилади.
- 204.** Даврий ҳисобот бу ўз-ўзига ҳисобот бериш жараёнидир ва ҳар бир минтақада иштирок этувчи давлатлар иложи борича татбиқ этишлари керак. Котибият даврий ҳисобот жараёнини глобал даражада мувофиқлаштиради ва осонлаштиради. Иштирокчи давлатлар кейинчалик ҳам (алоқадор иштирокчи давлатнинг розилиги билан) мутахассис маслаҳатини тайинлаши мумкин бўлган Консультатив органлардан ва Котибиятдан мутахассис маслаҳатини сўраши мумкин.
- 205.** Даврий ҳисобот тўртта асосий мақсадга эга:
- Иштирокчи давлат томонидан *Умумжаҳон Мероси Конвенцияси талабларининг бажарилишини баҳолаш;*
 - Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати вақт ўтиши билан сақланишини баҳолаш;
 - Ўзгараётган шароитлар ва объектларнинг сақланиши ҳолатини рўйхатга олиш учун Умумжаҳон мероси объектлари бўйича янгиланган маълумотларни тақдим қилиш;
 - Конвенция ва Умумжаҳон мероси сақланишининг қўлланилиши бўйича иштирокчи давлатларни минтақавий ҳамкорлик, ахборот ва тажриба алмашинуви учун механизм билан таъминлаш.
- 206.** Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлар узоқ муддатли сақланишининг самарали бўлишига эришиш, шунингдек, Конвенция амалга оширилишининг ишончлилигини таъминлаш учун даврий ҳисобот муҳимдир. Шунингдек, ушбу Умумжаҳон мероси қўмитаси ва Баш ассамблеяси томонидан қабул қилинган сиёsatни иштирокчи давлатлар ва Умумжаҳон мероси объектлари томонидан амалга оширилишини баҳолаш учун муҳим воситадир.

41- сон қарор СОМ 11

V.B Жараён ва шакл

41- сон қарор СОМ 11

207.

22- сон қарор СОМ VI.7

41- сон қарор СОМ 11

208. Иштирокчи давлатлар ҳар б ўилда даврий ҳисоботларни тақдим қилишади. Қуйидаги жадвалга асосан иштирокчи давлатларнинг даврий ҳисоботларини Умумжаҳон мероси Кўмитаси текширишга карор қилган:

- Африка
- Осиё ва Тинч океани ҳудуди
- Лотин Америкаси ва Кариб ҳудуди
- Европа ва Шимолий Америка

a)

Мазкур шакл Кўмита томонидан унинг 41-сессиясида (Краков, 2017 й.) кабул қилинган.

41-сон қарор СОМ 11

209. Ҳар бир циклнинг олтинчи йили бу – ҳисобот ва баҳолаш даври. Ушбу тўхталиш даврий ҳисобот механизмини янги цикл бошланишидан олдин баҳолаш ва қайта кўриб чиқишига имкон беради. Шунингдек, Умумжаҳон мероси қўмитаси ушбу даврий ҳисоботдан йигилган маълумотлардан Глобал Умумжаҳон мероси тўғрисидаги ҳисоботни ишлаб чиқиш ва нашр этишда фойдаланишга қарор қилиши мумкин.

210. Умумжаҳон мероси Кўмитаси тегишли вақт оралиғида ва зарурат туғилганда, мониторинг кўрсаткичларини ва даврий ҳисобот учун таҳлилий асосларни қабул қиласи ва қайта кўриб чиқади.

41-сон қарор СОМ 11

211. Даврий ҳисобот жараёни минтақавий алмашинув ва ҳамкорлик учун имконият яратади ва иштирок этувчи давлатлар ўртасида, айниқса, трансчегаравий ва трансмиллий объектлар бўйича фаол мувофиқлаштириш ва синхронлаштиришни кучайтириш учун ишлатилади.

212. Даврий ҳисобот мурожаатномаси – тегишли миллий биритирилган мутахассислар ва Умумжаҳон мероси объектлари менежерлари томонидан тўлдириладиган онлайн восита.:

- a) **1-қисм** иштирокчи давлат қабул қилган юридик ва маъмурий низомларга ва Конвенциянинг ижроси бўйича мазкур соҳада ортирилган тажриба билан бирга амалга оширилган бошқа ҳаракатларга тегишли. Бу, асосан, Конвенциянинг маҳсус моддаларида белгиланган мажбуриятларга алокадорdir.
- b) **2-қисм** тегишли иштирокчи давлат ҳудудида жойлашган маҳсус Умумжаҳон мероси объектларининг сақланиш ҳолатига алокадор. Мазкур қисм ҳар бир Умумжаҳон мероси обьекти учун тўлдирилиши лозим.

41-сон қарор СОМ 11

41-сон қарор СОМ 11

Даврий ҳисобот шакли ҳар даврий ҳисобот давридан кейин кўриб чиқилиши мумкин. Формат схемаси Операцион қўлланманинг 7-иловасида келтирилган.

213. Маълумотларнинг бошқариш ва таҳлил қилишни осонлаштириш учун иштирокчи давлатлар ўз ҳисоботларини инглиз ва француз тилларида Умумжаҳон мероси марказининг веб-сайтига онлайн юборишлари лозим: <https://whc.unesco.org/en/periodicreporting/>

V.C Баҳолаш ва кейинги амалга ошириладиган ишлар

41-сон қарор СОМ 11

214. Котибият ва маслаҳат органлари иштирокчи давлатларга миллий ҳисоботларни Умумжаҳон мероси ҳисоботларини Минтақавий ҳолатига бирлаштиришда ёрдам беради ҳамда электрон шаклда <http://whc.unesco.org/en/publications> веб-сайтида ва қофоз шаклда (World Heritage Papers нашрлар серияси) нашр қиласи.
215. Умумжаҳон мероси Кўмитаси даврий ҳисоботларда келтирилган масалаларни эҳтиёткорлик билан ўрганади ва алоқадор худудлар бўйича туғиладиган саволлар юзасидан Иштирокчи давлатларга тегишли маслаҳатлар беради.
216. Котибият билан ҳамкорлиқда иштирок этувчи давлатлар Консультатив органларга ўзининг стратегик мақсадларига асосан тузилган келгусидаги узок муддатли дастурларни минтақавий ривожлантириш ва уларни текшириш учун тақдим қиласи. Мазкур дастурлар даврий ҳисоботларнинг давоми сифатида қабул қилинган ва даврий ҳисоботларда аниқланган иштирокчи давлатларнинг эҳтиёжларига асосан, Кўмита томонидан доимий равишда ўрганилади. Улар худуддаги Умумжаҳон меросининг эҳтиёжларини аниқ ифодалashi лозим ва Халқаро ёрдам бўйича кўмаклашади.

43-сон қарор СОМ 11A

VI УМУМЖАҲОН МИСЛСИЗ ҚИЙМАТИГА КЎМАК БЕРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

VI.A Мақсадлари

217. Мақсадлари қўйидагилар:
- Салоҳиятни оширишни ва тадқиқотни кучайтириш;
 - Маданий ва табиий меросни сақлаш зарурати ҳакида кенг жамоатчилик хабардорлиги, тушунчаси ва хурматини ошириш;
 - Жамоатчилик ҳаётида Умумжаҳон мероси функциясини ошириш; ва
 - Меросни муҳофаза қилиш ва намойиш этишда маҳаллий ҳамда давлатлар аҳолисининг, жумладан маҳаллий халқларнинг тенг, инклюзив ва самарали иштирокини кучайтириш.

Умумжахон меросининг
Будапешт Декларацияси
(2002 й.)

43-сон қарор СОМ 11A

VI.B Салоҳиятни ошириш ва тадқиқот

41-сон қарор СОМ 11

218. Кўмита ўз стратегик мақсадлари ва Кўмита томонидан қабул қилинган Умумжаҳон мероси салоҳиятини ошириш стратегиясига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар салоҳиятини оширишни ривожлантиришга интилади.

Умумжаҳон мероси салоҳиятини ошириш стратегияси

219. Умумжаҳон меросини муҳофаза қилиш, сақлаш ва намойиш қилиш учун зарур бўлган юқори даражадаги малака ва кўп тармоқли ёндашувнинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда Кўмита Умумжаҳон мероси салоҳиятини ошириш стратегиясини қабул қилди. Малака ошириш потенциаллар истиқомат қиласидаган ва потенциални ривожлантириш учун аудитория мақсадга йўналтиришга муҳтож бўлган учта кенг йўналишни аниқлади: амалиётчилар, муассасалар ва жамоалар ҳамда тармоқлар. Бутунжаҳон мерос салоҳиятини ошириш стратегияси ҳаракатлар доирасини тақдим этади ва халқаро, минтақавий ёки миллий даражадаги иштирокчиларни индивидуал салоҳиятини ошириш фаолиятидан ташқари минтақавий ва миллий салоҳиятни ривожлантириш стратегиясини яратишга йўналтиради. Акцияларни ҳозирги кунда Жаҳон мероси учун имкониятларни яратиш бўйича фаолият кўрсатадиган ёки тақдим этиши мумкин бўлган кўплаб иштирокчилар амалга ошириши мумкин. Глобал ўқитиш стратегиясининг асосий мақсади Конвенцияни самарали амалга ошириш учун кенг доирадаги ижрочиларнинг зарур малакага эга бўлишини таъминлашдир. Функциялар тақрорланишининг олдини олиш ва Стратегиянинг самарали бажарилишини таъминлаш учун Кўмита репрезентатив, мувозанатли ва ишончи Умумжаҳон мероси рўйхати учун стратегия ҳамда даврий ҳисббот каби бошқа ташабbusлар билан алоқага киришади. Кўмита ҳар йили тегишли малака ошириш масалаларини ўрганади, малака оширишдаги эҳтиёжларни баҳолайди, йиллик ҳисбботларни ўрганади ва келажақдаги малака ошириш тадбирлари учун тавсиялар беради.

Миллий малака ошириш стратегиялари ва минтақавий ҳамкорлик

220. Иштирокчи давлатлар уларнинг профессионал ходимлари ва мутахассисларининг гендер тенглигига мутаносиб тарзда барча босқичларда муносиб билим олишини таъминлаши керак. Шу боис, иштирокчи давлатлар миллий малака ошириш стратегиясини тақомиллаштириши ва стратегиянинг бир қисми сифатида минтақавий ҳамкорликни киритиши талаб этилади. Бундай минтақавий ва миллий стратегияларни ишлаб чиқиша Умумжаҳон мероси бўйича малака ошириш стратегиясини ҳисбога олган ҳолда, Умумжаҳон мероси билан боғлиқ бўлган маслаҳат органлари ва турли хил ЮНЕСКОнинг 2-тоифали марказлари ёрдам бериши мумкин.

221. Иштирокчи давлатлар Конвенциянинг мерос ва жамият учун ўзаро манфаатларидан фойдаланадиган таълим ва малакани ошириш дастурларини ишлаб чиқишига даъват этилади. Дастурлар инновациялар ва маҳаллий тадбиркорликка асосланган бўлиши мумкин ва хусусан, ўрта/кичик/микро даражаларда, маҳаллий жамоалар ва маҳаллий аҳоли учун барқарор ва инклузив иқтисодий манфаатларни рағбатлантириш ҳамда барқарор ва барқарор инвестициялар учун давлат ва хусусий инвестициялар имкониятларини аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Шу жумладан маҳаллий материаллар ва ресурслардан фойдаланишини рағбатлантирадиган ва маҳаллий маданий ва ижодий соҳаларни ривожлантиришга ва умумжаҳон мероси объектлари билан боғлиқ бўлган номоддий меросни муҳофаза қилишга қаратилган ривожланиш лойиҳалари.

Умумжаҳон Мероси
Кўмитаси томонидан унинг
25-сессиясида (Хельсинки,
Финландия 2001 й.) қабул
килинган Умумжаҳон
маданий ва табиий мероси
учун Глобал ўқитиш
стратегияси (каранг: ANNEX
X of document WHC-
01/CONF.208/24).

Тадқикот

- 222.** Кўмита Конвенциянинг самарали бажарилиши учун зарур бўлган тадқиқот доирасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради ва мувофиқлаштиради. Умумжаҳон мероси обьектларини аниқлаш, бошқариш ва мониторинг қилиш учун билим ва тушунча асосий аҳамиятга эга бўлганилиги сабабли, тадқиқот амалга оширилиши учун иштирокчи давлатлар томонидан ҳам маблағ ажратилиши лозим. Иштирокчи давлатлар барча зарур рухсатларни олган ҳолда илмий тадқиқотлар ва тадқиқот методологияларини, шу жумладан маҳаллий жамоалар ва маҳаллий халқларга тегишли анъанавий ва маҳаллий билимларни кўллаб-кувватлашга даъват этилади. Бундай ўрганишлар ва тадқиқотлар Умумжаҳон мероси обьектларини сақлаб қолиш ва бошқариш, уларнинг буфер ва ундан-да кенгроқ зоналарни барқарор ривожланишга кўшадиган хиссасини, масалан, можароларнинг олдини олиш ва ҳал қилишда, шу жумладан, жамоалар ичida мавжуд бўлиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилиш, ва/ёки анъанавий йўллардан фойдаланиш орқали намойиш этишга қаратилган.

Халкаро ёрдам

- 223.** Иширокчи давлатлар томонидан Умумжаҳон мероси Фондидан ўқитиш ва тадқиқотларни амалга ошириш бўйича кўмак талаб қилиниши мумкин (қаранг: VII боб).

VI.C Хабардорликни ошириш ва таълим

Хабардорликни ошириш

- 224.** Иштирокчи давлатлардан ўз мамлакатларида жойлашган Умумжаҳон меросини сақлашнинг зарурлиги тўғрисидаги хабардорликни ошириши талаб этилади. Хусусан, улар Умумжаҳон меросининг ҳақиқий ҳолати муносиб белгиланиши ва жойларда тўлиқ кўрсатилишини таъминлаши лозим.
- 225.** Котибият аҳолининг Конвенция ҳақидаги хабардорлигини ошириш ва Умумжаҳон меросига хавф солувчи хатарлар ҳақида хабар бериш борасида иштирокчи давлатларга кўмаклашади. Котибият иштирокчи давлатларга халқаро ёрдам орқали маблағ билан таъминланувчи оммавий ва таълимга оид лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш борасида маслаҳат беради. Шунингдек, мазкур лойиҳалар борасида Консультатив органлар ва тегишли давлат органларидан ҳам маслаҳат олиши мумкин.

Таълим

- 226.** Умумжаҳон мероси Кўмитаси таълимга оид материаллар, чоратадбирлар ва дастурларни ривожлантиришни рағбатлантиради ва кўллаб-кувватлайди.

Халқаро ёрдам

227. Иштирокчи давлатлар қаерда бўлишидан қатъи назар мактабларга, университетларга, музейларга ва бошқа маҳаллий ҳамда миллий таълим муассасаларига қатнашиш орқали ҳар бир тингловчига мослаштирилган турли хил ўқув мухитлари орқали Умумжаҳон меросига алоқадор таълимга оид сифатли тадбирларни ривожлантиришга чакирилади.
228. Котибият ЮНЕСКОнинг таълим сектори ва бошқа ҳамкорлари билан биргаликда дунё бўйича ўрта таълим мактабларида фойдаланиш учун "Умумжаҳон мероси ёшлар қўлида" деб номланган Умумжаҳон Мероси ҳақида таълим берувчи қўлланма ишлаб чиқади ва нашр қиласди. Ушбу қўлланма бошқа таълим босқичларида ҳам кўллаш учун мослаштирилиши мумкин.
229. Хабардорликни ошириш ҳамда таълим тадбирлари ва дастурларини такомиллаштириш мақсадида иштирокчи давлатлар томонидан Умумжаҳон мероси Фондидан халқаро ёрдам талаб қилиниши мумкин (қаранг: VII боб).

"Умумжаҳон мероси ёшлар қўлида" куйидаги веб-манзилда кўрсатилган
<http://whc.unesco.org/education/index.htm>

Умумжаҳон мероси
конвенцияси 15-модда

VII УМУМЖАҲОН МЕРОСИ ФОНДИ ВА ХАЛҚАРО ЁРДАМ

VII.A Умумжаҳон мероси фонди

230. Умумжаҳон мероси фонди мақсадли фонд бўлиб, *Конвенция* томонидан ЮНЕСКОнинг молиявий регламентига мувофиқ тузилган. Фонднинг маблағлари иштирокчи давлатларнинг *Конвенцияга* мажбурий ҳамда ихтиёрий тўловлари ва Фонднинг регламентида кўрсатилган бошқа манбалардан ташкил топган.
231. Фонд учун молиявий қоидалар куйидаги веб-сайтдаги WHC/7 хужжатида жойлаштирилган:
<http://whc.unesco.org/en/financialregulations>

VII.B Умумжаҳон Мероси Конвенциясини қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқа техник ва молиявий манбаларни сафарбар қилиш ҳамда ҳамкорлик ўрнатиш.

232. Умумжаҳон мероси Фондидан имкон қадар бошқа манбалардан халқаро ёрдам учун қўшимча маблағларни сафарбар қилиш мақсадида фойдаланилиши лозим.
233. Кўмита халқаро кўмак учун уюштириладиган саёҳатлар ва Умумжаҳон Мероси рўйхатига киритилган ҳар қандай обьект учун, ЮНЕСКОнинг бошқа лойихалари учун, Умумжаҳон мероси фондига ҳисса қўшиш учун билдирилган таклифлар қабул қилиниши ва *Конвенциянинг V бобига* мувофиқ халқаро ёрдам сифатида ҳамда саёҳат ёки лойихани амалга оширишга доир тасдиқланган усууллар билан уйғун ҳолда фойдаланилиши лозим.

Умумжаҳон мероси
Конвенциясининг 27.2-
моддаси

- 234.** Иштирокчи давлатлар Умумжаҳон мероси Фондига тўланадиган мажбурий бадалларга кўшимча сифатида *Конвенцияга* кўмак беришга чақирилади. Ушбу ихтиёрий кўмак Умумжаҳон мероси Фондига кўшимча ёрдам бериш ёки обьектларга тўғридан-тўғри молиявий ва техник ҳисса қўшиш орқали амалга оширилиши мумкин.
- 235.** Иштирокчи давлатлар ЮНЕСКО томонидан ташкил қилинадиган ва Умумжаҳон меросини муҳофаза қилишга бағищланган маблағ йигиш саёҳатларида қатнашишга чақирилади.
- 236.** Мазкур саёҳатларга ёки Умумжаҳон мероси обьектлари учун ЮНЕСКОнинг бошқа лойиҳаларига ҳисса қўшишни мўлжаллаётган иштирокчи давлатлар ва бошқа субъектлар ўз хиссаларини Умумжаҳон мероси Фонди орқали амалга оширишга чақирилади.
- 237.** Иштирокчи давлатлар Умумжаҳон меросини сақлаш ҳаракатларига кўмаклашиш учун маблағ йигишга мўлжалланган миллий, оммавий ва хусусий ташкилотлар ва ассоциацияларнинг ташкил этилишини қўллаб-куватлашга чақирилади.
- 238.** Котибият Умумжаҳон меросини сақлаш учун молиявий ва техник ресурсларни жалб қилишда кўмак беради ва ресурсларни жалб қилишда фаол иштирок этади. Шу мақсадда Котибият Умумжаҳон мероси Қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва қўлланмаларга ва ЮНЕСКОнинг регламентига асосан оммавий ва хусусий институтлар билан ҳамкорликни ривожлантиради.

239.

- 240.** Умумжаҳон мероси Фонди учун ташкил маблағларни жалб қилишни бошқариш учун Котибият ЮНЕСКОнинг “Муқаммал ҳамкорлик стратегияси”га амал қилиши лозим. Ушбу ҳужжат қўйидаги веб-сайтда кўрсатилган:

<http://en.unesco.org/partnerships>.

Умумжаҳон мероси
Конвенциясининг 17-моддаси.

“Индивидуал категориядаги шериклар билан машғулот ўтказишнинг алоҳида стратегиялари”ни қамраб оловчи “Муқаммал шериклик стратегияси” 192 EX/5.INF 30-сон қарор СОМ 13.13

VII.C Халқаро ёрдам

- 241.** *Конвенция* иштирокчи давлатларга уларнинг худудида жойлашган Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ёки киритиш учун мос келувчи Умумжаҳон маданий ва табиий мероси обьектларини муҳофаза қилиш учун халқаро ёрдам кўрсатади. Агар етарли миқдордаги ресурсларни миллий даражада муҳофаза қилишининг имкони бўлмаса, халқаро ёрдам Умумжаҳон мероси ва Дастробки Рўйхатга киритилган обьектларни сақлаш ва бошқаришга қаратилган миллий ҳаракатларга қўшимча бўлади.
- 242.** Халқаро ёрдам биринчи навбатда Умумжаҳон мероси *Конвенцияси асосида* ташкил этилган Умумжаҳон мероси Фонди орқали маблағ билан таъминланади. Қўмита Халқаро ёрдам бюджетини икки йиллик давр учун тасдиқлайди.
- 243.** Умумжаҳон мероси Қўмитаси иштирокчи давлатларнинг талабига биноан халқаро ёрдам турларини мувофиқлаштиради ва тақсимлайди. Халқаро ёрдамнинг ушбу турлари муҳимлигига кўра навбат асосида қўйидаги хулоса жадвалида кўрсатилган:

Умумжаҳон мероси
Конвенциясининг 15(3)-
моддаси

- a) Фавқулодда вазият содир бўлганида кўрсатиладиган ёрдам;
- b) Сақлаш ва бошқариш борасида кўрсатиладиган ёрдам (малака ошириш ва тадқиқот ўтказиш, техник ҳамкорлик ҳамда оммалаштириш ва ўқитиш борасидаги ёрдамни ўз ичига олади);
- c) Тайёргарлик кўриш борасида кўрсатиладиган ёрдам.

VII.D Халқаро ёрдам тамойиллари ва устуворлиги

244. Устунлик асосий эътибор хавф остида қолган Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектлар учун кўрсатиладиган халқаро ёрдамга берилади. Кўмита Умумжаҳон мероси Фондининг катта қисмини хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектлар учун тақсимланишини таъминлаш мақсадида маҳсус бюджет тармоғини шакллантирган.
245. Умумжаҳон мероси Фондига мажбурий ёки ихтиёрий бадалларни тўламаган иштирокчи давлатларга халқаро ёрдам кўрсатилмайди. Бироқ, ушбу талаб фавқулодда вазиятда амалга ошириладиган мурожаатга нисбатан қўлланилмайди.
246. Шунингдек, Кўмита ўзининг стратегик мақсадларини таъминлаш учун қарорлари ва даврий ҳисботларга асосан қабул қилинган худудий дастурларида кўрсатилган устунлик асосида халқаро ёрдамни тақсимлайди (қаранг: 210-банд).
247. 236-238 бандларда кўрсатилган устунлик мезонларига қўшимча сифатида халқаро ёрдам кўрсатилиши учун Кўмитанинг қарорларига кўйидаги омиллар ҳам таъсир этади:
 - a) ёрдамнинг каталитик ёки кўп қисми таъсир ўтказиш (“биринчи капитал”) ва бошқа ресурслардан молиявий ва техник ҳисса қўшилишига қўмаклашиш эҳтимолининг мавжудлиги;
 - b) агар мавжуд маблағлар чегараланган ва қарор қабул қилиш лозим бўлса, куйидагиларга устунлик берилади:
 - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва ижтимоий Кенгашининг тараққиёт соҳасидаги сиёсат бўйича Кўмитаси томонидан ривожланиши энг паст даражадаги ёки иқтисодий жихатдан даромади кам деб баҳоланган давлатга, ёки
 - Жаҳон банки томонидан даромади ўртачадан кам деб топилган давлатга, ёки
 - Ривожланаётган кичкина орол давлатга (SIDS), ёки
 - Постконфликт ҳолатида бўлган иштирокчи давлатга.
 - c) Умумжаҳон мероси обьектларига нисбатан муҳофаза чораларни шошилинч қўллаш лозимлиги;
 - d) ушбу лойиҳа доирасида ёрдам олувчи иштирокчи давлатларнинг юридик, маъмурий ва агар лозим бўлса, молиявий мажбуриятлари;

- e) лойиҳанинг Кўмита томонидан қабул қилинган стратегик мақсадларни ривожлантиришга таъсири ёки Кўмита томонидан қабул қилинган ҳаракатларни амалга оширишга таъсири, масалан, Барқарор ривожланиш истиқболи Умумжаҳон мероси Конвенцияси жараёнларига интеграциялаш бўйича ҳаракат ҳужжати ёки Умумжаҳон мероси объектларига иқлим ўзгаришининг таъсири бўйича ҳаракат ҳужжати;
- f) Тезкор мониторинг жараёни ва/ёки худудий Даврий ҳисботларнинг таҳлили натижасида аниқланган эҳтиёжларга нисбатан лойиҳанинг мувофиқлиги даражаси;
- g) Миллий тадқиқот ва мақбул нарҳдаги сақлаш мезонларининг ривожланиши учун лойиҳанинг намунавий қиймати;
- h) лойиҳанинг баҳоси ва кутилаётган натижалар;
- i) ҳам мутахассислар малакасини ошириш, ҳам умумий аҳоли учун таълим қиймати; ва
- j) лойиҳанинг инклузив хусусияти, хусусан, гендер тенглиги ва маҳаллий жамоалар ва маҳаллий аҳолининг иштироки.

248. Маданий ва табиий мерос орасида ҳамда сақлаш, бошқариш ва тайёргарлик кўриш бўйича ёрдам кўрсатиш борасида ресурсларни тўғри тақсимлаш учун мувозанат сақланади. Мазкур мувозанат Кўмита томонидан доимий равишда кўриб чиқилади ва ҳар икки йиллик даврнинг иккинчи йилида Раис ёки Умумжаҳон мероси Кўмитаси томонидан қабул қилинади.

VII.Е Хулоса жадвали

249.

Халкаро ёрдам шакли	Мақсади	Ҳар бир талаф учун бюджетнинг чегаравий миқдори	Талабни киритишнинг охирги муддати	Тасдиқловчи орган
Фавқулодда вазият содир бўлганида кўрсатиладиган ёрдам	Ушбу ёрдам хавф остидаги Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлар ёки жиддий зарар етган ёхуд тўсатдан содир бўлган, кутилмаган ҳодиса оқибатида жиддий зарар етиши мумкин бўлган Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларга хавф соловчи мукаррар ёки потенциал хавфларнинг олдини олиш учун талаб қилиниши мумкин. Мазкур ҳодисага ернинг чўкиши, улкан ёнгиллар, портлашлар, сув тошқинлари ёки инсоният томонидан етказилиладиган оғатларни (урушлар) ўз ичига олади. Ушбу ёрдам аста-секин бузилиш, ифлосланиш ёки эрозия оқибатида вужудга келган хавф ёки ёмонлашиб ҳолатига татбиқ этилмайди. Умумжаҳон мероси объекти сакланишига қатъий боғлиқ бўлган фавқулодда ҳолатларга каратилган (каранг: 28-қарор СОМ 10B 2.c). У, агар лозим бўлса, биргина иштирокчи давлатнинг бирдан ортиқ Умумжаҳон мероси объектларига каратилиши мумкин (каранг: Қарор 6 EXT. СОМ 15.2). Бюджетнинг чегаравий миқдорлари битта Умумжаҳон мероси объектига боғлиқ бўлади.	5.000 АҚШ \$ гача 5.001 дан 75.000 АҚШ \$ гача 75.000 АҚШ \$ дан ортиқ	исталган вактда исталган вактда исталган вактда	Умумжаҳон мероси маркази директори Кўмитанинг раиси Жами халкаро ёрдам бюджетнинг бўғозиши маданий Кўмита объектлар учун 35 фоизи табиий мажлисидан объектлар учун ажратилади олдин 31-сон қарор СОМ 18В 36-сон қарор СОМ 13.I 37-сон қарор СОМ 12 II

Халкар ёрдам шакли	Мақсади	Хар бир талаб учун бюджетнинг чегаравий мидори	Талабни киритишнинг охирги муддати	Тасдиқловчи орган
	<p>Ёрдам қуйидагилар учун талаб қилиниши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> (i) Объектни муҳофаза қилиш мақсадида фавқулодда чоралар кўриш учун; (ii) Объектга оид фавқулодда режа ишлаб чиқиш учун. 			
Тайёргарлик кўриш борасида кўрсатиладиган ёрдам	<p>Мазкур ёрдам қуйидаги холатларда талаб қилиниши мумкин (устунлик даражасига қараб):</p> <ul style="list-style-type: none"> (i) Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиш учун муносиб объектларнинг миллий Дастлабки Рўйхатларини тайёрлаш ёки янгилаш; Иштироқчи давлатдан мазкур рўйхатлардан биринчи навбатда тасдиқланган тематик хуносаларда кўрсатилган, Консультатив органлар томонидан рўйхатдаги бўшликларни тўлдириш максадида, тематик ўрганишлар ўтказилган объектларни номинация қилиш талаб этилади; (ii) Бир хил гео-маданий ҳудудларда миллий Дастлабки Рўйхатларни уйгунлаштириш учун ийгинлар ташкил қилиш; (iii) Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун Консультатив органлар томонидан амалга оширилган бўшликларни ўрганиш дoriасидаги тахлилларни ўз ичига олувчи номинацияларни тайёрлаш (асосий маълумотни ийғиши, Умумжаҳон мислсиз қийматини намойиш қилиш учун бутунлик ва ҳакиқийлик, бошқа объектларга нисбатан қиёсий тадқиқотларни ўз ичига олувчи потенциал тадқиқотларни камраб олиш каби тайёргарлик ишларини ўз ичига олади (каранг: 5-илованинг 3.2-кисми). Устунлик рўйхатдаги бўшликларни тўлдириш учун тайёрланган, тасдиқланган тематик хуносаларда кўрсатилган объектларга ва/ёки дастлабки ўрганиш жараённида кейинчалик амалга ошириладиган ўрганишлар ўзини оқлаши маъдум бўлган, хусусан, объектлари тўлиқ тақдим қилинмаган иштироқчи давлатларнинг объектларига берилади. (iv) Умумжаҳон Мероси Кўмитаси томонидан кўриб чиқилиши учун саклаш ва бошқариш борасида кўмак берилиши юзасидан талабларни тайёрлаш. 	<p>5.000 АҚШ \$ гача</p> <p>5.001 дан 30.000 АҚШ \$ гача</p>	<p>исталган вактда</p> <p>31 октябрь</p>	<p>Умумжаҳон мероси маркази директори</p> <p>Кўмитанинг раиси</p>
Сақлаш ва бошқариш борасида кўрсатиладиган ёрдам (малака ошириш ва тадқиқот ўтказиш, техник ҳамкорлик ҳамда оммалаштириш)	<p>Ушбу ёрдам қуйидагилар учун талаб қилиниши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> (i) Умумжаҳон Меросини аниқлаш, мониторинг қилиш, сақлаш, бошқариш ва тақдим қилиш борасида, гурух қилиб ўқитишга таянган ҳолда, ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш; (ii) Умумжаҳон мероси объектларининг фойдаси учун илмий тадқиқотлар ўтказиш; 	<p>Факат (i) - (vi) – бандларга мос келувчи талаблар учун:</p> <p>5.000 АҚШ \$ гача</p>	<p>Факат (i) - (vi) – бандларга мос келувчи талаблар учун:</p> <p>исталган вактда</p>	<p>Факат (i) - (vi) – бандларга мос келувчи талаблар учун:</p> <p>Умумжаҳон мероси Кўмитасининг</p>

Халкар ёрдам шакли	Максади	Хар бир талаб учун бюджетнинг чегаравий миндори	Талабни киритишнинг охирги муддати	Тасдиқловчи орган
ва ўқитиш борасидаги ёрдамни ўз ичига олади)	<p>(iii) Умумжаҳон Мероси обьектларини муҳофаза қилиш бўйича миллӣ сиёsat ёки қонуний асосларни яратиш/қайта кўриб чиқиши.</p> <p>Изоҳ: ЮНЕСКО томонидан индивидуал ўргатиш курсларини маблаг билан таъминлаш учун талаблар Котибиятдан олиш мумкин бўлган стандарт “Стипендия учун ариза” шаклда киритилиши лозим.</p> <p>(iv) Саклаш учун мутахассислар, техник ва малакали ходимларнинг таъминоти ҳамда ҳавф остидаги Умумжаҳон Мероси рўйхати ва Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектларни намойиш қилиш;</p> <p>(v) ҳавф остидаги Умумжаҳон Мероси рўйхати ва Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектларни сақлаш, бошқариш ва намойиш қилиш учун иштирокчи давлат томонидан талаб қилинган жиҳозлар билан таъминлаш;</p> <p>(vi) ҳавф остидаги Умумжаҳон Мероси рўйхати ва Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектларни сақлаш, бошқариш ва намойиш қилиш ишларини амалга ошириш борасида узок муддатда қайтариш шарти билан бегараз ёки кам фоизли қарзлар бериш.</p> <p>(vii) Қўйидагиларни амалга ошириш мумкин бўлган ҳудудий ва ҳалкар даражадаги дастурлар, тадбирлар ва йигинларни ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Қайси ҳудуд бўлишидан катъи назар Конвенцияга нисбатан кизикиш ўйготиша ёрдам бериш; - Конвенциянинг бажарилишида кўпроқ фаол қатнашишини таъминлаши максадида унинг бажарилишига оид турли хил масалалар ҳакида хабардорликни ошириш; - Тажриба алмашиш воситаси бўлиш; - Умумжаҳон мероси сақланиши учун биргаликдаги таълим, хабардорликни ошириш ва ривожлантириш бўйича, айниқса ёшлар иштирокидаги дастурлар ва тадбирларни жонлантириш. <p>(viii) Миллӣ даражада қўйидагилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Конвенцияни, айниқса ёшлар ўртасида янада танитиш унун, ёки Конвенциянинг 17-моддасига кўра миллӣ Умумжаҳон мероси ассоциацияларини яратиш учун ташкил қилинган йигинлар; 	<p>5.001 дан 30.000 АҚШ \$ гача</p> <p>30.000 \$ дан кўп.</p> <p>Факат (vii ва viii) бандларга мос келувчи талаблар учун: 5.000 АҚШ \$ гача</p> <p>5.001 дан 10.000 АҚШ \$ гача</p>	<p>31 октябрь</p> <p>31 октябрь</p> <p>Факат (vii ва viii) бандларга мос келувчи талаблар учун: 31 октябрь</p>	<p>Директори</p> <p>Кўмита бошлиги</p> <p>Кўмита</p> <p>Факат (vii ва viii) бандларга мос келувчи талаблар учун: Умумжаҳон мероси маркази директори</p> <p>Хар қандай вактда</p> <p>Кўмита раиси</p>

Халқаро ёрдам шакли	Мақсади	Хар бир талаб учун бюджетнинг чегаравий миқдори	Талабни киритишнинг охирги муддати	Тасдиқловчи орган
	<ul style="list-style-type: none"> - Аниқ бир объект ёки ёш аҳолини рағбатлантириш эмас, балки <i>Конвенция ва Умумжаҳон мероси Рўйхатини умумий ривожлантириш</i> учун таълим ва хабар бериш материалларини (брошурулар, нашрлар, кўргазмалар, фильмлар, мультимедия воситалари шулар жумласидан) тайёрлаш ва муҳокама қилиш. 			

VII.F Жараён ва шакл

- 250.** Барча иштирокчи давлатлар халқаро ёрдам учун мурожаат киритища концептуаллаштириш, режалаштириш ва ҳар бир талабни пухталик билан ишлаб чиқишида Котибият ва Консультатив органлар билан маслаҳатлашиши лозим. Иштирокчи давлатлар ишини енгиллаштириш мақсадида, халқаро ёрдам учун муваффақиятли амалга оширилган мурожаатлар намуналари талабга асосан тақдим қилиниши мумкин.
- 251.** Халқаро ёрдам учун мурожаат намунаси 8-иловада ва муржаатни киритиш турлари, миқдорлари, санаси ҳамда мурожаатни кўриб чиқиши учун масъул органлар VII.E-бобда кўрсатилган.
- 252.** Мурожаат инглиз ва француз тилларида киритилиши, мажбурий тартибда имзоланиши ва ЮНЕСКОнинг Миллий Комиссияси, Иштирокчи давлатнинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий делегацияси ва/ёки тегишли давлат бошқармаси ёки вазирлик томонидан қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси UNESCO World Heritage Centre маркази
 7, place de Fontenoy
 7, Плас де Фонтенуа 75352 Paris 07 SP
 75352 Париж 07 SP France
 Франция Tel: +33 (0) 1 4568 12 76
 Телефон: +33 (0) 1 4568 1276 E-mail: wh-
 E-mail: wh-intassistance@unesco.org
 intassistance@unesco.org

- 253.** Халқаро ёрдам учун мурожаатлар иширокчи давлат томонидан электрон почта орқали киритилиши мумкин, бироқ расман имзоланганд қоғоз шаклидаги нусха билан бирга тақдим қилиниши ёки қўйидаги манзилда жойлашган Умумжаҳон мероси маркази веб-сайтининг онлайн шаклидан фойдаланган ҳолда тўлдирилиши лозим: <http://whc.unesco.org>
- 254.** Мазкур мурожаат шаклида талаб қилинган барча маълумотлар кўрсатилиши мухимдир. Агар тўғри ва лозим бўлса, мурожаатлар қўшимча маълумотлар, ҳисоботлар ва бошқалар билан тўлдирилиши мумкин.

VII.G Халқаро ёрдам мурожаатларини баҳолаш ва тасдиқлаш.

- 255.** Мурожаатлар түлиқ бўлса, барча мурожаатлар сўралган миқдордан қатъи назар, Котибият томонидан баҳоланади. Бундан ташқари, бюджети 30 000 АҚШ долларидан юқори бўлган мурожаатлар куйидагича баҳоланади:
- 256.** а) маданий мерос (барча ёрдам турлари) учун (тайёргарлик ёрдамидан ташқари барча турдаги ёрдам) барча мурожаатлар ИКОМОС ва ИККРОМ томонидан баҳоланади.
- 257.** б) табиий меросга халқаро ёрдам учун барча мурожаатлар IUCN томонидан баҳоланади.
- 258.** с) аралаш меросга халқаро ёрдам учун барча мурожаатлар (тайёргарлик ёрдамидан ташқари барча турдаги ёрдам) ИКОМОС, ИККРОМ ва IUCN томонидан баҳоланади.
- 259.** Фавқулодда вазиятларда мурожаатлар Котибият томонидан 10 кун ичида кўриб чиқилади.
- 260.** Зарур бўлганда, Котибият 30000 АҚШ долларидан кам бўлмаган мурожаатларни баҳолаш учун маслаҳат органлари билан маслаҳатлашиши мумкин.
- 261.** Бир ёки бир нечта маслаҳатчи органларнинг иштироқини талаб қиласиган барча мурожаатлар бўйича ИКОМОС, IUCN ва ИККРОМ иштироқида маслаҳат берилади.
- 262.** ўчирилди
- 263.** ўчирилди
- 264.** .
- 265.** Консультатив органлар томонидан қўлланилган баҳолаш мезонлари 9-иловада белгиланган.
- 266.** Умумжаҳон мероси марказининг минтақавий бўлинмалари ва маслаҳат органлари вакиллари ва агар иложи бўлса, Умумжаҳон мероси Қўмитаси раиси ёки кузатувчи сифатида раис томонидан тайинланган шахслардан ташкил топган ҳайъат йилига бир ёки икки марта йигилиб, фавқулодда вазиятлардан ташқари 5000 АҚШ долларидан кўпроқ маблағ талаб қиласиган мурожаатларни кўриб чиқади ҳамда раис ва/ёки қўмитага тавсиялар беради.
- 267.** Қўмита раиси ўзининг давлати томонидан тақдим қилинган мурожаатларни кўриб чиқишига ҳақли эмас. Ушбу ўрганиш Қўмита томонидан амалга оширилади.

13-сон қарор СОМ XII.34
31-сон қарор СОМ 18В

31-сон қарор СОМ 18В

31-сон қарор СОМ 18В

31-сон қарор СОМ 18В

- 268.** Микдори 5000 АҚШ долларидан ортиқ бўлган тайёргарлик кўриш учун кўрсатиладиган ёрдамлар ёки сақлаш ва бошқариш бўйича бериладиган ёрдамлар учун мурожаатлар Котибият томонидан **31 октябрь** кунига кадар кабул қилиниши лозим. Тўлиқ бўлмаган мурожаат шакллари **30 ноябрга** қадар қайта тақдим қилинмаса, кейинги циклда киритилиши учун иштирокчи давлатларга қайтарилади. Тўлиқ мурожаат шакллари Котибият ва Консультатив органлардан ташкил топган биринчи гурӯҳ томонидан январь ойида ўтказиладиган йигилишда муҳокама қилинади. Гурӯҳ томонидан салбий ёки Кўмита раиси ёки Кўмитага қарор қабул қилиш учун киритилади. Гурӯхнинг иккинчи йигилиши биринчи йигилишдан сўнг қайта ишланган мурожаатлар учун Кўмита сессиясидан камида 8 ҳафта олдин ўтказилади. Жиддий тафтиш учун қайтарилган мурожаатлар гурӯҳ томонидан уларни қабул қилиш санасига асосан ўрганилади. Гурӯҳ томонидан факат минимал тафтишни талаб қиласиган ва бошқа ўрганишни талаб қиласиган мурожаатлар биринчи марта ўрганилганидан сўнг бир йил ичидаги қайта топширилиши керак; бошқа ҳолатда улар кейинги гурӯхга қайта юборилади. Мурожаатларни киритиш жараёни ёритилган жадвал 8-иловада келтирилган.

31-сон қарор СОМ 18.В

VII.Н Шартомавий келишувлар

- 269.** Келишувлар ЮНЕСКО ҳамда тегишли иштирокчи давлат ёки унинг вакили (вакиллари) ўргасида ЮНЕСКОнинг тартиб-қоидаларига мувофиқ тасдиқланган халқаро ёрдам бажарилиши учун, шунингдек, биринчи тасдиқланган мурожаатда кўрсатилган иш режа ва бюджет режасини тузиш асосида ташкил қилинган.

VII.I Баҳолаш ва халқаро ёрдам асосида фаолият юритиш

- 270.** Халқаро ёрдам учун мурожаатларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тегишли тадбирлар амалга оширилганидан сўнг 3 ой ичидаги ўтказилади. Мазкур баҳолаш жараёнининг натижалари Консультатив органлар билан ҳамкорликда Котибият томонидан тартибга солинади ва сақланади ҳамда Кўмита томонидан доимий равишда ўрганилади.
- 271.** Кўмита халқаро ёрдамнинг самарадорлигини баҳолаш ва унинг устунлик тарафларини қайта кўриб чиқиши учун халқаро ёрдамнинг бажарилиши, баҳоланиши ва унга риоя этилишини ўрганади.

VIII УМУМЖАХОН МЕРОСИ НИШОНИ

VIII.A Кириш.

272. Кўмита ўзининг иккинчи сессиясида (Вашингтон, 1978 й.) Мишель Олифнинг лойиҳаси асосида Умумжахон мероси нишонини тасдиқлади. Мазкур нишон маданий ва табиий обьектларнинг бирбирига боғлиқлигини ифодалайди: марказдаги тўртбурчак белги инсоният ижоди маҳсулини ва доира шакли табиатни, иккита бирбирига узвий боғлиқ қисмларни ифодалайди. Нишон дунё каби айлана кўринишида ва бир вақтнинг ўзида муҳофаза тимсолидир. У Конвенция тимсоли хисобланиб, Иштирокчи давлатларнинг Конвенцияга содиклигини ифодалайди ҳамда Умумжахон мероси рўйхатига киритилган обьектларни аниқлашга хизмат қиласи. У жамоатчиликни Конвенция ҳақида ҳабардор қилиш билан боғлиқ бўлиб, ўзида Конвенциянинг ишончлилиги ва обрўсини намоён этади. Бироқ, биринчи навбатда, у Конвенция томондан муҳофаза килинадиган умумжахон қийматларининг ифодаси хисобланади.
273. Кўмитанинг қарорига асосан ижодкор томонидан таклиф қилинган нишон қўлланилиши, техник имкониятлари ва санъаткорона қарашларга кўра ҳар қандай рангда ёки ҳажмда қўлланилиши мумкин. Нишон ҳар доим "WORLD HERITAGE. PATRIMOINE MONDIAL" ёзувига эга бўлиши керак. "PATRIMONIO MUNDIAL" ёзуви билан эгалланган қисми Нишон қўлланиладиган давлатнинг миллий тилига таржима қилиниши мумкин. *a*



274. Нишоннинг нотўғри қўлланилиши олдини олиш, унинг кўринишини ошириш орқали фойдасини мустаҳкамлаш мақсадида, Кўмита ўзининг 22-сессиясида (Киото, 1998 й.) кўйидаги бандларда кўрсатилгани каби "Умумжахон мероси нишонини қўллаш қоидалари ва тамойиллари"ни тасдиқлади. Шунингдек, "Фойдаланиш жадвали" ҳам (14-илова) бу тўғрида қўшимча йўл-йўрик, тушинтиришлар беради.

275. Нишон Умумжаҳон мероси Конвенциясида қайд этилмаган бўлса ҳам 1978 йилда тасдиқланганидан буён унинг қўлланилиши *Конвенция* томонидан муҳофаза қилинадиган ва Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларни аниқлаш учун Кўмита томонидан қўллаб-куватланади.

276. Умумжаҳон мероси Кўмитаси умумжаҳон мероси нишони қўлланилиши бўйича қарор қабул қилиш ҳамда уни қандай тартибда қўллаш бўйича қоидаларни тасдиқлаш учун масъулдир. 2007 йилнинг октябрь ойида *ЮНЕСКОнинг Умумий Конференциясида ном, қисқартма, логотип ва интернет домен номларининг қўлланилиши бўйича буйруқлари*¹⁴ қабул қилинганидан буён қаерда бўлса ҳам Умумжаҳон мероси нишони ЮНЕСКОнинг логотипи билан биргаликда, логотипнинг бир бўлаги сифатида жиддий қўллаб-куватланади. Мазкур *Амалий қўлланмалар* ва фойдаланиш жадвали билан бирга Умумжаҳон мероси нишонини ёлғиз қўллаш мумкинлиги сақланиб қолинади (14-илова).

277. Кўмита томонидан унинг 26 сессиясида талаб қилингани каби (Будапешт, 2002 й.), Умумжаҳон мероси нишони уни ўраб турган ёзув билан ёки ёзувсиз 1883 йилда қабул қилинган ва Стокгольмда 1967 йилда такомиллаштирилган Индустрисал объектларни муҳофаза қилиш бўйича Париж *Конвенциясининг* б-моддасига кўра эълон қилинган ва 2003 йил 21 майда қабул қилинган. Шу боис, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси нишонини у ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси *Конвенцияси* билан соҳта равишда алоқани билдирса, ёки бошқа ҳар қандай тахқирловчи фойдаланишининг олдини олиш бўйича Париж *Конвенциясига* аъзо давлатлар ички тизими учун манбаси мавжуд ҳисобланади.

26-сон қарор СОМ 15

39-сон қарор СОМ 11

39-сон қарор СОМ 11

278. Шунингдек, нишоннинг у алоқадор маҳсулотларнинг бозор қийматини ошириш учун қўлланилиши мумкин бўлган, маблағ йиғиш имконияти ҳам мавжуд. *Конвенциянинг* кейинги мақсадлари учун ва бутун жаҳонда *Конвенция* тўғрисидаги билимларни ошириш ҳамда унинг нотўғри, мақсадсиз ва рухсатсиз фойда олиш ёки бошқа мақсадларда тахқирланишининг олдиниш олиш учун нишоннинг қўлланилиши орасида мувозанат керак бўлади.

39-сон қарор СОМ 11

279. Нишонни қўллаш бўйича қоидалар ва принциплар ҳамда сифатни назорат қилиш усуслари тараққиёт йўлидаги ҳамкорликка тўсиқ бўлмаслиги лозим. Нишонни ўрганиш ва қўллаш юзасидан қарор қабул қилишга маъсул органлар ўзларининг қарорларини қабул қилишда қўйида келтирилган ва фойдаланиш жадвалида кўрсатилган параметрларга асосланиши мумкин (14-илова).

VIII.B Қўлланилиш доираси

39-сон қарор СОМ 11

280. Қўйида келтирилган Қоидалар ва Принциплар қўйидаги ташкилотлар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган барча вариантларни қамраб олади:

¹⁴ ЮНЕСКОнинг ном, қисқартма, логотип ва интернет домен номларининг қўлланилиши бўйича буйруқларинг энг охирги версияси Бош Конференциянинг 34-сессиясида қабул қилинган 86-сон қарорнинг иловасида (34 C/Resolution 86) ёки <http://unesdoc.unesco.org/images/0015/001560/156046e.pdf> веб-манзилида) кўрсатилган.

- a) Умумжаҳон мероси маркази;
- b) ЮНЕСКОнинг нашриёт бўлими ва бошқа бўлимлари;
- c) Ҳар бир иштирокчи давлатда *Конвенциянинг* бажарилишига масъул бўлган агентликлар ва миллий комиссиялар;
- d) Умумжаҳон мероси объектлари;
- e) Бошқа иштирокчилар, айниқса, асосан тижорат мақсадларида фаолият юритувчи ташкилотлар.

VIII.C Иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари

281. *Конвенцияга* иштирокчи давлатлар ўзларининг давлатлари худудидаги ҳар қандай гурух томонидан ёки Қўмита томонидан тўғридан-тўғри рухсат берилмаган ҳар қандай мақсадлар учун Нишондан фойдаланишнинг олдини олиши лозим. Ушбу мақсадда Иштирокчи давлатлар миллий қонунчилигидан, товар белгиси тўғрисидаги конунлардан тўлиқ фойдаланиши мумкин.

VIII.D Умумжаҳон мероси нишонининг тўғри қўлланилишини кучайтириш

282. Умумжаҳон меросига киритилган объектлар ЮНЕСКОнинг логотипи билан биргалиқда мазкур нишон билан ҳам белгиланиши лозим. Улар объектнинг ташки қўринишига таъсир қилмайдиган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Объектларнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилганлигини эслатиб туриши учун ёзув тахтачаларини ўрнатиш.

283. Объект Умумжаҳон мероси рўйхатига критилганидан сўнг, у рўйхатга киритилганлигини эслатиб туриши учун иштирокчи давлат имконият туғилиши билан унга ёзув тахтачасини ўрнатади. Ушбу ёзув тахтачалари алоқадор давлат аҳолисини ва хорижлик ташриф буюрувчиларни улар ташриф буюрган объект халқаро уюшма томонидан тан олинган алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан хабар беради. Бошқача сўз билан айтганда, мазкур объектнинг ўзига хослиги ва нафақат бир миллатнинг, балки бутун жаҳоннинг қизиқишини акс эттиришини билдиради. Бундан ташқари, ушбу ёзув тахтачаларининг кенг жамоатчиликни Умумжаҳон мероси Конвенцияси ёки энг камида Умумжаҳон мероси концепцияси ва Умумжаҳон мероси рўйхати хақида хабардор қилиш каби кўйшимча функцияси ҳам мавжуд.

284. Қўмита ёзув тахтачаларини ишлаб чиқариш учун қуйидаги қўлланмаларни тасдиқлади:

- a) Ёзув тахтачаси ташриф буюрувчиларга кўриш осон бўлган жойларга ўрнатилиши ҳамда объектнинг қўринишига таъсир этмаслиги керак;
- b) Умумжаҳон мероси нишони ёзув тахтачасида акс этиши лозим;

- c) Ёзув объектнинг умумжаҳон мислсиз қийматига эга эканлигини кўрсатиши керак; ушбу ҳолатда, ёзув таҳтасида объектнинг мислсизлигини англатувчи қисқача тавсифининг келтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Иштирокчи давлатлар, ўз хоҳишларига кўра, турли Умумжаҳон мероси нашрларида ёки кўргазмаларида келтирилган ҳамда Котибиятдан олиниши мумкин бўлган тавсифлардан фойдаланишлари мумкин;
- d) Ёзувда Умумжасон Мероси Конвенцияси ва хусусан Умумжаҳон мероси рўйхати ҳамда рўйхатга киритилиши давомида билдирилган ҳалқаро эътироф кўрсатиши лозим (бирок, объект Кўмитанинг қайси сессиясида рўйхатга киритилганини таъкидлаш шарт эмас); кўплаб хорижий ташриф буюрувчиларни қабул қиласиган объектлар учун ёзувларни турли тилларга таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

285. Кўмита қўйидаги ёзувни мисол тариқасида таклиф этади:

“(Объектнинг номи) Умумжасон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилишига қаратилган Конвенциянинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Маданий ёки табиий объектнинг мазкур рўйхатга киритилиши унинг Умумжаҳон мислсиз қийматига эга эканлигини ҳамда бутун инсоният манфаати учун муҳофаза қилиниши лозимлигини билдиради.”

- 286.** Мазкур ёзувдан сўнг объектнинг қисқача тавсифи келтирилиши мумкин.
- 287.** Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари Нишонни хужжатларнинг бланкаларида, брошюраларда ва ходимларнинг униформаларида акс эттириш орқали Умумжаҳон мероси объектларида нишоннинг кенг кўламда фойдаланишини кўллаб-куватлашлари керак.
- 288.** Умумжасон мероси Конвенцияси ва Умумжаҳон мероси объектларига тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш хуқуқига эга учинчи шахслар нишоннинг тўғри тасвирланишини таъминлашлари лозим. Улар тегишли маҳсулот учун бошқача Нишон ёки логотип яратишдан сақланишлари керак.

39-сон қарор СОМ 11

VIII.Е Умумжаҳон мероси Нишонидан фойдаланиш тамойиллари

- 289.** Бундан буён масъул органлардан Нишондан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилишда қўйидаги тамойилларга амал қилиш талаб этилади:
 - a) Конвенцияни кўллаб-куватлаш мақсадида Нишон Конвенциянинг фаолияти билан юқори даражада боғлиқ бўлган барча дастурлар учун кўлланиши, у техник ва хуқукий жиҳатдан аллақачон максимал маъқулланган ва тасдиқланган даражада бўлиши лозим.

- b) Нишоннинг қўлланилишини маъқулловчи қарор Нишон жойлаштирилган маҳсулотнинг таркиби ва сифатига жиддий тарзда боғлиқ бўлиши лозим, бироқ маҳсулотларни сотишда уларнинг нархини ошириш ёки пулни қайтариш мумкинлиги назарда тутилмаслиги керак. Ижобий қарор қабул қилиш учун асосий мезон Умумжаҳон мероси тамойили ва қийматига алоқадор таклиф қилинган маҳсулотнинг таълимга оид, илмий, маданий ёки санъаткорона бўлишидир. Қоида тариқасида, пиёлалар, футболкалар, тўғнағичлар ҳамда бошқа туристик сувенирлар каби таълим даражаси жуда паст бўлган маҳсулотларга Нишонни ўрнатиш маъқулланмаслиги лозим. Ёзув тахтачаларини тантанали равишда очилиши билан боғлиқ Кўмитанинг йиғилишлари ва маросимлари каби маҳсус тадбирларда мазкур тартибга истисно сифатида йўл қўйилиши мумкин.
- c) Нишондан фойдаланишга ваколат берувчи ҳар қандай қарор тўлиқ ва равшан бўлиши ҳамда Умумжаҳон мероси Конвенциясининг аниқ ва назарда тутилган мақсадлари ва баҳоларига мувофиқ бўлиши керак.
- d) Мазкур принципларга асосан берилган ваколатдан Умумжаҳон меросини қўллаб-кувватлаш мақсадида бошқа савдо ташкилотлари ўзларининг шахсий материалларида кўрсатишга ҳақли эмас. Шу билан бирга, Кўмита ҳар қандай шахс, ташкилот ёки компанияни Умумжаҳон мероси обьектларига алоқадор ҳар қандай материалларни чоп этиш ёки ишлаб чиқаришда эркин эканлигини эътироф этади, бироқ Умумжаҳон мероси Нишони остида мазкур ҳаракатни амалга оширишга расмий ваколат бериш Кўмитанинг маҳсус ҳуқуки сифатида қолаверади ҳамда ушбу ваколат қўлланмаларда ва принципларда ҳамда Фойдаланиш жадвалида белгилангани каби қўлланилади.
- e) Нишоннинг шартнома асосида бошқа тарафлар томонидан қўлланилишига, қоида тариқасида, Умумжаҳон мероси обьектлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлса ваколат берилиши мумкин. Мазкур ваколатлар алоқадор давлатларнинг бошқарув органлари томонидан берилган рухсат асосида амалга оширилади.
- f) Нишондан фойдаланиш Умумжаҳон мероси обьектлари билан боғлиқ бўлмаса ёки фақат билвосита боғлиқ бўлган ҳолатларда, масалан умумий характердаги семинарлар ва/ёки илмий масалалар ёки сақлаш методлари бўйича йигинларда қўлланмалар ва принциплар ҳамда фойдаланиш жадвалига асосан тўғридан-тўғри берилган рухсатга кўра амалга оширилиши мумкин. Бу каби фойдаланишлар учун мурожаатлар таклиф қилинган фойдаланиш шакли Конвенциянинг ишини кучайтириши мумкинлигини алоҳида хужжатлаштириши лозим.

g) Нишондан фойдаланиш учун рухсат туристик агентликлар, авиакомпаниялар ёки бошқа фойда олиш мақсадида фаолият юритувчи ташкилотлар ва компанияларга берилмайды, фақат маҳсус шароитларда ҳамда тўлиқ Умумжаҳон меросига ёки Умумжаҳон меросининг аниқ бир объектларига шубҳасиз фойда келтирса рухсат берилиши мумкин. Бу каби фойдаланишга мурожаатлар мазкур қўлланмалар ва принциплар ҳамда фойдаланиш жадвалига асосан маъқулланиши лозим. Ушбу мурожаатлар алоқадор давлат бошқаруви органлари томонидан маъқулланиши ҳамда ЮНЕСКО ёки Умумжаҳон мероси маркази билан имзоланган шериклик келишувлари доирасида аниқланиши лозим.

Котибият нишондан фойдаланганлик учун саёҳат агентликлари ёки бошқа шу каби компаниялардан молиявий компенсация ўрнига ҳар қандай реклама, саёҳат ёки бошқа рағбатлантирувчи мукофотларни қабул қилмайди.

h) Тижорат даромадлари олдиндан маълум бўлган тақдирда, Котибият Умумжаҳон мероси Фондига ушбу даромаднинг маълум қисми ўтказилишини таъминлаши ва Фондга фойда олиб келувчи лойиҳа ҳамда келишувчиларни ўзаро тушунишни хужжатлаштирувчи шартнома ёки келишувга эришиши керак. Нишондан тижорат асосида фойдаланишнинг барча ҳолатларида, Котибият ёки бошқа ташкилот томонидан ходимларнинг вақти билан боғлиқ ва бошқа тегишли тўловлар, қоида тариқасида, режадан ташқари ҳар қандай ташаббус нишонни қўллаш бўйича ваколат талаб этувчи тараф томонидан тўлиқ қопланиши лозим.

Давлат бошқаруви органлари ўзларининг объектлари ёки Умумжаҳон мероси фонди даромаднинг катта қисмини қабул қилишга, лойиҳани бошқарувчи тушунчаларни хужжатлаштиришга ва ҳар қандай ҳаракатларни тақсимлашга чақирилади.

i) Котибият томонидан тарқатилиши зарур деб топилган маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳомийлар иштироки талаб этилади, шерик ёки ҳамкорларни танлаш, энг минимал, “Муқаммал шериклик стратегияси”да белгилangan мезонга мувофиқ бўлиши “Индивидуал категориялар ёки ҳамкорлар билан учрашиш учун алоҳида стратегия”ни 192 EX/5.INF ва ПАКТ стратегияни (Хужжат WHC-13/37.COM/5D) ҳамда Кўмитанинг бўйругига асосан бу каби кейинги маблағ йиғиш бўйича қўлланмани ўз ичига олади. Бу каби маҳсулотларга кейинчалик Кўмита томонидан тасдиқланадиган ёзма тақдимотларда заруратга ойдинлик киритилиши ва асосланиши лозим.

j) Асосий мақсади фойда олиш бўлган ўзида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси Нишони билан бирлашган номи, қисқартмаси, логотипи ва ёки интернет домен номини акс эттирувчи товарлар ёки хизматлар *Амалий қўлланмага* асосан “Тижорат йўлида фойдаланувчи” сифатида баҳоланиши керак. Бу каби фойдаланишга Бош директор томонидан маҳсус шартномавий келишувга асосан ваколат берилиши лозим (изоҳ ЮНЕСКОнинг логотип бўйича расмий бўйруғидан Art III.2.1.3 келтирилди).

“Индивидуал категориядаги шериклар билан машғулот ўтказилишини алоҳида стратегиялари”ни камраб олувчи “Муқаммал шериклик стратегияси” 192 EX/5.INF ва ПАКТ стратегияси (WHC-13/37.COM/5D хужжат)

37-сон қарор COM 5D

VIII.F Умумжаҳон мероси Нишонини қўллаш учун тегишли рухсат олиш жараёни

Давлат бошқаруви органларининг оддий келишуви

- 290.** Давлат бошқаруви органлари Нишондан фойдаланишни миллий ёки халқаро бўлишидан қатъи назар лойиха фақат мазкур давлат худудида жойлашган, Умумжаҳон мероси обьектларини ўз ичига олувчи миллий ташкилотларга нишондан фойдаланишга рухсат бериши мумкин. Давлат бошқаруви органларининг қарори қоидаларга ва принципларга ҳамда Фойдаланиш жадвалига асосланиши лозим.
- 291.** Иштирокчи давлатлар Котибиятни нишоннинг қўлланилишига масъул бўлган органларнинг номи ва манзили ҳақида хабардор қилишлари керак.

Маъно сифатини назорат килиш бўйича келишув

- 292.** Нишондан фойдаланиш бўйича ваколат учун бошқа ҳар қандай мурожаатга қуидаги жараён қўлланилади:
- Нишондан фойдаланиш мақсади, муддати ва фойдаланиш чегараси келтирилган мурожаатнома Умумжаҳон мероси марказининг директорига йўлланади.
 - Умумжаҳон мероси марказининг директори қоидалар ва принципларга асосан нишондан фойдаланишга рухсат бериш ваколатига эга. Қоидалар, принциплар ва фойдаланиш жадвалида кўзда тутилмаган ёки тўлиқ кўзда тутилмаган ҳолатларда Директор мазкур масалани энг қийин ҳолатларда Кўмитага охирги қарорни қабул қилиш учун тақдим қилиш ҳукуқига эга. Кўмита Раисга юборади. Умумжаҳон мероси Кўмитасига нишондан фойдаланиш ваколати берилиши бўйича йиллик ҳисбот киритилади.
 - Ишлаб чиқарувчининг тегишли давлатлар билан маслаҳатлашиши ва ушбу давлатларнинг худудида жойлашган обьектлар билан боғлиқ ёзувлар ва график расмларни келишиб олиши, мазкур ҳаракатларни Котибият ҳисобидан бажармаслик ва амалга оширилган ишлар тўғрисида асословчи маълумотларни тақдим этиши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун нишондан кенг кўламда ва чегараланмаган вақт давомида фойдаланишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Келишиш учун такиф этилган ёзув Кўмитанинг расмий тилларидан бирида ёки тегишли давлатнинг расмий тилида баён этилиши керак. Иштирокчи давлатлар томонидан нишондан фойдаланиш учун учинчи тарафга ваколат бериш бўйича тахминий намунавий шакли қуидагича:

Таркибни тасдиқлаш шакли:

39-сон қарор СОМ 11

1999 йил 14 апрелдаги
циркуляр хат
http://whc.unesco.org/circs/circ9_9-4e.pdf

39-сон қарор СОМ 11

[Ваколатли давлат органи номи] [давлат номи] худудида жойлашган Умумжахон мероси объектларига тегишли ёзувлар ва суратларнинг таркибини тасдиқлашга масъул расмий орган, **[ишлаб чиқарувчи номи]** нинг Умумжахон мероси объект (-лари) хисобланган **[объектлар номи]** учун киритган ёзув ва суратлар **[тасдиқланганлигини] [қўйидаги ўзгартиришларни киритиш шарти билан тасдиқланишини]** **[тасдиқланмаганлигини]** эътироф этади.

(Мазкур намунавий шаклдан қайси қисми тўғри келмаса, олиб ташлаш ва ёзувларнинг тўғирланган шаклини ёки киритилган ўзгаришларнинг тасдиқланган рўйхатини тақдим этиш мумкин).

Изоҳлар:

Ёзувнинг ҳар бир сахифасида масъул шахснинг исм-шарифи кўрсатилиши тавсия этилади.

Давлат бошқаруви органлари таркибни тасдиқлаш бўйича материалларни қабул қилиб олганидан сўнг мазкур таклифни кўриб чиқиш учун бир ой муддат берилади ва материалларни тайёрловчилар ушбу муддат ичида ўзларининг мурожаатлари юзасидан розилик билдирилганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин, бироқ давлат бошқаруви органларининг материалларни кўриб чиқиш муддатини узайтириш бўйича ёзма мурожаати бундан мутасно.

Ёзув давлат бошқаруви органларига Қўмитанинг икки тилидан бирида тақдим қилиниши ёки объект жойлашган давлатнинг расмий тилида (расмий тилларидан бирида), икки тарафнинг ўзаро келишувига асосан тақдим қилиниши лозим.

- d) Котибият талабни ўрганиб чиқиб, уни маъқул (мувофик) деб топганидан сўнг шерик билан шартнома тузиши мумкин.
- e) Агар Умумжахон мероси Маркази директори нишоннинг таклиф қилинган фойдаланиш шаклини номувофик деб топса, бу тўғрида Котибият мурожаатномани амалга оширган тарафга ёзма равища да хабар беради.

VIII.G Иштирокчи давлатларнинг сифат назоратини таъминлаш бўйича хукуқи

- 293.** Нишондан фойдаланиш бўйича ваколат бериш давлат бошқаруви органларининг улар алоқадор бўлган маҳсулотлар бўйича сифат назоратини амалга оширишга хукукий жиҳатдан тўғридан-тўғри боғлиқдир.
- a) *Ковенцияга иштирокчи давлатлар ўзларининг худудида жойлашган Умумжахон мероси объектларига алоқадор Умумжахон мероси нишони билан исталган тарқатувчи ҳар қандай маҳсулотнинг таркибини (матн ёки график суратни) тасдиқлаш ваколати берилган бирдан-бир тарафдир.*
 - b) Нишоннинг қонуний муҳофазасини таъминловчи иштирокчи давлатлар ундан фойдаланиш усулларини назорат қилиши лозим.

c) Бошқа иштирокчи давлатлар нишондан фойдаланиш усулларини мустакил кўриб чиқиши ёки кўриб чиқиши учун Котибиятга юбориши мумкин. Иштирокчи давлатлар таклиф қилинган фойдаланиш усулларини кўриб чиқиши ёки нишондан номувофиқ фойдаланиш ҳолатларини аниқлаши юзасидан Котибиятни хабардор қилувчи ваколатли давлат бошқаруви органини аниқлашга масъул ҳисобланади.

28-сон қарор СОМ 9

IX АХБОРОТ РЕСУСРЛАРИ

IX.A Котибият томонидан архивга топширилган ахборот

- 294.** Котибият Умумжаҳон мероси Кўмитаси ва Умумжаҳон мероси Конвенциясига иштирокчи давлатлар Бош ассамблеяси барча хужжатларининг маълумотлар базасини юритади. Ушбу маълумотлар базаси кўйидаги вебсайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/documents>
- 295.** Котибият Дастрлабки Рўйхатлар, Умумжаҳон мероси номинациялари, шунингдек, хариталар нусхалари ва иштирокчи давлатлардан олинган алоқадор ахборотларни қаттиқ нусхаларда ва агар лозим бўлса электрон шаклда архивга топширади. Шунингдек, Котибият Консультатив органлар томонидан амалга оширилган баҳолаш ва бошқа хужжатларни ўз ичига олувчи Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларга тегишли ахборотларни ва иштирокчи давлатлардан қабул қилинган ҳар қандай хабар ва хисботларни (тезкор мониторинг ва даврий хисботларни ўз ичига олади) ва Котибият ҳамда Умумжаҳон мероси Кўмитасининг хабарлари ва материалларини ҳам архивга топширади.
- 296.** Архивга топширилган материал узоқ муддатли сақлаш формасига мос равишда сақланади. Қоғоз ва электрон нусхаларни сақлаш учун мақбул шарт-шароит яратилади. Мурожаат билан мурожаат қилган иштирокчи давлатларга нусхаларни етказиш учун шарт-шароит яратилади.
- 297.** Кўмита томонидан Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган номинациялар билан танишиш учун имкон яратилади. Иштирокчи давлатлар ўзларининг веб-сайтларига номинациянинг нусхасини жойлаштириши ва бу ҳақида Котибиятга маълум қилиши талаб қилинади. Номинацияларни тайёрлаётган иштирокчи давлатлар бу каби маълумотдан ўзларининг худудидаги объектларни аниқлаш ва номинацияларни тайёрлаш учун фойдаланиши мумкин.
- 298.** Ҳар бир киритилган объектга оид маслаҳат кенгашининг баҳолари ва қўмитанинг қарорлари Умумжаҳон мероси марказининг веб-сайтида умумжаҳон мероси рўйхатининг ҳар бир объектига бағишланган сахифада мавжуд. Рўйхатга киритилмаган объектлар учун маслаҳат органининг баҳоси Умумжаҳон мероси марказининг веб-сайтида Кўмита сессиясининг номинацияларни кўриб чиқишига бағишланган сахифада мавжуд.

IX.B Умумжаҳон мероси Қўмитаси аъзолари ва бошқа иштирокчи давлатлар учун маҳсус ахборот

- 299.** Котибият иккита электрон почта манзилни юритади: бири Қўмита аъзолари учун (wh-committee@unesco.org) ва иккинчиси барча иштирокчи давлатлар учун (wh-states@unesco.org). Иштирокчи давлатлар мазкур рўйхатларни ташкил қилиш учун барча тегишли электрон почта манзилларини тақдим қилиши талаб этилади. Мазкур, иштирокчи давлатларни хабардор этишининг анъанавий воситасини тўлдирувчи, бироқ алмаштирмайдиган электрон почта манзиллар Котибиятга ўз вақтида мавжуд хужжатлар, тадбирлар лойиҳаларига ўзгаришлар ҳамда Қўмитанинг аъзолари ва иштирокчи давлатларга алоқадор бошқа масалалар бўйича боғланиш имкониятини беради.
- 300.** Қўмита аъзолари, бошқа иштирокчи давлатлар ва маслаҳат органларига йўналтирилган аниқ маълумотлар *kirish huquqi cheklangan holda* Умумжаҳон мероси марказининг веб-сайтида (<https://whc.unesco.org>) mavjud.

Барчага фойдаланиши мумкин бўлган веб-сайт орқали ўтувчи, бошқа кириши чегараланган веб-сайт Котибият томонидан юритилади ва Қўмита аъзолари, бошқа иштирокчи давлатлар ҳамда Консультатив органларга мўлжалланган маҳсус маълумотларни ўз ичига олади.

- 301.** Котибият, шунингдек, Қўмита қарорлари ва Бosh ассамблея қарорларининг маълумотлари базасини юритади. Улар қўйидаги веб-сайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/decisions>.

IX.C Барча фойдаланиши мумкин бўлган ахборотлар ва нашрлар

- 302.** Котибият Умумжаҳон мероси обьектлари ва бошқа тегишли масалалар юзасидан барча учун фойдаланиш мумкин бўлган ва муаллифлик хуқуқи мавжуд бўлмаган маълумотлардан фойдаланишга имкон қадар рухсат беради.
- 303.** Умумжаҳон мероси масалаларига тааллуқли ахборотлар Котибиятнинг вебсайтида (<http://whc.unesco.org>), Консультатив органлар ва кутубхоналарнинг вебсайтларида кўрсатилган. Интернетда мавжуд маълумотлар ва тегишли вебсайтларга ҳаволалар библиографияда кўрсатилган.
- 304.** Котибият турли хил Умумжаҳон меросига оид нашрлар тайёрлайди, Умумжаҳон мероси рўйхати, Хавф остидаги умужаҳон мероси рўйхати, Умумжаҳон мероси обьектларининг қисқача тавсифи, Умумжаҳон мероси тематикаси бўйича маколалар жамланмаси (World Heritage Papers series), маълумотлар бюллетенлари, брошуоралар ва ахборот материаллари тўпламлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, айнан мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган материаллар ҳам ишлаб чиқилган. Умумжаҳон мероси нашрлари рўйхати библиографияда ёки қўйидаги веб-сайтда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/publications>.

43-сон қарор СОМ 11A

28-сон қарор СОМ 9

Мазкур маълумотлар материаллари кенг жамоатчиликка тўғридан-тўғри ёки иштирокчи давлатлар ёхуд Умумжаҳон мероси доирасидаги ҳамкорлар томонидан ишлаб чиқилган миллий ва халқаро тармоқлар орқали тарқатилади.

ИЛОВАЛАР

РАТИФИКАЦИЯЛАШ / ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ВА РҮЙХАТГА КОРИТИШ БҮЙИЧА
НАМУНАВЫНІ ХУЖЖАТ

United Nations · World
Educational, Scientific and · Heritage
Cultural Organization · Convention

Умумжақон маданий ва табиий меросининг маҳофазаси

тұғрисидаги

Конвенция

1972 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Баш ассамблеясининг 17-

сессиясида қабул қилингандыгини инобатта олиб;

Хозир, шу боис _____ давлати юқорида
кўрсатилган Конвенцияни кўриб чиқиб, уни ратификация қиласди
ва унда белгиланган қоидаларга қатъий амал қилишни ўз
зиммасига олади.

Шунга гувоҳ сифатида, мен ушбу хужжатни имзоладим ва муҳр
 билан тасдиқладим.

20 _____ куни _____
имзоланди_____.

(муҳр ўрни)

Давлат бошлиги,

Бош вазир ёки

Ташқи ишилар вазири

имзоси

- Ратификация/қабул қилиш ва рўйхатга киритиш бўйича намунавий хужжат ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази ва қўйидаги веб-манзилда кўрсатилган:
<https://whc.unesco.org/en/convention/>

Тўлдирилган шаклнинг ҳақиқий имзоланган кўриниши қўйидаги манзилга инглиз ёки француз тилидаги расмий таржимаси билан ЮНЕСКОнинг бош директорига юборилиши лозим: Director-General UNESCO, 7, Place de Fontenoy 75352 Paris 07 SP France



ҚҰДАСАЛАНУШТАР ҲАҚИДА ҲУЖЖАТ НАМУНАСИ

United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization

World
Heritage
Convention

Умумжахон маданий ва табиий меросининг маҳофасаси түгрисидаги Конвенция
1972 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Баш ассамблеясининг 17-сессиясида қабул
қилингандыктын инобатта олиб;

**Хозир, шу боис _____ давлати юқорида күрсатилған Конвенцияни
күриб чиқиб, унга құшилади ва унда белгиланған қоидаларга қатый амал қилишни үз
зиммасига олади.**

Шунга гувоҳ сифатида, мен ушбу ҳужжатни имзоладим ва муҳр билан тасдикладим.

20 _____ куни _____ имзоланди_____.

(муҳр ўрни)

Давлат бошлиги,

Бош вазир ёки

Ташқи шаптар вазири имзоси

- құшилиш ҳақида ҳужжат намунаси ЮНЕСКОнинг Умумжахон мероси маркази ва күйидаги веб-манзилда күрсатилған: <http://whc.unesco.org/en/convention>
- Түлдирилған шаклнинг ҳақиқий имзоланған күриниши күйидаги манзилга инглиз ёки француз тилидаги расмий таржимаси билан ЮНЕСКОнинг бош директорига юборилиши лозим: Director-General UNESCO, 7, Place de Fontenoy 75352 Paris 07 SP France

**ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТ:****Рўйхатни тайёрлади:**

Ф.И.О:

КИРИТИШ САНАСИ:

Электрон почта манзили:

Манзил:

Факс:

Муассаса:

Телефон:

Объект номи:**Давлат, вилоят ёки худуд:****Кенглик ва узунлик ёки UTM координаталари:****МАЗМУНИ:****Умумжаҳон****мислсиз****қийматини****асослаш:**

(Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга ҳақли объектнинг қийматини тахминан аниқлаш)

Қуйидаги мезонларга жавоб беради [қаранг: Амалий Қўлланманинг 77-банди]:

(Таклиф қилинган мезонларга жавоб берадиган катакларни белгиланг ва қуйида ҳар бир фойдаланилган катакчаларга изоҳ беринг)


Бутунлик ва/ёки ҳақиқийлик баёноти [қаранг: Амалий Қўлланманинг 78-95- бандлари]:**Бошқа****ўхшаш****объектлар****билин****таққослаш:**

(Таккослаш Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ва киритилмаган бошқа объектлар билан ўхшаш ва объектнинг ўзига хос фарқли жиҳатларини ифодалashi лозим)

- Дастлабки Рўйхатни киритиши шакли ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази ва қуйидаги веб-манзилда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/tentativelists>
- Дастлабки Рўйхатларни тайёрлаш бўйича кейинги йўл-йўриқлар Амалий Қўлланманинг 62-67-бандларида кўрсатилган.
- Дастлабки Рўйхатни киритиши шаклининг тўлдирилган намунаси қуйидаги веб-манзилда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/tentativelists>
- Иштирокчи давлатлар томонидан киритилган барча Дастлабки Рўйхатлар қуйидаги веб-манзилда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/tentativelists>
- Дастлабки Рўйхатни киритиши шаклининг расман имзоланган кўриниши инглиз ёки француз тилида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси марказига қуйидаги манзил бўйича юборилиши лозим: 7, Плас де

Фонтенуа, 75352 Париж 07 SP, Франция (ЮНЕСКО Умумжахон Мероси Маркази, 7 place de Fontenoy, 75352 Париж 07 SP, France)

- Иштирокчи давлатлар ушбу маълумотларни электрон кўринишида (USB Flash Drive ёки CD-Rom) ёки электрон почта манзили орқали ҳам wh-tentativelists@Unesco.org манзилига юборишлари лозим.

**ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТ:****Рўйхатга киритишни¹⁵ тайёрлади:**

Ф.И.О:

Лавозими:

Манзили:

Муассаса:

КИРИТИШ САНАСИ:

Электрон почта манзили:

Факс:

Телефон:

1.a Келгуси трансмиллий/трансчегаравий номинация номи¹⁶:**1.b Қатнашаётган бошқа иштирокчи давлатлар:****1.c Миллий таркибий қисм(-лар)нинг номи (-лари):****1.d Давлат, вилоят ёки худуд:****1.e Кенглик ва узунлик ёки UTM координаталари:****2.a Келгуси трансмиллий/трансчегаравий номинацияларнинг қисқача тавсифи¹⁷:****2.b Таркибий қисм(-лар)нинг тавсифи:****3. КЕЛГУСИ НОМИНАЦИЯНИНГ БИР БУТУН СИФАТИДА УМУМЖАҲОН МИСЛСИЗ ҚИЙМАТИНИ¹⁸**

(Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун лойик бўлган келгуси номинация қийматининг бир бутун сифатида дастлабки аниқланиши)

3.а Қуйидаги мезонларга жавоб беради¹⁹ [каранг: Амалий Кўлланманинг 77-банди]:
(Тегишли мезонга мос келувчи катакни белгиланг ва қуйида ҳар бирининг қўлланилишини изоҳланг)

<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> (iii)	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> (v)	<input type="checkbox"/>				
--------------------------	--------------------------	--------------------------------	--------------------------	------------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------	--------------------------

¹⁵ Ушбу сўровнома 1.b бўлимда кайд этилган барча иштирокчи давлатлар ўзларининг сўровномаларини юборгандаридан кейингина кучга киради.

¹⁶ Мазкур бўлимда келтирилган матн келгуси трансмиллий/трансчегаравий номинацияни тақдим килишда қатнашаётган барча иштирокчи давлатлар сўровномаларида айнан бир хил бўлиши керак.

¹⁷ Турли қўринишдаги трансмиллий/трансчегаравий объектлар ҳолатида тегишли барча иштирокчи давлатларнинг келишуви зарур бўлади.

¹⁸ Турли қўринишдаги трансмиллий/трансчегаравий объектлар ҳолатида тегишли барча иштирокчи давлатларнинг келишуви зарур бўлади.

¹⁹ Турли қўринишдаги трансмиллий/трансчегаравий объектлар ҳолатида тегишли барча иштирокчи давлатларнинг келишуви зарур бўлади.

3.b Бутунлик ва/ёки ҳақиқийлик бўйича баёнотлар [каранг: *Амалий Кўлланманинг 79-95-бандлари*]:

3.c.1 Бир бутун сифатида келгуси номинация нуқтаи назаридан таркибий қисм(-лар)ни танлашнинг асосланиши:

3.c.2 Бошқа ўхшаш объектлар билан таққослаш²⁰ :

(Ушбу таққослаш Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ва киритилмаган бошқа объектлар билан ўхшаш ва келгуси номинацияга эга бўлган ўзига хос алоҳида сабабларни ифодалashi лозим).

²⁰ Турли қўринишдаги трансмиллий/трансчегаравий объектлар ҳолатида тегишли барча иштирокчи давлатларнинг келишуви зарур бўлади.



**ХОС
МЕРОСИ**

**ТУРДАГИ
РҮЙХАТИГА**

**ОБЪЕКТЛАРНИ
КИРИТИШ**

ИКОМОСнинг тематик тадқиқотлар рўйхати куйидаги манзилда кўрсатилган:
<http://www.icomos.org/>

МСОПнинг тематик тадқиқотлар рўйхати куйидаги манзилда кўрсатилган:
<http://www.iucn.org/>

КИРИШ

1. Илова иштирокчи давлатларга номинант объектларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун тайёрлашда ёрдам бериши бўйича маҳсус турдаги объектлар ҳакида маълумот беради. Кўйидаги маълумот Амалий Қўлланманинг 2-бўлми билан биргаликда қўлланилиши керак бўлган Қўлланмани белгилайди, объектларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш мезонларини ўз ичига олади.
2. Кўмита маданий ландшафтлар, шаҳарлар, каналлар ва йўналишлар билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассислар йигинлари натижасида олинган хуносаларни тасдиқлади (кўйида, 1-кисм).
3. Репрезентатив, мувозанатли ва ишончли Умумжаҳон мероси рўйхати учун Глобал стратегия доирасида Умумжаҳон мероси Кўмитасининг талабига кўра бошқа мутахассислар йигинлари томонидан берилган ҳисоботлар 2-кисмда кўрсатилган.
4. 3-кисмда Консультатив органлар томонидан тайёрланган турли киёсий ва тематик тадқиқотлар рўйхати келтирилган.

I. МАДАНИЙ ЛАНДШАФТЛАР, ШАҲАРЛАР, КАНАЛЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР

5. Умумжаҳон Мероси Кўмитаси маданий ва табиий объектларнинг турли хил маҳсус турларини аниклади ва таърифлади ҳамда ушбу объектларни Умумжаҳон мероси Рўйхатига киритиш давомида баҳолашни амалга ошириш учун маҳсус Қўлланма қабул қилди. Ҳозирги кунда мазкур турдаги объектлар қуйидаги категорияларни ўз ичига олади, бироқ иш жараёнида бошқа категориялар ҳам қўлланилиши мумкин:
 - a) Маданий ландшафтлар;
 - b) Тарихий шаҳарлар ва шаҳар марказлари;
 - c) Маданий-тарихий каналлар;
 - d) Маданий-тарихий йўналишлар.

²¹ Кўмита бошқа турдаги объектлар учун келгуси йилларда қўшимча тавсияларни ишлаб чиқиши мумкин.

МАДАНИЙ ЛАНДШАФТЛАР²²

Тушунчаси

6. Маданий ландшафтлар маданий объектлардир ва Конвенциянинг 1-моддасида белгиланган каби “табиат ва инсоннинг биргалиқдаги меҳнати”ни ифодалайди. Улар кишилик жамияти эволюциясини ҳамда жисмоний чекловлар ва/ёки вақт ўтиши давомида уларнинг табиият атроф-мухит томонидан берилган имкониятлар ҳамда узлуксиз ижтимоий, иқтисодий ва маданий ички ва ташқи кучлар таъсири остида ўтроклашиб боришини кўрсатади.
7. Маданий ландшафтлар мазкур ҳудудларнинг аниқ ифодаланган гео-маданий ҳудудлиги, муҳим ва ўзига хос маданий элементларни намойиш қилиш имконияти жихатидан Умумжаҳон мислсиз қиймати билан бирга уларнинг репрезентативлигига ҳам асосланган ҳолда танланиши лозим.
8. “Маданий ландшафт” тушунчаси инсоният ва табиият атроф-мухит ўртасидаги турли хил алоқаларнинг очиқ баёнини қамраб олади.
9. Маданий ландшафтлар тез-тез самарали тарзда ердан фойдаланишининг маҳсус йўлларини намойиш қиласи, ўзлари ташкил топган атроф-мухитнинг табиият хусусиятлари ва чегараларини ҳамда табиатга нисбатан маҳсус руҳий муносабатни инобатга олади. Маданий ландшафтларнинг муҳофазаси ердан самарали фойдаланишининг замонавий усусларига хисса кўшади ва ладшафтдаги табиият қимматликларни сақлаш ёки кўпайтиришга имкон яратади. Ердан фойдаланиш бўйича анъанавий шаклларнинг доимий мавжудлиги дунёнинг кўплаб ҳудудларида биологик хилма-хилликни ушлаб туради. Шу боис, биологик хилма-хилликни сақлашда маданий ва табиият ландшафтларнинг муҳофазаси фойдалидир.

Таъриф ва категориялар

10. Маданий ландшафтлар Зта асосий категорияга бўлинади, улар:
 - (i) Энг осон аникланадиган ландшафт **инсон тарафидан атайлаб ўйлаб топилган ва ташкил қилинган ландшафтдир**. У ўз ичига эстетик сабабларга қўра ташкил қилинган боғлар ва парклар ландшафтларини олади ва кўп ҳолларда (лекин доимо эмас) диний ёки бошқа меъморий обидалар ва ансамбллар билан уйғулаштирилади.
 - (ii) Иккинчи категория **органик ривожланаётган ландшафтлар**. Улар ижтимоий, иқтисодий, маъмурий ва/ёки диний хусусиятдаги биринчи талабнинг натижаси сифатида пайдо бўлган ва ҳозирги шаклини ўзининг табиият атроф-мухитга боғлиқ ҳолда ва унинг таъсири остида ривожлантирган. Ушбу ривожланиш жараёни мазкур ландшафтларнинг шакли ва таркибий қисмларида акс этади. Улар иккита кичик категорияга бўлинади:
 - реликт (ёки тошга айланган) ландшафти ривожланиш жараёни илгари қайсиadir даврда, тўсатдан ёки маълум бир вақт оралиғида тўхтаган ландшафт ҳисобланади. Унинг муҳим фарқли жиҳатлари шундаки, ушбу ландшафтлар ҳали ҳам кўриш имкониятини берувчи материал шаклида сақланиб қолган.
 - ривожланаётган ландшафт анъанавий ҳаёт тарзи билан яқин алоқада бўлган ва эволюцион жараёнлар ҳали ҳам давом этаётган замонавий жамиятда фаол

²² Мазкур матн маданий ландшафтлар бўйича мутахассис гуруҳ томонидан тайёрланган (La Petite Pierre, Франция, 24–26 октябрь 1992 й.) (қаранг: WHC-92/CONF.202/10/Add ҳужжати). Матн кейинроқ Умумжаҳон мероси Кўмитасининг 16-сессиясида Амалий қўлланмага киритиш учун маъқулланган (Санта-Фе, 1992 й.) (қаранг: WHC-92/CONF.002/12 ҳужжати).

ижтимоий ролини сақлаб қолган. Шу билан бирга у ўзининг ривожланиш давридан муҳим моддий далилларни тақдим этади.

- (iii) Охирги категория **бирлаштирувчи маданий ландшафт**. Мазкур ладшафтларнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши, етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган моддий маданий далиллардан кўра, кучли диний, бадиий ёки табиий элементлар маданий бирлашмаларининг саховати эвазига асослидир.

Маданий ландшафтларнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши

11. Маданий мерос худудининг чегаралари Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши унинг функционаллиги ва аниқлигига боғлик. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, танланган намуна ўзи намойиш қиласидан маданий ландшафтнинг тўлиқлигини лозим дараҷада ифодалаш учун етарлича аҳамиятли бўлиши керак. Маданий жиҳатдан муҳим транспорт ва коммуникацион тармоқларни ифодаловчи узок масофада жойлашган худудларнинг рўйхатга киритилиши эҳтимоли истисно қилинмаслиги керак.
12. Маданий ландшафтларга муҳофаза қилиш ва бошқариш учун асосий мезонлар тенг амал қиласиди. Ландшафтда намойиш қилинган қийматнинг тўлиқ спектрига (ҳам маданий ҳам табиий) эътибор қаратиш муҳимдир. Номинациялар маҳаллий аҳоли билан келишилган ҳолда ва уларнинг тўлиқ розилиги олинган ҳолда тайёрланиши лозим.
13. Амалий қўлланманинг 77-бандида белгиланган мезон асосида Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган “маданий ландшафт” категориясининг мавжудлиги ҳам маданий, ҳам табиий мезонларга кўра маҳсус аҳамиятга эга объектларнинг рўйхатта киритилишини давом эттириш имкониятини чекламайди (қаранг: аралаш объектлар тавсифи 46-бандда кўрсатилган). Ушбу ҳолатларда уларнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати хар икки мезон бўйича асослантирилиши лозим.

ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАР МАРКАЗЛАРИ²³

Тавсифи ва категориялари

14. Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун мос келадиган шаҳар бинолари гурухлари Зта асосий категорияяга бўлинади, хусусан:
 - (i) **аҳоли бошқа истиқомат қилмаса-да**, ўтган даврнинг ўзгармаган археологик далиллари сақланиб қолган шаҳарлар; ушбу шаҳарлар ҳақиқийлик мезонларига жавоб беради ва уларнинг сақланишини осонлик билан амалга ошираса бўлади;
 - (ii) **Хозир ҳам аҳоли истиқомат қилувчи тарихий шаҳарлар** ўзларининг табиатига кўра ижтимоий-иктисодий ва маданий ўзгаришлар таъсири остида ривожланган ва ривожланишда давом этмоқда. Мазкур ҳолат уларнинг ҳақиқийлигини баҳолашни янада қийинлаштиради ва уларни сақлаб қолиш бўйича амалга ошириладиган сиёсатни янада муаммоли ҳолатга келтиради;
 - (iii) Юкорида қайд этилган икки турдаги категориялар билан қайсидир жиҳатдан парадокс тарзда боғлиқ бўлган **йигирманчи асрнинг янги шаҳарлари**: уларнинг дастлаб шаҳар сифатида ташкил топишини аниқ ажратиш мумкин ва уларнинг ҳақиқийлигини

²³ Мазкур матн Амалий қўлланмага 1984 йил 5–7 сентябрь кунлари тарихий шаҳарлар масалалари бўйича ИКОМОС томонидан Парижда ташкил қилинган мутахассислар йигинидан сўнг чиқарилган хulosаларга асосан 1987 йил январь ойида Умумжаҳон мероси қўмитасининг 8-сессиясида (Буэнос-Айрес, 1984 й.) киритилган.

хам инкор қилиб бўлмайди, уларнинг ривожланишини назорат қилишнинг имкони йўқлиги сабабли, уларнинг келажаги ноаниклигича қолмоқда.

Тарихий шаҳарлар ва шаҳар марказларини Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш

15. Тарихий шаҳарлар ва шаҳар марказларининг долзарблиги қуидаги омиллар асосида баҳоланиши мумкин:

(i) Аҳоли бошқа истиқомат қилмайдиган шаҳарлар

Аҳоли бошқа истиқомат қилмайдиган шаҳарларни баҳолаш умумий жиҳатдан археологик объектларга тааллуқлиларидан бошқа қийинчиликларни келтириб чиқармайди: ягона ёки иллюстратив характер касб этадиган мезонлар бинолар гуруҳларининг танловини ўзларининг тоза услуби, ўз ичига олган обидаларнинг концентрацияси ва баъзида муҳим тарихий алоқалари туфайли дикқатга сазовор бўлади. Шаҳарнинг археологик объектлари учун ягона блок сифатида рўйхатга киритилиши муҳимдир. Обидалар тўплами ёки биноларнинг кичик гуруҳлари йўқ бўлиб кетган шаҳарнинг турли хил ёки комплекс функцияларини таъминлаш учун етарли бўлмайди; мазкур шаҳарнинг қолдиклари (қачон бўлишидан қатъи назар) уларни ўраб турган табиий муҳит билан бирга тўлалигича сақланиши лозим.

(ii) Аҳоли истиқомат қилувчи тарихий шаҳарлар

Аҳоли истиқомат қилувчи тарихий шаҳарларни баҳолашда қийинчиликлар жуда кўп ва уларнинг кўпчилиги шаҳарлардаги иморатларнинг абадий эмаслигига (аксарият ҳолатларда индустрисал даврнинг бошланиши жиддий бузилишларга сабаб бўлган) ва уларни ўраб турган муҳитнинг жуда тезлик билан урбанизациялашишини ҳам кайд этиш керак. Рўйхатга киритилиши учун шаҳарлар уларнинг архитектура қиймати туфайли эътиборга лойиқ бўлиши ва факат ўтган даврдаги тутган ролининг интеллектуал асосларига ёки маданий объектларнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига критилиши учун (vi) мезонга асосан тарихий рамз сифатидаги баҳосига кўра ҳисобга олинмаслиги лозим (қаранг: Амалий қўлланманинг 77 (vi) - банди). Рўхатга киритишга лойиқ бўлиши учун маконга оид ташкилот, структура, материаллар, формалар ва керак бўлса, бир гуруҳ иморатларнинг функциялари объектнинг номинациясига сабаб бўлган цивилизация ёки цивилизациянинг изчиллигини жиддий тарзда акс эттириши лозим. Уларни тўртта категорияга бўлиш мумкин:

- a) Тўлиқ сақланган ва изчил ривожланишлар таъсиридан юқори даражада сақланган, маҳсус давр ёки маданиятнинг ўзига хос шаҳарлари. Мазкур категорияга мансуб рўйхатга киритиладиган объект муҳофаза қилиниши лозим бўлган, уни ўраб турган муҳит билан бирга тўлиқ шаҳарни ўз ичига олади;
- b) Хусусият йўналишлари билан ривожланган шаҳарлар ва баъзида факат табиий атроф-муҳит чегарасида, баъзида уларнинг тарихида изчил давом этган босқичларга хос бўлган маконга оид тузум ва структуралар доирасида сақланган. Мазкур категориядаги объектлар учун аниқ ифодаланган тарихий кисм замонавий атроф-муҳитдан кўра устунликка эга;
- c) Айнан қадими шаҳарлар тасарруфида бўлган ҳудудни эгаллаган “Тарихий марказлар” ва ҳозирги кунда ҳам замонавий шаҳарларнинг бўлгаги ҳисобланади. Ушбу категориядаги объектлар учун катта тарихий ўлчамлардан келиб чиқиб, объектнинг аниқ чегараларини аниқлаш ва уларни бевосита ўраб турган муҳит учун аниқ чоралар қўллаш зарурдир;
- d) Ҳаттоқи, қолдиқ ҳолда бўлса ҳам, йўқ бўлиб кетган тарихий шаҳарнинг аниқ ва бир-бирига боғлиқ характерининг далилларини ифодаловчи секторлар, ҳудудлар ёки изоляция қилинган блоклар. Мазкур ҳолатларда, сақланиб қолинган ҳудудлар ва қурилишлар яхлит шаҳар хақида сезиларли даражада исботга эга бўлиши лозим.

Тарихий шаҳарлар ва тарихий худудларни фақат агар уларнинг худудларида шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини тўғридан-тўғри тасвирловчи тарихий аҳамиятга эга катта миқдордаги қадимий қурилишлар бўлсагина, рўйхатга киритса бўлади. Тахминан, ўзларида шаҳарни тасвирловчи, режавий структурасининг аниқлиги тўхтаган, бир қанча изоляцияланган ва маълум бўлмаган бинолар рағбатлантирилмайди.

Шунга қарамасдан, чегараланган худудга эга, аммо шаҳарсозлик тарихида катта аҳамиятга эга объектларга номинация берилиши мумкин. Ушбу ҳолатларда номинацияда рўйхатга киритилиши учун бир гурух обидалар тақдим қилиниши ва шаҳар объект жойлашган худуд номи билан тасодифан тилга олиниши объектда аниқ ифодаланиши лозим. Шунингдек, агар Умумжаҳон мероси қийматига эга иморат жиддий инқирозга юз тутган ёки етарли репрезентатив бўлмаган шаҳар қуршовида бўлса, у албатта, бирорта маҳсус тавсиясиз шаҳар рўйхатига киритилади.

(iii) Йигирманчи асрнинг янги шаҳарлари

Йигирманчи асрнинг янги шаҳарларини баҳолаш қийин. Уларнинг қайси бири замонавий шаҳарсозликка мисол бўлишини фақат тарих кўрсатади. Мазкур шаҳарлар бўйича хужжатларни ўрганиш алоҳида вазиятлар асосида кейинга қолдирилиши, сақланиши керак.

Хозирги ҳолатда етарли даражада маълумот ва хужжатлар мавжуд бўлган, рўйхатга киритилиши учун етарли асосга эга бўлган катта мегаполислардан кўра, ҳар қандай ўсишни бошқара оладиган кичик ёки ўртacha ҳажмдаги шаҳар худудларига Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши учун тавсия берилиши лозим.

Шаҳарнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилишининг унинг келажагига таъсирини баҳолашда, мазкур ҳолатлар истисно бўлиши лозим. Рўйхатга киритиш бинолар ансамбли ва уларнинг атроф-мухитини муҳофаза қилиш юзасидан аллақачон хукукий ва маъмурий чоратадбирлар амалга оширилганлигини билдиради. Аҳолининг фаол иштирокисиз сақлаш схемасини амалга ошириш мантиқсиз бўлишини инобатга олсак, худуддаги тегишли аҳолининг хабардорлигини ошириш катта аҳқмият касб этади.

МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ КАНАЛЛАР

- “Канал” концепцияси Маданий тарихий каналлар бўйича мутахассислар йигинининг ҳисоботида тўлиқ баён этилган (Канада, 1994 йил сентябрь)²⁴.

Таърифи

- Канал инсон томонидан яратилган сув йўли. У тарихий ёки технологик нуқтаи назарга кўра табиатан ёки мазкур категориядаги маданий объектларга мос алоҳида намуна сифатида Умумжаҳон мислсиз қийматига эга деб топилиши мумкин. Канал ҳайкалтарошлиқ иши, линия маданий ландшафтининг ўзига хос жиҳати ёки комплекс маданий ландшафтнинг асосий қисми бўлиши мумкин.

Тарихий-маданий каналларнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиши

- Ҳақиқийлик умумий жиҳатдан қийматга ва қиймат орасидаги ўзаро алоқаларга боғлиқ бўлади. Каналнинг мерос таркибий қисми сифатидаги ўзига хос жиҳатларидан бири унинг вақт ўтиши давомидаги эволюциясидир. Бу канал турли даврлар мобайнида қандай мақсадларда фойдаланилганлиги билан боғлиқдир, шунингдек, каналнинг конструкцияси

²⁴ Умумжаҳон мероси Кўмитасининг 19-сессиясида (Берлин, Германия, 1995 й.) (каранг: WHC-95/CONF.203/16 хужжати) мухокама қилинган. “Тарихий-маданий каналлар” бўйича матахассис йигинлари (Канада, 15–19 сентябрь 1994 й.) (каранг: WHC-94/CONF.003/INF.10 хужжати).

бошидан кечирган технологик ўзгаришлар билан боғлиқ. Мазкур ўзгаришларнинг ҳажми мероснинг таркибий қисмини ташкил қилиши мумкин.

19. Каналнинг ҳақиқийлик ва уни тарихий жиҳатдан талқин қилиш кўчмас объект (Конвенция томонидан муҳофаза қилинадиган предмет), тегишли кўчувчи объект (кемалар, вактингчалик навигацион қурилмалар) ва боғланган конструкциялар (кўприклар ва бошқа) орасидаги алоқани қамраб олади.
20. Каналларнинг муҳимлиги қўйидаги технологик, иқтисодий, маданий ва ландшафт факторлари асосида ўрганилиши мумкин:

(i) Техника

Каналлар кўплаб мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин: ирригация, навигация, муҳофаза, гидроэнергетика, сув тошқинидан муҳофаза, ерларни қуритиш ва сув билан таъминлаш кабилалар шулар жумласидан. Қўйидагилар муҳим ўрин тутиши мумкин бўлган технологик ҳаракатлар ҳисобланади:

- a) Сув каналининг сиртини қоплаш ва унинг гидроизоляцияси;
- b) Архитектура ва технологиянинг бошқа жабҳасида қўлланилувчи таққослов структура қисмларини инобатта олувчи линиянинг инженерлик структуралари;
- c) Конструкция методлари такомиллашуvinинг ривожланиши; ва
- d) Технологияларнинг ўтказилиши.

(ii) Иқтисодиёт

Каналлар иқтисодиёт ривожига кўп томонлама ҳисса қўшади, иқтисодий ривожланиш ҳамда товарларни ва одамларни ташиш шулар жумласидан. Каналлар қўйма юкларни самарали ташиш учун инсоният томонидан сунъий равишда яратилган йўналишлардир. Ирригация мақсадида фойдаланилиши сабабли, каналлар иқтисодий ривожланишда катта роль уйнаган ва ўйнаб келмоқда. Қўйидаги омиллар муҳим саналади:

- a) Миллий-давлат иморати;
- b) Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши;
- c) Саноатнинг ривожланиши;
- d) Бойлик яратилиши;
- e) Бошқа жабҳа ва соҳаларда қўлланиладиган инженерлик қобилиятининг ривожланиши; ва
- f) Туризм.

(iii) Ижтимоий омиллар

Каналлар қурилиши ҳозир ҳам олдингидек уларнинг фаолияти билан боғлиқ ва қўйидаги ижтимоий оқибатларни келтириб чиқармоқда:

- a) Бойлиknинг ижтимоий ва маданий натижалар билан қайта тақсимланиши; ва
- b) Аҳолининг кўчиши ва маданий гурухларнинг ўзаро таъсири.

(iv) Ландшафт

Мазкур катта ҳажмдаги инженерлик ишлари олдин ҳам, ҳозирги кунда ҳам табиий ландшафтларга таъсир ўтказмоқда. Тегишли индустрисал фаолият ва ўтроклашиш

тартибининг ўзгариши ландшафт шакллари ва тартибларига кўзга кўринарли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

21. “Йўналишлар” концепцияси ёки маданий йўналишлар “Йўналишлар маданий мероснинг бир кисми сифатида” (Мадрид, Испания, 1994 йил ноябрь)²⁵ мазусидаги мутахассислар йигинида муҳокама қилинган.

Таърифи

22. Бой ва унумдор маданий-тарихий йўналишлар концепциясини ўзаро тушуниш, тарихга бўлган плоралистик ёндашув ва тинчлик маданиятининг уйғунлик билан фаолият олиб боришига имтиёзли чегараларни тақдим этади.
23. Маданий-тарихий йўналиш маданий мазмуни турли хил давлатлар ва ҳудудлар орасидаги алмашинувлар ва кўп ўлчамли диалоглар натижасида вужудга келадиган моддий элементлардан ташкил топган ва ушбу элементлар макон ва вақт бўйича йўналишлар орқали ҳаракат қилиш давомида ўзаро таъсирни намойиш этади.

Маданий-тарихий йўналишларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиши

24. Маданий-тарихий йўналишни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишнинг мослигини аниклаш жараёнида куйидаги хусусиятлар инобатга олиниши лозим:
- (i) Умумжаҳон мислсиз қийматини ўзида сақлашига нисбатан талаб қайтариб олиниши лозим.
 - (ii) Маданий-тарихий йўналишлар концепцияси:
 - Макон ва замонда **давомли** ҳаракат қилиш динамикаси ва **алмасиш** фикрига асосланади;
 - Йўналишнинг қиймати уни ташкил қилувчи элемент нархидан ошса, унга маданий мазмун берса, **мураккаблигига** эътибор қаратиш;
 - **Давлатлар ёки ҳудудлар орасида** алмасиш ва диалогга катта аҳамият беради;
 - У, асосан **кўп ўлчовли** бўлиб, асосий мақсадни тўлдирувчи диний, тижоратга оид, маъмурий ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади.
 - (iii) Яқинда бўлиб ўтган мунозаралар амалий Кўлланма доирасида уларни қабул қилишга олиб келганлиги сабабли, маданий-тарихий йўналишга маданий ландшафтнинг маҳсус, динамик тури сифатида қаралиши мумкин.
 - (iv) Маданий-тарихий йўналишнинг аниқланиши йўналишнинг муҳимлигини ўз-ўзидан исботловчи кучли тарафларни ва моддий таркибий қисмларни йигишга асосланади.
 - (v) Ҳақиқийлик шароитлари маданий-тарихий йўналишни ташкил этувчи унинг муҳимлиги ва бошқа таркибий қисмларидан келиб чиқиб кўлланилади. Баҳолашни амалга оширища йўналишнинг давомийлиги ва унинг ҳозирги кунда қанчалик кўп фойдаланилиши, шунингдек, аҳолининг алоқадор қисми томонидан мазкур йўналишни ривожлантиришга бўлган қонуний хоҳишистак инобатга олинади.

²⁵ Умумжаҳон мероси Кўмитасининг 19-сессиясида муҳокама қилинган (Берлин, 1995 й.) (қаранг: WHC-95/CONF.203/16 хужжати). “Йўналишлар маданий мероснинг бир кисми сифатида” мазусидаги мутахассислар йигини (Мадрид, Испания, ноябрь 1994 й.) (қаранг: WHC-94/CONF.003/INF.13 ҳужжати).

Мазкур хусусиятлар йўналишнинг табиий доираси ҳамда унинг номоддий ва рамзий ўлчамлари асосида кўриб чиқилади.

II. МУТАХАССИСЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ТЕМАТИК ЙИГИНЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТЛАР

25. Умумжаҳон мероси Кўмитаси Глобал Стратегия доирасида турли хилдаги обьектлар бўйича репрезентатив, мувозанатли ва ишончли Умумжаҳон мероси рўйхати учун кўплаб мутахассисларнинг ҳудудий ва тематик йигинлари ўтказилишини талаб қилди. Мазкур йигинларнинг натижаси номинацияларни тайёрлашда Иштирокчи давлатларга қўлланма бўлиши мумкин. Умумжаҳон мероси Кўмитасига тақдим қилинган мутахассисларнинг ҳудудий ва тематик йигинларининг ҳисботлари қуидаги веб-манзилда кўрсатилган: <http://whc.unesco.org/en/globalstrategy>

III. КОНСУЛЬТАТИВ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТЕМАТИК ВА ТАҚҶОСЛОВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

26. Маданий ва табиий обьектларнинг номинацияларини баҳолаш борасидаги мажбуриятни бажариш мақсадида Консультатив органлар ўзларининг баҳоси бўйича хулоса қилиш учун кўпинча шерик ташкилотлар билан ҳар хил предмет доирасида тақъослов ва тематик тадқиқотлар ўтказди.

Мазкур ҳисботларнинг кўпчилиги уларнинг веб-манзилларида кўрсатилган бўлиб, қуидагиларни ўз ичига олади:

Дунёнинг геологик тарихи – Умумжаҳон меросининг қазиб олинадиган номинацияларини баҳолашнинг якуний структураси / Earth's Geological History - A Contextual Framework for Assessment of World Heritage Fossil Site Nominations (сентябрь, 1996 й.)

Халқаро каналлар – обидалар рўйхати / International Canal Monuments List (1996 й.) <http://www.icomos.org/studies/canals-toc.htm>

Умумжаҳон мероси кўприклари / World Heritage Bridges (1996 й.) <http://www.icomos.org/studies/bridges.htm>

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган муҳофаза қилинадиган ўрмон зоналари ҳақида Глобал умумий маълумот / A Global Overview of Forest Protected Areas on the World Heritage List (сентябрь, 1997 й.) <http://www.unep-wcmc.org/wh/reviews/forests/>

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган муҳофаза қилинувчи ботқоқликлар ва сув ости зоналари ҳақида глобал умумий маълумот / A Global Overview of Wetland and Marine Protected Areas on the World Heritage List (сентябрь, 1997 й.) <http://www.unep-wcmc.org/wh/reviews/wetlands/>

Инсоният томонидан Умумжаҳон мероси табиий обьектларидан фойдаланиш / Human Use of World Heritage Natural Sites (сентябрь, 1997 й.) <http://www.unep-wcmc.org/wh/reviews/human/>

Қазиб олинган гоминид обьектлар / Fossil Hominid Sites (1997 й.) <http://www.icomos.org/studies/hominid.htm>

Лотин Америкасининг шаҳар архитектура мероси / The Urban Architectural Heritage of Latin America (1998 й.) <http://www.icomos.org/studies/latin-towns.htm>

Антик театрлар ва амфитеатрлар / Les Théâtres et les Amphithéâtres antiques (1999 й.)
<http://www.icomos.org/studies/theatres.htm>

Темир йўллар Умумжаҳон мероси объекти сифатида / Railways as World Heritage Sites (1999 й.) <http://www.icomos.org/studies/railways.htm>

Био хилма-хиллик учун алоҳида аҳамиятга эга Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудлар хақида глобал умумий маълумот / A Global Overview of Protected Areas on the World Heritage List of Particular Importance for Biodiversity (ноябрь, 2000 й.) <http://www.unep-wcmc.org/wh/reviews/>

Қишлоқлар саноат меросининг таркибий қисми сифатида / Les villages ouvriers comme éléments du patrimoine de l'industrie (2001 й.) <http://www.icomos.org/studies/villages-ouvriers.htm>

Геологик Умумжаҳон мероси учун глобал стратегия / A Global Strategy for Geological World Heritage (февраль, 2002 й.)

Жанубий Африкадаги чўққи санъати / Rock-Art Sites of Southern Africa (2002 й.)
<http://www.icomos.org/studies/sarockart.htm>



УМУМЖАҲОН МЕРОСИ КОНВЕНЦИЯСИДА ҲАҚИҚИЙЛИК МАСАЛАСИ

КИРИШ

Ушбу иловада ҳақиқийлик бўйича Нара ҳужжати келтирилади. Мазкур ҳужжат 1994 йил 1–6 ноябрь кунлари Япониянинг Нара шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон мероси Конвенциясида қўлланувчи ҳақиқийлик бўйича Нара Конференциясида 45 нафар иштирокчилар томонидан лойихалаштирилган. Нара конференцияси ЮНЕСКО, ИККРОМ ва ИКОМОС билан ҳакорликда ташкил қилинган.

Умумжаҳон мероси Кўмитаси ўзининг 18-сессиясида Нара йигинининг ҳисоботини ўргангандан (Пхукет, Тайланд, 1994 й.) (қаранг: WHC-94/CONF.003/16 ҳужжати).

Мутахассисларнинг кейинги йигинлари Умумжаҳон мероси Конвенциясида қўлланилувчи ҳақиқийлик концепциясини янада кенгайтирди (қаранг: Амалий қўлланма библиографияси).

I. ҲАҚИҚИЙЛИК БЎЙИЧА НАРА ҲУЖЖАТИ

Кириши

1. *Биз, Нара (Япония)да йигилган мутахассислар, сақланаётган ҳудудда анъанваий фикрлашга ва сақлаш тажерибасига маданий ҳамда мерос хилма-хиллиги учун янада кенгроқ эътироф олиб келини борасидаги ўз қарашларимизни кенгайтиришининг йўллари ва усулиарини муҳокама қилишига имконият яратгани учун Япон ҳукуматининг сахиyllиги ва интелектуал ғамхўрлигини эътироф этамиз.*
2. *Шунингдек, биз Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун тақлиф қилинган маданий обьектларнинг Умумжаҳон мислсиз қийматини ўрганишида барча жасамиятларнинг ижтимоий ва маданий қийматларига катта ҳурмат бажо келтириши йўлида ҳақиқийлик кўригини қўллаш бўйича истак билдирган Умумжаҳон мероси Кўмитаси томонидан тақдим қилинган муҳокама доирасининг баҳосини ҳам эътироф этамиз.*
3. *Ҳақиқийлик бўйича Нара ҳужжати Венеция хартиясининг 1964 йил руҳияти билан боғлиқ бўлиб, унга асосан ташкил топган ҳамда бизнинг замонавий дунёда маданий мерос ва манфаатлари доирасининг кўлами ошиб боришига жавобан кенгаяди.*
4. *Глобаллашув ва стандартлашиши кучларига тобора киришиб бораётган дунёда ва маданий ўзига хосликни топшига бўлган интилиши баъзида агресив миллатчилик туфайли таъқиб қилинаётган дунёда ҳамда камчилик маданиятининг куч билан бостирилиши, сақлаш амалиётида ҳақиқийликни аниқлаши борасида муҳим ҳисса инсониятнинг умумий хотирасини аниқлаши ва ёритишдан иборатдир.*

Маданият хилма-хиллиги ва мерос турфалиги

5. *Бизнинг дунёда маданиятлар ва мерос хилма-хиллиги бутун инсоният учун маънавий ва интелектуал бойликнинг тенги йўқ манбаидир. Бизнинг дунёда маданият ва мерос хилма-хиллигини муҳофаза қилиши ва ривожлантириши инсоният тараққиётининг муҳим жиҳати сифатида фаол рағбатлантириши лозим.*
6. *Маданий мерос хилма-хиллиги вақт ва жойда мужассам ҳамда бошига маданиятлар ва улар ишонч тизимининг бои жиҳатларини ҳурмат қилишини тақозо этади. Маданий қадриятлар мунозара остида қолиб кетган ҳолларда, маданий хилма-хилликка бўлган ҳурмат барча тарафларнинг маданий қадриятларининг қонунийлигини эътироф этишига чақиради.*

7. *Барча маданиятлар ва жамиятлар уларнинг меросини ташкил этувчи моддий ва номоддий ифодаларнинг аниқ шакли ва усувларига асосланади.*
8. *Хар бирининг маданий мероси барчанинг маданий мероси эканлиги тўғрисидаги ЮНЕСКОнинг фундаментал принципини эътироф этиши мухимdir. Маданий меросга нисбатан масъулият ва уни бошқарии биринчи навбатда уни ташкил қилган маданий жамоага ва бир вақтнинг ўзида у учун ғамхўрлик қилувчига тегишилидир. Бинобарин, ушибу мажбуриятларга қўшимча равишда маданий меросни сақлашга қаратилган хартиялар ва конвенцияларга содиқлик улардан келувчи принциплар ва мажбуриятларни эътироф этишини талаб этади. Улар ўзларининг талабларини бошқа маданий жамоаларни билан тенглаштиришлари ҳар бир жамоа учун катта аҳамиятга эга ва мазкур тенгликка эришиши уларнинг фундаментал маданий қадриятларини бузмайди.*

Қадриятлар ва ҳақиқийлик

9. *Маданий мероснинг барча шакллари ва тарихий даврини сақлаши мероснинг асосини ташкил қилувчи қиймат билан боғлиқдир. Бизнинг ушибу қийматни тушуниши қобилиятимиз мазкур қимматликлар тўғрисидаги қайси маълумотлар манбаи ҳақиқий ёки ишионарли эканлигини тушуниши даражамизга боғлиқ. Маданий мероснинг ҳақиқий ва кейинги ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг англатган маъносига нисбатан мазкур маълумотлар манбаларини билиши ва тушуниши ҳақиқийликнинг барча жиҳатларини баҳолаши учун мухим асос ҳисобланади.*
10. *Мазкур йўналишида аниқланган ва Венеция хартиясида тасдиqlанган ҳақиқийлик ҳолати, қийматларга алоқадор мухим баҳолаши омилни сифатида вужудга келади. Ҳақиқийликни тушуниши маданий мерос бўйича барча амалга ошириладиган тадқиқотларда, сақлаши ва қайта тиклаши режсаларида, шунингдек, Умумжоҳон мероси Конвенцияси учун қўлланиладиган рўйхатга киритиши жараёнларида ва бошқа маданий мерос инвентаризацияларида фундаментал роль ўйнайди.*
11. *Маданий объектларга қаратилган қадриятлар тўғрисидаги барча фикрлар, шунингдек, тегишили маълумот манбасининг ҳақиқийлиги ҳар бир маданиятда ҳар хил бўлади ва ҳатто бир маданият доирасида ҳам фарқ қиласди. Шу боис, аниқ критерияга асосланган ҳолда қадриятлар ва ҳақиқийлик бўйича бир тўхтамга келишининг имкони мавжуд эмас. Аксинча, барча маданиятларга билдирилган ҳурмат маданият объектларининг уларга тегишили бўлган маданият контекстлари доирасида аниқланиши ва муҳокама қилиншини талаб этади.*
12. *Шунинг учун, ҳар бир маданиятда унинг мероси қадриятларининг ўзига хос хусусияти ҳамда тегишили маълумотлар манбаларининг ҳақиқийлиги ва ишионарлилигининг эътироф этилиши катта аҳамиятга эга ва зарурдир.*
13. *Маданий мероснинг табиати, унинг маданий жиҳати ва унинг вақт ўтиши давомидаги эволюциясига таянган ҳолда ҳақиқийлик мулоҳазалари юқори даражада хилма-хил маълумотлар манбаларининг баҳосига боғлиқдир. Манбаларнинг жиҳатлари шакл ва дизайн, материаллар ва модда, фойдаланиши ва функция, анъаналар ва техникалар, манзил ва мухит ҳамда руҳият ва ҳиссият, шунингдек, бошқа ички ва ташки омилларга эга бўлиши мумкин. Мазкур манбалардан фойдаланиши ўрганилаётган маданий мероснинг маҳсус бадиий, тарихий, ижтимоий ва илмий ўлчамларини такомиллаштиришга имкон беради.*

1-илюва: Риоя қилиши учун тавсиялар

1. Маданий ва мерос хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат айрим обидалар ва тарихий жойларнинг ҳақиқийлигини аниқлаши ёки белгилаши учун механик формула ёхуд стандарт жараёнларни табдиқ этишига мажбурлашдан сақланиши бўйича давомли саъй-ҳаракатларни талаб этади.
2. Ҳақиқийликни маданий ва мерос хилма-хиллигига ҳурмат руҳида аниқлашига бўлган ҳаракатлар уларнинг табиати ва эҳтиёжига мувофиқ мантиқий жараёнлар ва воситаларни ривожлантиришини қўллаб-куватловчи ёндашувларни талаб этади. Мазкур ёндашувлар бир қанча умумий жиҳатларга эга бўлиши ва қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
 - ҳақиқийликни баҳолашга бўлган ҳаракатлар кўп тармоқти ҳамкорлик ҳамда барча мавжуд таҳтил ва билимни тўғри намойини этишини ўз ичига олади;
 - тегишили қадриятларни таъминлаши учун ҳаракатлар айрим обидалар ва тарихий жойларда маданият ва унинг манфаатларининг хилма-хиллигининг ҳақиқий намойини идир;
 - келажакда сақлаши ва мониторингни амалга оширишига амалий қўлланма сифатида обидалар ва тарихий жойларнинг айрим жиҳатларини ҳужжатлаштиришига доир ҳаракатлар;
 - ўзгараётган баҳолаш мезонлари ва муҳитнинг таъсири остида ҳақиқийлик баҳоларини янгилаб бориши бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар.
3. Амалий жиҳатдан муҳим ҳаракатлар тегишили қадриятлар ҳурмат қилинадиган ва мақсади мазкур қадриятларга алоқадор кўп томонлала ва жамоавий келишувга имкон қадар эришишини ўз ичига оладиган ҳаракатлардан иборатдир.
4. Шунингдек, ёндашувлар ҳар бир маданиятнинг турли хил ифода ва қимматликлари бўйича глобал ҳурмат ва тушунчани ривожлантириши учун, маданий меросни сақлашига қизиқувчилар орасида халқаро ҳамкорликни йўлга кўйини ва ёрдам бериши лозим.
5. Мазкур мулоқотнинг дунёнинг турли ҳудудлари ва маданиятларида давомийлиги ва кўлами инсониятнинг умумий меросини сақлашида ҳақиқийликни аниқлаши борасида амалий баҳони кучайтириши учун замин яратади.
6. Объектнинг фундаментал ўлчами бўйича аҳоли орасида хабардорликни ошириши ўтган даврнинг изларини муҳофазасини таъминлашига ва талабга кўра, унинг намойини этишини ва ривожланишини қаратилган барча ҳаракатлар. (Маданий мерос Умумжоҳон мероси Конвенциясининг 1-моддасида кўрсатилгани каби обидалар, бинолар ансамбли ва маданий аҳамиятга эга объектларни ўз ичига олади).

2-илюва: Таърифлар

Сақлаш: маданий меросни тушунишига, унинг тарихини ва маъносини англашига, унинг таркибий қисмлари муҳофазасини таъминлашига ва талабга кўра, унинг намойини этишини ва ривожланишини қаратилган барча ҳаракатлар. (Маданий мерос Умумжоҳон мероси Конвенциясининг 1-моддасида кўрсатилгани каби обидалар, бинолар ансамбли ва маданий аҳамиятга эга объектларни ўз ичига олади).

Маълумотлар манбалари: маданий мероснинг табиати, ўзига хос хусусиятлари, тушунчаси ва тарихини англашига имкон берувчи ёзма, оғзаки ва образли барча материаллар манбалари.

II. ҲАҚИҚИЙЛИК БҮЙИЧА ХРОНОЛОГИК БИБЛИОГРАФИЯ

Нара конференциясида тақдим этилган ва мұхомамаларда ҳақиқийлик бүйича асос яратишига күмак берған нашрлар:

Ларсен, Нут Эйнар. Японияга тегишли қадимий ёғоч биноларнинг ҳақиқийлигига шарх (Larsen, Knut Einar, A note on the authenticity of historic timber buildings with particular reference to Japan), Умумжағон мероси Конвенцияси учун ноодатий хужжатлар, ИКОМОС, декабрь 1992 й.

Ларсен, Нут Эйнар, Ҳақиқийлик ва реконструкция: Японияда архитектурани сақлаб қолиш, (Larsen, Knut Einar, Authenticity and Reconstruction: Architectural Preservation in Japan), Норвегия технология муассасаси, 1-2 томлар, 1993 й.

Нара конференцияси учун Берген (Норвегия)да үтказилған тайёргарлик үйиғилиши, 1994 й. 31 январь – 1 февраль.

Ларсен, Нут Эйнар ва Марстейн, Нильс (тахрири остида) Умумжағон мероси Конвенциясида күлланилувчи ҳақиқийлик масалалари бүйича конференция учун тайёргарлик семинари, (Larsen, Knut Einar, Marstein and Nils (ed.), Conference on authenticity in relation to the World Heritage Convention Preparatory workshop), Берген, Норвегия, 31 январь – 2 февраль, нашр. «Тапир Форлаг» (Tapir Forlag), Тронхейм 1994 й.

Нара конференцияси, 1994 йил 1–6 ноябрь, Нара, Япония:

Ларсен, Нут Эйнар (Йокилемто, Лемэр, Масуда, Марштейн, Стөвл) мұхаррирлар гурухи билан бирға Умумжағон мероси Конвенциясида эътибор қаратылған ҳақиқийлик масалалари бүйича Нара конференцияси (Larsen, Knut Einar with an editorial group (Jokilehto, Lemaire, Masuda, Marstein, Stovel), Nara conference on authenticity in relation to the World Heritage Convention. Conférence de Nara sur l'authenticité dans le cadre de la Convention du Patrimoine Mondial), Нара, Япония, 1–6 ноябрь, 1994 й., Конференция материаллари ЮНЕСКО томонидан нашр қилинған – Умумжағон мероси маркази, Япониянинг маданият ишлари бүйича агентлиги, ИККРОМ ва ИКОМОС, 1994 й.

Нара конференциясида 26 та давлатдан 45 нафар мұтахассис, шунингдек, бутун дунё бүйича халқаро ташкилотлар иштирок этди. Юқорида күрсатылған иштирок этувчилар маңузаларининг матни, Раймона Лемэра ва Херба Стовела тахрири остида, конференциянинг 12 та иштирокчисидан таркиб топған ишчи гурух томонидан тайёрланған. Конференцияни үтказиш натижалари бүйича үйиғилған материалларнинг мазкур нашри ИКОМОС айзолари ва бошқа ташкилотларни Нара хужжатида күрсатылған дунёнинг бошқа худудларига тааллуклы масалалар бүйича маҳокама қилишшиға чакиради.

Нара конференциясидан сўнг үтказилған мұхим ҳудудий үйинлар (2005 й. январь ҳолатига кўра):

Ҳақиқийлик ва мониторинг (Authenticity and Monitoring), 1995 й. 17–22 октябрь, Чешский Крумлов, Чехия Республикаси, Европа конференцияси ИКОМОС 1995 й.

1995 йил 17–22 октябрь кунлари Чехия Республикасининг Чешский Крумлов шаҳрида үтказилған Европа ИКОМОС конференциясида 14 давлат томонидан ҳақиқийлик концепциясининг күлланилиши бүйича миллий қарашларни намойиш қылған ҳолда ИКОМОСнинг Европадаги 18 та айзоси иштирок этган. Мазкур хужжатлар сақлаш масалаларига ҳаққоний, холис ва тўғри ёндашишни таъминлаш воситаси сифатида, сақлаш муаммоларини ечиш учун үтказиладиган таҳлилий жараёнлар доирасида биз қўллаётган ҳақиқийлик мезонининг мұхимлигини қўрсатди ҳамда маданий ландшафтлар ва шаҳар атроф-муҳитига ҳақиқийлик таҳлилини тўғри қўллаш учун динамик сақлашнинг ролини оширишга эътибор қаратади.

Маданий меросни сақлаш ва бошқариш масалалари бүйича Америкалараро симпозиум (Interamerican symposium on authenticity in the conservation and management of the cultural heritage), АҚШ/ИКОМОС. Гетти номидаги сақлаш муассасаси, Сан-Антонио, Тексас, 1996 й.

Ҳақиқийлик масалалари бўйича Сан-Антониода (Техас, АҚШ) 1996 йилда ўтказилган ушбу йигин Нара ҳужжатида белгиланган концепцияларни қўллаш билан боғлиқ масалаларни мухокама қилиш мақсадида ИКОМОС миллий қўмитаси, Шимолий, Марказий ва Жанубий Америкадан иштирокчиларни бир жойга тўплади. Мазкур йигинда ҳақиқийлик ва асиллик, тарихий материаллар, ижтимоий кадриятлар, динамик ва статик объектлар, экологик барқарорлик ва иқтисодиёт орасидаги алоқалар ўрганилган Сан-Антонио Декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, аниқ баҳоси, контексти, асиллиги, фойдаланилиши ва функциялари инъикосини камраб олиши учун ҳақиқийлик “далиллари” чегараларини қенгайтириш бўйича таклифлар, шунингдек, ҳар хил типологияли объектларга дахлдор таклифларни ўз ичига олди.

Саома-Фореро, Галиа (чоп этилган), Африка контекстида ҳақиқийлик ва бутунлик: мутахассислар йигини, Буюк Зимбабве (Saouma - Forero, Galia, (edited by), Authenticity and integrity in an African context: expert meeting, Great Zimbabwe), Зимбабве, 26–29 май 2000 й., ЮНЕСКО – Умумжаҳон мероси маркази, Париж, 2001 й.

Умумжаҳон мероси маркази томонидан ташкил қилинган Буюк Зимбабве йигини (2000 й. 26–29 май) Африка контекстида ҳам ҳақиқийлик, ҳам бутунлик мезонларига эътибор қаратди. Ўн саккиз нафар маъruzачилар ҳам маданий, ҳам табиий мерос объектларини бошқаришда вужудга келган масалаларни ўрганганди. Йигин якунида иштирокчилар томонидан тақдим қилинган кўплаб тавсияларни ўзида мужассамлаштирган, юқорида кўрсатилган нашр тайёрланди. Тавсиялар орасида бошқариш тизими, тил ва бошқа номоддий мерос шаклларини ҳақиқийликни ифодалаш хусусиятларига киритиш ҳамда меросни ишончли бошқариш жараёнида маҳаллий жамоаларга урғу бериш таклифи билдирилди.

Умумжаҳон мероси Конвенцияси доирасидаги реконструкция бўйича мухокамалар (2005 йил, январь ҳолатига кўра):

Худудий конференция томонидан қабул қилинган маданий мерос доирасидаги ҳақиқийлик ва тарихий реконструкция бўйича Рига хартияси (*The Riga Charter on authenticity and historical reconstruction in relationship to cultural heritage adopted by regional conference*), Рига, 24 октябрь 2000 й., ЮНЕСКОнинг Латвия миллий комиссияси – Умумжаҳон мероси маркази, ИККРОМ.

Инчери Медичи, Елена ва Стовел, Херб, Маданий меросни сақлаш доирасидаги ҳақиқийлик ва тарихий реконструкция, худудий конференция, Рига, Латвия, 23-24 октябрь 2000 й.: якуний ҳисобот (Incerti Medici, Elena and Stovel, Herb, *Authenticity and historical reconstruction in relationship with cultural heritage, regional conference, Riga, Latvia, October 23-24 2000: summary report*), ЮНЕСКО – Умумжаҳон мероси маркази, ИККРОМ, Рим, 2001 й.

Стовел, Херб, Умумжаҳон меросини сақлаш доирасидаги ҳақиқийлик ва тарихий объектларни қайта тиклаш бўйича Рига хартияси, Рига, Латвия, октябрь 2000 й. (Stovel, Herb, *The Riga Charter on authenticity and historical reconstruction in relationship to cultural heritage, Riga, Latvia, October 2000*), археологик обидаларни сақлаш ва бошқариш борасида (Conservation and management of archaeological sites), 4 том, 4-сон, 2001 й.

Умумжаҳон мероси шаҳарларида тарихий реконструкцияга муқобиллар (Alternatives to historical reconstruction in the World Heritage Cities), Таллин, 16–18 май 2002 й., Маданий мерос бўйича Таллин департаменти, ЮНЕСКОнинг Эстония миллий комиссияси, мерос бўйича Эстония миллий кенгаши.



Мазкур шакл 2005 йил 2 февралдан кейин киритилган барча номинациялар учун йўлланилади

- Номинация шакли қуидаги веб-манзилда мавжуд: <http://whc.unesco.org/en/nominationform>
- Номинациялар тайёрланиши бўйича навбатдаги тавсиялар Амалий қўлланманинг 3-бўлимида кўрсатилган.
- Якунланган номинация форматининг ҳақиқий имзоланган варианти инглиз ёки француз тилида ЮНЕСКОнинг Умумжахон мероси марказига юборилиши лозим:

ЮНЕСКОнинг Умумжахон мероси маркази

7, Плас де Фонтенуа
75352 Париж 07 SP
Франция

Телефон: +33 (0)1 4568 Электрон почта
манзили: wh-nominations@Unesco.org

ЮНЕСКО Умумжахон Мероси Маркази

7, place de Fontenoy
75352 Paris 07 SP
France
Telephone: +33 (0) 1 4568 Электрон почта
манзили: wh-nominations@Unesco.org

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Иштирокчи давлат томонидан тақдим қилинган ушбу маълумот Умумжаҳон мероси кўмитасининг қарорига асосан Котибият томонидан янгиланади. Шундан сўнг, у Умумжаҳон мероси рўйхатига қайси асосларга кўра киритилганилиги қайд этилган ҳолда иштирокчи давлаттага қайтарилади.

Иштирокчи давлат	
Давлат, вилоят ёки туман	
Объект номи	
Секундларигача кўрсатилган географик координатлари	
Номинация қилинган объектнинг чегараси (чегаралари) тўғрисидаги ёзма тавсиф	
Номинация қилинган объектнинг чегаралари ва буфер зоналари (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган А4 ёки А3 ҳажмдаги харитаси (хариталари)	Номинацияга имконият даражасида катта миқдорда киритилган ёки илова қилинган номинация обьекти ва буфер зонасини (агар мавжуд бўлса) кўрсатувчи топографик ёки кадастр хариталари асл нусхаларининг ҳажми қисқартирилган версиясидаги А4 ёки А3 ҳажмдаги харита (хариталар) бириктирилади.
Объект номинациясида асосланган мезонлар (мезонларни санаб ўтинг) (каранг: Амалий қўлланмана 77-боб)	
Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти лойиҳаси (матн номинация обьектининг айнан қайси жиҳатларида Умумжаҳон мислсиз қиймати мажассамлигини ёритиши, тахминан 1-2 бетда бўлиши лозим)	155-бобга асосан Умумжаҳон мислсиз қиймати кўйидагилардан иборат: a) Қисқача синтез; b) Мезон учун исбот; c) Бутунлик баёноти (барча обьектлар учун); d) (i) дан (vi) гача мезонлар бўйича номинация қилинган обьектлар учун ҳақиқийлик баёноти; e) Мухофаза қилиш ва бошқариш учун талаблар (каранг: 10-иловадаги формат).
Расмий маҳаллий муассаса/агентликнинг номи ва у билан боғланиш учун маълумотлар	Ташкилот: Манзил: Телефон: Факс: Электрон почта: Веб-манзил:

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номинация қилинган объектлар

Эслатма: Номинацияни тайёрлаш жараёнида иштирокчи давлатлар кўрсатилган шаклдан фойдаланишлари, бироқ изоҳларни ўчириб боришлари лозим.

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ		ИЗОҲЛАР
1. Объектни аниқлаш		2-банд билан бирга ушбу талаб номинация қилиш жараёнида муҳим ҳисобланади. Мазкур банд объект қаерда жойлашганилиги ва қандай қилиб географик аниқланишини Кўмитага аниқ кўрсатиб бериши керак. Сериал номинацияларда номинациянинг ҳар бир қисми, худуди (агар қисмлари ҳар хил худудларда жойлашган бўлса), координатлари, майдони ва буфер зонаси учун унинг номини кўрсатувчи жадвал киритилиши лозим. Заруратга қараб жадвалга номинациянинг алоҳида қисмларини фарқлашга ёрдам берувчи бошқа маълумотлар (хужжат бетига ҳавола, ҳарита раками ва бошқа) ҳам киритилиши мумкин.
1.a Давлат (ва иштирокчи давлатлар, агар улар ҳар хил бўлса)		
1.b Давлат, вилоят, туман		
1.c Объект номи		Бу ном – объектнинг Умумжаҳон мероси тўғрисида нашр қилинган хужжатда кўрсатиладиган расмий номидир. У лўнда бўлиши, сўзлар орасидаги очик жойлар ва тиниш белгилари билан бирга 200та белгидан ошмаслиги керак. Сериал номинацияларида (каранг: Амалий кўлланма 137-139-боблар) ансамблга ягона ном беринг (масалан: “Филиппин никоҳ черковлари”). Жадвалга 1.d ва 1.f. бандларнинг бир қисми сифатида киритилиши лозим бўлган сериал номинациялар таркибий қисмларининг номларини киритманг.
1.d Секундларгача бўлган географик координаталари		Ушбу жойда координатларнинг кенглиги ва узунлиги (секундларгача) ёки номинация қилинган объектнинг Дастлабки марказий нуқтасидан UTM – координатлари (10 метргача). Бошқа координат тизимларидан фойдаланманг. Агар иккилассангиз, Котибият билан маслаҳатлашинг. Сериал номинацияларда ҳар бир таркибий қисмининг номини, худудини (яқинида жойлашган шаҳарни) ва унинг марказий нуқтасининг координацияларини кўрсатувчи жадвал келтиринг. Координация форматига мисоллар: N 45° 06' 05" W 15° 37' 56" ёки UTM: Зона 18 Шарқий: ⁵ 45670 Шимолий: ⁴⁵ 86750

T/p №	Таркибий қисм номи	Вилоят (-лар) / Туман (-лар)	Марказий нуқта координациялари	Объект номинацияси таркибий қисмининг эгаллаган майдони (га)	Буфер зонасининг эгаллаган майдони (га)	Ҳарита №
001						
002						
003						
.....						

Жами худуд (гектарда)	га	га		
НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР			
1.e Номинация объекти ва буфер зонасининг чегараларини кўрсатувчи хариталар ва режалар	<p>Номинацияга илова қилинган қуйидаги ҳужжатларда масштаб ва саналарни кўрсатиб ўтинг:</p> <p>(i) номинация қилинган обьектни кўрсатувчи топографик хариталарнинг асл нусхаларини бутун обьект қўриниши учун энг катта масштабда беринг. Номинация қилинган обьект ва буфер зонасининг чегаралари аниқ белгиланиши керак. Мазкур обьектта алоқадор бўлган маҳсус муҳофаза қилинувчи зоналарнинг чегаралари хариталарда белгиланиши ва номинцияни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга оид бандларга киритилиши лозим. Сериал номинациялар учун бир нечта харита керак бўлиши мумкин (каранг: 1.d жадвал). Тақдим қилинган жадваллар мўлжалланган ҳар қандай хўжалик фаолиятининг чегара чизигига қўшилиб ёки унинг устида турганлигини аниқлаш учун атрофдаги аҳоли, бинолар ва трассалар каби топографик элементларга аниқлик киритиш мақсадида энг катта ва кулай масштабда бўлиши зарур. Етарли даражадаги масштабни танлаш мўлжаллананаётган обьектнинг чегараларини аниқ кўрсатиш учун муҳим аҳамият касб этади ва рўйхатга киритиш учун мўлжаллананаётган категориядаги обьект билан алоқадор бўлиши лозим: маданий обьектлар кадастр хариталарини, табиий обьектлар ёки маданий ландшафтлар топографик хариталарини талаб этади (одатда 1:25 000 to 1:50 000 масштабда).</p> <p>Қалин чизиклар обьектнинг асл чегарасини аниқ ифодаламаслиги сабабли, асосий эътиборни харитадаги чегара чизигининг калинлигига қаратиш лозим.</p> <p>Хариталар қуйидаги веб-манзилда кўрсатилган манзиллардан олиниши мумкин. http://whc.unesco.org/en/mapagencies.</p> <p>Барча хариталар жойлар билан мос бўлиши ва хаританинг қарамакарши тарафида учта нуктада координатларнинг тўлиқ йигинидиси кўрсатилиши лозим. Хариталар уланмаган ҳолда бўлиши, масштаб, ориентация, ёритиш, проекция, берилган катталик, обьектнинг номи ва санаси кўрсатиши лозим. Иложи бўлса хариталар букланган ҳолда эмас, балки рулон қилиниб ўралган ҳолда юборилиши лозим.</p> <p>Рақамли географик маълумотларни ГИСга (Геоинформацион система) киритишига имкон берадиган тарзда тақдим этиши лозим, бироқ харитани тақдим этишининг ушбу шакли уни қоғоз қўринишида тақдим қилиниши истисно этмайди. Ушбу ҳолатда чегаралар схемаси (номинация қилинган обьект ва буфер зонаси), вектор шаклида, имкониятга қадар энг катта масштабда тақдим қилиниши керак. Иштирокчи давлат Котибият билан боғланиши ва мазкур масала юзасидан кўшимча маълумотларни олиши мумкин.</p> <p>(ii) Объектнинг иштирокчи давлат ҳудудида жойлашганлигини кўрсатувчи харитани,</p> <p>(iii) Режалар ва обьектнинг ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи маҳсус тайёрланган хариталар фойдалидир ва улар ушбу шаклга илова қилиниши мумкин.</p> <p>Номинациянинг насхасини қўпайтириш ва уни Консультатив органлар ва Умумжаҳон мероси Қўмитасига тақдим қилиниши осонлаштириш учун номинацияга имкон қадар A4 (ёки “босма ҳарф”) форматдаги хариталар билан бирга асосий хариталарнинг</p>			

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	<p>рақамли версияларини киритиш керак.</p> <p>Агар буфер зона тақдим қилинмаса, номинация объектнинг муҳофазасини тўғри таъминлаш учун нима сабабдан буфер зонаси киритилмаганлиги тўғрисида баёнотни ўз ичига олиши лозим.</p>
1.f Номинация қилинган объект ва тақдим қилинган буфер зонасининг эгаллаган майдони (га.) Номинация қилинган объектнинг эгаллаган майдони: _____ га Буфер зонаси _____ га Жами _____ га	<p>Сериал номинацияларда (қаранг: Амалий кўлланма 137-140-боблар), таркибий қисм номини, худуднинг координатларини (агар ҳар бир таркибий қисм учун ҳар хил бўлса), майдони ва буфер зонасини кўрсатувчи жадвал киритинг.</p> <p>Шунингдек, сериал номинациялар жадвали алоҳида номинация қилинган худудлар ва буфер зона (зоналар)нинг ўлчамини кўрсатиши керак.</p>
2. Тавсифи	
2.a Объект тавсифи	<p>Мазкур бўлим объектнинг номинация қилинган санадаги тавсифи билан бошланиши лозим. У объектнинг барча муҳим жиҳатларини камраб олиши керак.</p> <p>Маданий объектда мазкур бўлим объектнинг маданий жиҳатдан муҳимлигини белгиловчи ҳар қандай элемент тавсифини ўз ичига олади. У ҳар қандай бино ёки бинолар ва уларнинг архитектура улсуби, курилиш санаси, материаллари ва ҳоказо ҳақидаги тавсифларни камраб олиши мумкин. Шунингдек, мазкур бўлим боғлар, парклар ва ҳоказо каби ўраб турган худуднинг муҳим жиҳатларини кўрсатиши лозим. Масалан, “чўқи санъати”да тавсиф чўқи санъати билан бирга уни ўраб турган ландшафтларни ҳам камраб олиши керак. Тарихий шаҳар ёки туманда, ҳар бир бинони алоҳида тасвирлаш шарт эмас, бирор муҳим аҳамиятта эга жамоатчилик бинолари алоҳида тасвирланиши лозим ва биноларнинг жойлашиши бўйича режалаштирилган тизим ёки схемаси, кўчаларнинг жойлашуви ва ҳоказо ҳисобга олинниши керак.</p> <p>Табиий объектда жисмоний аттрибулар, геология, табиий муҳитлар, турлари ва кўпайиш миқдори ҳамда бошқа муҳим экологик жиҳатлар ва жараёнлар ҳисобга олинниши лозим. Керак бўлган жойда турлар рўйхати ва хавфли ёки эндемик таксанинг мавжудлиги ёритилиши лозим. Табиий ресурсларнинг миқдори ва улардан фойдаланиш методлари кўрсатилиши керак.</p> <p>Маданий ландшафтларда юқорида кўрсатилган барча холатларни ёритиш лозим бўлади. Аҳоли билан табиатнинг бир-бирига таъсирига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.</p> <p>1-бўлимда (қаранг: Объектнинг аниқланиши) кўрсатилган объект тўлиқ тасвирланиши лозим. Сериал номинацияларда (қаранг: Амалий кўлланма 137-140-боблар), ҳар бир таркибий қисмлар алоҳида тасвирланиши керак.</p>
2.b Тарих ва тараққиёт	<p>Объект ҳозирги шаклга қандай келганлигини, ҳолатини ҳамда сақланиши тарихини киритган ҳолда бошидан кечирган катта ўзгаришларни тасвирланг.</p> <p>Бу обидалар, атрофидаги худудлар, бинолар ёки бинолар ансамблида курилиш даври ҳақидаги маълумотларни ўзи ичига олиши керак. Объект қурилганидан сўнг киритилган ўзгаришлар, бузилишлар ёки қайта тиклаш ишлари амалга</p>

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	<p>оширилганлиги түгрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим.</p> <p>Табиий обьектда унинг эволюциясига таъсир қилган улкан тарихий ёки тарихдан олдинги ҳодисалар ва обьектнинг инсоният билан ўзаро таъсири қамраб олиниши керак. Бу обьектнинг қўлланилишидаги ўзгаришлар ва унинг ов килиш, балиқ тутиш ёки кишлоқ хўжалиги ёхуд иқлим ўзгариши, сув тошкнлари, ер қимирлаши ёки бошқа табиат ҳодисалари учун табиий ресурсларни ўз ичига олади.</p> <p>Мазкур маълумотлар обьект ҳудудидаги инсон фаолияти тарихидаги барча жабҳалар ўрганилиши лозимлиги боис маданий ландшафтларда ҳам талаб этилади.</p>
3. Объектни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун асослаш²⁶	<p>Асослаш қўйидаги бандларда келтирилиши лозим.</p> <p>Мазкур бандда қайси асосларга кўра обьект “Умумжаҳон мислсиз қиймати”га эга эканлигига аниқлик киритилиши лозим.</p> <p>Номинациянинг мазкур банди тўлиқ Амалий қўлланма талабларига мос равища эҳтиёткорлик билан ёзилиши керак. У бошқа бўлимларда келтирилган обьект ёки унинг бошқарилиши хақидаги батафсил тасвирловчи материални ўз ичига олмаслиги жоиз, бироқ обьектнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати таърифига муносиб муҳим жиҳатларини ифодалаши лозим.</p>
3.1.a Қисқача хulosса	<p>Қисқача хulosса (i) ҳаққоний маълумот бўйича хulosса ва (ii) сифатлар бўйича хulosани қамраб олиши лозим. Ҳаққоний маълумот бўйича хulosада географик ва тарихий контекст ҳамда обьектнинг асосий жиҳатлари баён этилади. Сифатлар бўйича хulosада қарор қабул қилувчилар ва жамотчиликка сақланиши лозим бўлган обьектнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати намойиш қилинади, шунингдек, обьектнинг потенциал Умумжаҳон мислсиз қийматини ифодаловчи хусусиятларининг хulosасини ўз ичига олиши ҳамда муҳофаза қилиниши, бошқарилиши ва мониторинг қилиниши лозим. Хulosса номинацияни асослаш учун барча келтирилган мезонларга алокадор бўлиши керак. Шу боис, қисқача хulosса обьектни номинация қилиш ва уни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун барча даллilarни қисқча баён этади.</p>
3.1.b Объектни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш мезони (ва мазкур мезон асосида рўйхатга киритишни асослаш)	<p>Қаранг: Амалий қўлланма, 77-боб.</p> <p>Хар бир кўрсатилган мезон учун алоҳида асос келтиринг.</p> <p>Объект ўзи номинация қилинган мезонга қанчалик мос келишини қисқача тушунтиринг (лозим бўлса, номинациянинг “тавсиф” ва “қиёсий таҳлил” бандларига ҳавола қилинг, бироқ ушбу банд жумлаларини тақорроламанг) ва ҳар бир мезон учун тегишли аттрибуторларни тасвирланг.</p>
3.1. с Бутунлик ҳақида баёнот	<p>Бутунлик ҳақида баёнот обьектнинг Амалий қўлланманинг II.D бандида янада кенгроқ ёритилган бутунлик талабларига тўлиқ жавоб беришини намойиш қилиш керак.</p> <p>Амалий қўлланмага асосан обьект шундай даражага эришиши</p>

²⁶ 132 ва 133-бандларни кўринг.

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	<p>лозимки, унда қуидагилар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Умумжаҳон мислсиз қийматига эгалигини ифода этиш учун зарур элементларни ўз ичига олиши; • Таркибий қисмларини ва объектнинг аҳамиятини баён этувчи жараёнларни тўлиқ намойиш қилиш учун етарли ҳажмга эга бўлиши; • Таракқиёт ва/ёки қаровсизликнинг салбий таъсиридан зарар кўриши (88-боб). <p>Амалий қўлланмада тушиниш муҳим бўлган турли Умумжаҳон мероси мезонига алоқадор маҳсус кўрсатмалар келтирилган (89–95-боблар).</p>
3.1.d Ҳақиқийлик баёноти ((i) дан (vi) гача мезонларга асосан номинация қилинган объектлар учун)	<p>Ҳақиқийлик баёноти Амалий қўлланманинг II.D бандида янада батафсил белгиланган ҳақиқийлик талабларига мувофиқ эканлигини намойиш қилиши лозим.</p> <p>Мазкур банд номинациянинг 4-бандида (бошқа бандларда ҳам) батафсилроқ ёритилиши мумкин бўлган маълумотларни жамлаши, бироқ батафсиллик даражаси ушбу бандларда кўрсатилгани каби бўлмаслиги лозим.</p> <p>Ҳақиқийлик факатгина маданий объектлар ва “аралаш” объектларнинг маданий жиҳати учун қўлланилади.</p> <p>Амалий қўлланмада “Объектлар агар уларнинг маданий қиймати (тақдим қилинган номинация мезонларига асосан тан олингани каби) ҳар хил хусусиятлари орқали хаққоний ва ишонарли ифодаланган бўлса, улар ҳақиқийлик даражасига эга деб топилиши мумкин” эканлиги белгиланган (82-боб).</p> <p>Амалий қўлланмада қуидаги хусусиятлар турлари Умумжаҳон мислсиз қийматини баён этувчи ёки ифодаловчи бўлиши мумкинлиги кўрсатилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> • шакл ва дизайн; • материаллар ва моддалар; • фойдаланиш ва функция; • анъаналар, техникалар ва бошқариш тизимлари; • жойлашган жойи ва атроф-мухит; • тил ва бошқа номоддий мерос шакллари; • маънавият ва ҳиссият; ва • бошқа ички/ташқи омиллар.
3.1.e Мухофаза қилиш ва бошқариш	<p>Мазкур банд объектнинг Умумжаҳон мислсиз қиймати вақт ўтиши билан сакланишини таъминлаш мақсадида мухофаза ва бошқариш учун талаблар қай тарзда таъминланишини ифодалashi лозим. У ҳам мухофаза қилиш, ҳам бошқаришнинг тўлиқ шакли ҳақидаги маълумотларни ҳамда объектнинг мухофазаси учун узок муддатли режаларни аниқлашни ўз ичига олиши керак.</p> <p>Мазкур банд номинация хужжатининг 5-бандида (шунигдек, 4-ва 6-бандларда ҳам) батафсилроқ ёритилиши мумкин бўлган маълумотларни жамлаши, бироқ батафсиллик даражаси ушбу бандларда кўрсатилгани каби бўлмаслиги лозим.</p> <p>Мазкур банддаги жумла мухофаза қилиш ва бошқариш учун чегараларни белгилаши лозим. У объектнинг Умумжаҳон мислсиз қийматини ўзида мужассам этган хусусиятларини мухофаза</p>

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	<p>қилувчи ва сақловчи зарур муҳофаза қилиш механизми, бошқариш тизимлари ва/ёки бошқариш режаларини (амалдаги ёки татбиқ этилиши мумкин бўлган) ўз ичига олиши, хавфларни ҳамда объектнинг заиф жиҳатларини йўқотиши лозим. У кучли ва самарали конуний химоя, асосий тарафдорлар ёки фойдаланувчи гурухлар, етарли ходимлар ва молиявий ресурслар билан алоқалар, намойиш қилиш учун асосий талаблар (қаерда керак бўлса) ва самарали ҳамда тезкор мониторингнинг аниқ хужжатлаштирилган бошқариш тизимини ўз ичига олиши мумкин.</p> <p>Шунингдек, мазкур бандда объектнинг муҳофазаси ва бошқарилиши учун ҳар қандай узок муддатли муаммоларни эътироф этиши ва мазкур муаммоларни ҳал этишининг узок муддатли стратегияларини қўрсатиш лозим. Объектга хавф солувчи улкан салбий омилларни, шунингдек, объектнинг кенг ёритилган бутунлиги ва/ёки ҳақиқийлиги ҳолатининг заиф томонлари ҳамда салбий ўзгаришларини келтириш керак. Бундан ташқари, муҳофаза қилиш ва бошқариш тартиблари қай тарзда мазкур заиф томонлар ва хавф солувчи омилларни йўқ қилиши, ва салбий ўзгаришларни камайтириши мумкинлиги қўрсатилиши лозим.</p> <p>Расмий баёнот тарзида Умумжаҳон мероси Кўмитаси томонидан эътироф этилган Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотининг мазкур бандида иштирокчи давлат томонидан объектнинг узок муддатли муҳофазаси ва бошқарилиши учун қандай муҳим харакатлар амалга оширилаётганлиги баён этилиши лозим.</p>
3.2 Солиштирма таҳлил	<p>Объект Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилганлиги ёки киритилмаганилигидан қатъи назар ўхшаш объектлар билан таққосланиши, солиштирилиши лозим. Тақкослаш номинация қилинган объектнинг бошқа объектлар билан ўхшаш жиҳатларини ва номинация қилинган объектни улардан ажратиб қўрсатиш сабабларини очиб бериши лозим. Тақкослов таҳлили номинация қилинган объектнинг ҳам миллӣ, ҳам халқаро миқёсда муҳимлигини тушунтиришни назарда тутиши лозим (каранг: 132-боб).</p> <p>Тақкослов таҳлилининг мақсади мавжуд тематик тадқиқотлардан фойдаланган холда Рўйхатда мазкур объект учун жой мавжудлигини кўрсатиш ҳамда сериал объектларда уни ташкил қилувчи қисмларни танлаш учун асослашдан иборат.</p>
3.3 Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти лойиҳаси	<p>Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти объектни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш давомида Умумжаҳон мероси Кўмитаси томонидан қабул қилинадиган расмий баёнотидир. Умумжаҳон мероси қўмитаси объектни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга розилик берганида объект қайси асосларга кўра Умумжаҳон мислсиз қийматига эга эканлиги, тегишли мезонга қай даражада жавоб бериши, бутунлиги ва ҳақиқийлиги (маданий объектлар учун) ҳамда Умумжаҳон мислсиз қийматини узок муддат сақлаши учун лозим бўлган муҳофаза ва бошқариш талабларига қай даражада жавоб бериши тўғрисидаги қисқача маълумотларни ўз ичига олган Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотига розилик билдиради.</p> <p>Умумжаҳон мислсиз қиймати баёнотлари лўнда ва стандарт шаклда бўлиши лозим. Мазкур баёнотлар объектнинг қийматига боғлиқ хабардорликни ошириш, унинг сақланниш ҳолатини баҳолаш, маълумотларни муҳофаза қилиш ва бошқариш жараёнини йўналтиришга кўмак бериши лозим. Умумжаҳон</p>

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	<p>мислсиз қиймати баёноти Күмита томонидан қабул қилинганидан сўнг, объектда ва ЮНЕСКО умумжаҳон мероси марказининг вебсайтида намойиш қилинади.</p> <p>Умумжаҳон мислсиз қиймати баёноти куйидаги асосий қисмлардан иборат бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> a) Қисқача хулоса; b) Мезонларни асослаш; c) Бутунлик баёноти (барча объектлар учун); d) (i) дан (vi) гача бўлган мезонлар асосида номинация қилинган объектлар учун ҳақиқийлик баёноти; e) Мухофаза қилиш ва бошқариш учун талаблар.
4. Сақлаш баёноти ва объектга таъсир қилувчи омиллар	
4.a Ҳозирги вақтдаги сақланиш ҳолати	<p>Мазкур бандда кўрсатилган маълумот номинация қилинган объектнинг келажакда сақланишини мониторинг қилиш учун зарур бўлган дастлабки кўрсаткичларни белгилайди. Мазкур бандда объектнинг физик ҳолати, объектнинг Умумжаҳон мислсиз қийматига салбий таъсир этувчи омиллар ва уни сақлаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилиши лозим (каранг: 132-боб).</p> <p>Масалан, тарихий шаҳар ёки худуд учун иморатлар, обидалар ёки бошқа катта ёки кичик тузатишни талаб этадиган тузилмаларни белгилаш, реконструкция бўйича яқинда ўтказилган ва тайёрланаётган катта лойиҳаларнинг кўлами ва давомийлигини киритиш лозим.</p> <p>Табиий объектларда турларнинг таркиби ёки экотизмнинг бутунлиги тўғрисидаги кўрсаткичлар келтирилиши керак. Номинация хужжатлари тўплами келажакда объектнинг ҳолатидаги ўзгаришларни таққослаш ва белгилаш учун фойдаланилиши сабабли муҳим ахамиятга эгадир.</p> <p>Объектнинг сақланиши ҳолатини мониторинг қилиш учун кўлланиладиган асосий кўрсаткичлар ва статистик ориентирлар кўйида, 6-банѓда кўрсатилган.</p>
4.b Объектга таъсир этувчи омиллар	<p>Мазкур банд объектнинг Умумжаҳон мислсиз қийматига таъсир қилиши ёки хавф солиши мумкин бўлган барча омиллар ҳақида маълумот берishi керак. Шунингдек, у мазкур муаммоларни ҳал қилиш борасида дуч келиш мумкин бўлган эҳтимолдаги ҳамма қийинчиликларни тасвирлаши лозим. Мазкур бандда кўрсатилган омилларнинг барчasi ҳам номинация қилинган объектларнинг ҳар бири учун тўғри келавермайди. Ушбу рўйхатлар дастлабки бўлиб, Иштирокчи давлатларга ҳар бир алоҳида объектлар учун тегишли бўлган омилларни аниқлашга кўмак бериш учун мўлжалланган.</p>
(i) Тараққиёт босими (масалан, ўзлаштириш, мослашиш, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмаларни олиш)	<p>Объектга таъсир этувчи тараққиёт босими турларини санаб ўтинг, масалан, бузиш, қайта куриш ёки янги конструкция ишлари, мавжуд биноларнинг ҳақиқийлиги ёки бутунлигини хавф остида қолдирувчи янги мақсадларда фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг кириб келиши, ўрмон хўжалиги, чорвачилик ёки туризмнинг нотўғри ташкил қилиниши ва бошқалар оқибатида табиий мухитнинг ўзгариши ёки бузилиши; табиий ресурслардан нотўғри ёки самарасиз фойдаланиш; ер ости қазилмаларни олиш оқибатида зарар етказиш; табиий экологик жараёнларни бузувчи эгзотик турларнинг киритилиши, шунингдек, объектнинг чегаралари ёки уларга тегишли бўлган худудларда объект ва унинг</p>

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	атроф-муҳитига зарар етказиши мумкин бўлган янги аҳоли марказларини ташкил этиш.
(ii) Атроф-муҳит босими, (масалан, табиятнинг ифлосланиш, иқлим ўзгариши, чўллашиш)	Объект флора ва фаунасини ташкил этишга таъсир қилувчи атроф-муҳит бузилишининг йирик манбаларини санаб ўтинг ва хулоса қилинг.
(iii) Табиий фалокатлар (ер қимирлаши, сув тошқинлари, ёнғинлар, ҳоказо) ва хатарнинг олдини олиш бўйича тайёргарлик	Объектга прогноз қилиш имкониятини берадиган хавф түғдирувчи фалокатлар ва уларнинг олдини олиш учун босилган қадамларни санаб ўтинг (амалий муҳофаза чораларини кўриш, ходимларни ўқитиш)
(iv) Умумжаҳон мероси объектларига ташриф буюришга масъулият билан ёндашиш	Объектга ташриф буюриш тартиби ҳакида маълумот беринг (хусусан, мавжуд бирламчи маълумот, объектнинг алоҳида кисмларида эътибор каратиши лозим бўлган харакатларни камраб олувчи фойдаланишининг ўзига хос хусусияти, шунингдек, келажакда амалга оширилиши режалаштирилаётган харакатлар). Рўйхатга киритиш ёки бошқа омилларга кўра объектга ташриф буюришни лойиҳалаштириши даражаларини тасвирланг. Объектнинг сигими доирасини ва ҳозирги ҳамда кутилаётган ташриф буюрувчиларнинг сонига жавоб бериши ва ривожланиш босимига салбий таъсирларсиз қандай тартибда бошқарув амалга оширилиши лозимлигини аниqlанг. Ташриф буюрувчилар босими ва унинг номоддий атрибуларига таъсирни ўз ичига олувчи хатти-харакатлар асосида объект ҳолати ёмонлашувининг кутилаётган шаклларини хисобга олинг.
(v) Объект худудида ва буфер зонасида истиқомат қилувчилар сони: Истиқомат қилувчиларнинг Дастлабки сони: Номинация қилинган объектлар худудида _____ Буфер зонасида _____ Жами _____ Йил _____	Номинация қилинган объект худудида ва ҳар қандай буфер зонасида истиқомат қилувчиларнинг мавжуд энг аниқ статистикаси ёки сонини тақдим қилиш лозим.
5. Объектни муҳофаза қилиш ва бошқариш	Номинациянинг мазкур банди қонун чиқарувчи, норматив-хуқуқий, шартномавий, режавий, институционал ва/ёки анъанавий чора-тадбирларнинг (қаранг: Амалий қўлланма 132-боб) ва жойида муҳофаза қилинадиган бошқариш режаси ёки бошқа бошқариш тизимининг (қаранг: Амалий қўлланма 108-боб) аниқ суратини тақдим қилиши ҳамда объектни Умумжаҳон мероси Конвенциясида талаб қилингани каби бошқаришга мўлжалланган бўлиши керак. У сиёсий жиҳатларни, юридик статус ва муҳофаза, шунингдек, кунлик маъмурӣ амалиётлар ва бошқариш

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	чораларини ёритиши лозим.
5.a Объектга эгалик қилиш	Ерга нисбатан объектнинг асосий мезонларини кўрсатинг (давлат, худудий, хусусий, жамоавий, анъанавий, одатий ва нодавлат объектларни ва ҳоказо).
5.b Объектнинг ҳимоявий статуси	Объектнинг тегишли қонуний, норматив-хуқукий, шартномавий, режали, институционал ва/ёки анъанавий статусини санаб ўтинг: Масалан, миллий ёки худудий парк; тарихий обида, урф-одатлар ёки миллий қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган худуд; ёки бошқалар. Ўзлаштириш йили ва юкорида кўрсатилган статус берилишига асос бўлган норматив-хуқукий хужжатларни кўрсатинг. Агар хужжат инглиз ёки француз тилида тақдим қилинмаса, хужжатнинг инглиз ёки француз тилидаги асосий тушунчаларини ифода этувчи хулоса қисми тақдим этилади.
5.c Ҳимоявий чора-тадбирларни қўллаш усуллари.	Объектнинг 5.b. бандда кўрсатилган қонуний, норматив-хуқукий, шартномавий, режали, институционал, ва/ёки анъанавий статуси амалиётда қандай ишлашини тасвирланг.
5.d Номинация қилинган объект жойлашган туман ва вилоятга тегишли бўлган мавжуд режалар (масалан, минтақавий ёки маҳаллий режа, саклаш режаси, туризмни ривожлантириш режаси)	Режаларнинг тасдиқланиш санасини ва уларни тайёрлаш учун масъул бўлган ташкилотларни кўрсатган ҳолда тасдиқланган режаларнинг рўйхатини келтиринг. Мазкур бандда номинацияга тегишли барча провизорлик хужжатлари жамланиши лозим. 7.b. бандда кўрсатилгани каби режанинг нусхаси бириктирилган хужжат сифатида киритилиши лозим. Агар режалар инглиз ёки француз тилида тақдим қилинмаса, режанинг инглиз ёки француз тилидаги асосий тушунчаларини ифода этувчи хулоса қисми тақдим этилади.
5.e Объектни бошқариш режаси ёки ўзга турдаги бошқариш тизими	Амалий қўлланманинг 132-бобида кўрсатилгани каби объектни бошқариш режаси ёки бошқариш тизимини тўғри ташкил қилиш зарур ва номинация билан бирга тақдим қилиниши лозим. Бошқариш режаси ёки бошқариш тизимининг самарали қўлланилишини таъминлаш ҳам керак. Бошқариш тизимига барқарор ривожланиш тамойиллари киритилиши лозим. Бошқариш режаси ёки бошқариш тизими хужжатларининг нусхаси 7.b. бандда кўрсатилгани каби, инглиз ёки француз тилида номинацияга илова қилиниши керак. Агар бошқариш режаси инглиз ёки француз тилидан бошқа тилда ёзилган бўлса, унинг инглиз ёки француз тилидаги хужжатларининг муфассал тушунчаси илова этилади. Ушбу номинацияга илова қилинган бошқариш режаларининг номи, санаси ва муаллифини кўрсатинг. Бошқариш режаси ёки хужжатлаштирилган бошқариш тизимининг муфассал таҳлили ёки таърифи кўрсатилиши керак. Бошқариш режасининг бажарилиши учун график белгилаш тавсия этилади.
5.f Молиялаштириш ресурслари ва ҳажмлари	Объектга йиллик асосда мавжуд бўлган молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини кўрсатинг. Шунингдек, мавжуд ресурсларнинг етарлилиги юзасидан, бўшликлар ёки етишмовчиликларни ёхуд кўмак бериш лозим бўлган соҳалар аниқланган ҳолда баҳолаш учун тақдим қилиниши мумкин.

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
5.g Сақлаш ва бошқариш методикаси доирасида малакали кадрлар ва уларни тайёрлаш манбалари	Давлат бошқаруви ёки бошқа ташкилотлар томонидан қандай мутахассислар ва тайёрлаш дастурлари мавжудлигини күрсатинг.
5.h Сайёхлик объектлари ва инфрастузилма	Мазкур банд ташриф буюрувчилар учун объектда мавжуд курилмаларни тасвирлаши ва улар кай даражада муҳофаза қилиш ва бошқариш талабларига жавоб беришими намойиш қилиши лозим. Шунингдек, қандай қилиб мазкур курилмалар ва хизматлар объектга хавфсиз ва тўғри киришини таъминлаш билан бирга ташриф буюрувчиларнинг эҳтиёжига мос келиши учун объектнинг самарали ва ҳар тарафлама намойиш қилиниши таъминлашини белгилаш лозим. Мазкур банд таржима қилиш/тушунтириш (кўрсатиш, йўналиш курилмалари, хабарлар ёки нашрлар, йўлбошчилик); объектга, ташриф буюрувчиларга ёки таржима марказларига бағишлиланган музей/кўргазма; ва/ёки рақамли технологиялар ва бошқа хизматлардан фойдаланиш мумкинлиги (ташриф буюрувчиларни жойлаштириш; овқатланиш; автотранспорт тўхташ жойлари; ҳожатхоналар; қидириш ва қутқариш хизматлари; ва ҳоказо)
5.i Объектни намойиш қилиш ва рағбатлантиришга алоқадор сиёsat ва дастурлар	Мазкур банд маданий ва табиий меросни намойиш қилиш ва келажак авлодга етказиб беришни назарда тутувчи Конвенциянинг 4- ва 5-моддаларига боғланган. Иштирокчи давлатлар номинация қилинган объектни намойиш қилиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган сиёsat ва дастурлар ҳакида маълумот беришлари керак.
5.j Ходимларнинг сони ва даражаси (профессионал, техник, хизмат кўрсатувчи)	Объектга ташриф буюриш ва келажақдаги ўқитишига бўлган эҳтиёжни киритган ҳолда объектни самарали бошқаришни ташкил этиш учун керак бўлган ходимларнинг маҳорати ва малакасини кўрсатинг.
6. Мониторинг	Номинациянинг мазкур банди объектни сақлаш бўйича маълум вақт давомидаги йўналиш кўрсаткичларини тақдим қилиш учун доимий равишда кўриб чиқиладиган ва ҳисобот бериладиган асословчи маълумотларни тақдим этишини назарда тутади.
6.a Сақланиш ҳолатини аниқлаш учун асосий кўрсаткичлар	<p>Бутун объектни сақлаш ҳолатини аниқлаш учун танланган асосий кўрсаткичлар рўйхатини тузинг (каранг: 4.a.). Мазкур кўрсаткичларни кўриб чиқиши даврийлигини ва ёзувлар сақланувчи жойни кўрсатинг. Улар объект муҳим жиҳатининг ифодаси бўлиши ва Умумжахон мислиз қийматига имкон қадар яқиндан боғлиқ бўлиши мумкин (каранг: 2.b.). Каерда керак бўлса сонлар билан тасвирланиши ва қаерда зарурат бўлмаса такорланиши мумкин, бўлмаса такорланиши ҳам мумкин, масалан, битта нуқтадан суратга олиш.</p> <p>Куйидагилар яхши кўрсаткичлар бўйича мисоллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> (i) турлар сонлари ёки табиий объектдаги keystone турлар; (ii) тарихий шаҳар ёки худудда жойлашган кенг кўламли тузатишларни талаб килувчи бинолар; (iii) кенг кўламли сақлаш дастури тугалланишидан олдин тезда ўтиб кетувчи ийллар сони; (iv) маълум бино ёки бино бир қисмида кўчишнинг турғунлиги ёки даражаси; (v) объектга нисбатан ҳар қандай тажовузкорликнинг ўсиши

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ	ИЗОХЛАР
	ёки пасайишини баҳолаш.

Кўрсаткич	Даврийлиги	Ёзувларнинг жойлашуви
Номинация шакли	ИЗОХЛАР	
6.b Объектда мониторинг амалга ошириш учун маъмурий чоралар	6.а. бандда кўрсатилган мониторинг турларини амалга оширишга масъул муассаса (-лар)нинг номи ва боғланиш бўйича маълумотларни тақдим қилинг.	
6.c Олдинги хисоботларнинг натижаси	Объектнинг сақланиш ҳолати бўйича кисқача хулоса билан олдинроқ берилган хисоботларни санаб ўтинг ва нашр қилинган манбалардан парчалар ва ҳаволалар келтиринг (масалан, ҳалқаро келишувлар ва дастурларга мувофиқ киритилган хисоботлар, Рамсар конвенцияси, МАБ ва бошқалар).	
7. Хужжатлаштириш	Номинациянинг мазкур бандида тўлиқ номинацияни ташкил қилиш учун таъминланадиган хужжатларнинг рўйхати санаб ўтилади.	
7.a Суратлар ва аудиовизуал материаллар ҳамда улардан фойдаланишга рухсат бериш	<p>Иштирокчи давлатлар объектнинг яхши ва умумий кўринишини тақдим қилиш учун яқинда олиган суратларнинг (суратлар, слайдлар ва керак бўлса электрон материаллар, видеолар ва фазодан олинган суратлар) етарли миқдорини тақдим қилиши лозим.</p> <p>Слайдлар 35 мм форматда электрон суратлар “jpg” форматида минимал 300 дрі (бир дюймли нукталар) ҳажмда бўлиши лозим. Видео материаллар учун уларнинг сифатли тайёрланишини таъминлаш мақсадида Beta SP формати тавсия этилади.</p> <p>Мазкур материалга image inventory ва қўйида кўрсатилган сурат ва аудиовизуал материаллардан фойдаланиш бўйича рухсат бериш шакли илова қилиниши лозим.</p> <p>Объектни тасвирловчи расмий веб-саҳифада фойдаланилган камидা битта сурат киритилиши керак.</p> <p>Иштирокчи давлатлар ЮНЕСКОга ёзма равишда ва текинга, тақдим қилинган ракамли, барча ёки бир қисм суратларни ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай ёрдам орқали тарқатиш, аҳоли билан мулоқот қилиш, нашр қилиш, қайта ишлаб чиқиш, ишлатиш ва ушбу хукуқларни учинчи шахсга ўтказиш хукукини беришлари керак.</p> <p>Хукуқларнинг маҳсус бўлмаган ҳолатлари интеллектуал обьект хукуқига тўғри келмайди (суратчи/видео режиссёр ёки агар у бошқа бўлса, интеллектуал обьект эгаси хукуқлари) ва агар шу шаклда аниқ кўрсатилган бўлса, суратлар ЮНЕСКО томонидан тарқатилган тақдирда, суратчи/видео режиссёрга доимо бадал пули берилади.</p> <p>Мазкур ишлардан олинадиган ҳар қандай даромадлар Умумжаҳон мероси Фондига ўтказилади.</p>	

ФОТОСУРАТЛАР ВА АУДИОВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ

ҲАМДА АВТОРИЗАЦИЯ ШАКЛИ

Id. ракам	Формат (слайд/ фото/ видео)	Номланиши	Сурат санаси (ой/йил)	Суратчи/видео режиссёри	Муаллифлик хуқуқининг эгаси (Агар суратчидан фарқ килса/видео режиссёри)	Муаллифлик хуқуки эгаси билинг доир маълумотлар (Исми, манзили, телефон раками/факс ва электрон почта манзили)	Хукукларниң эксклюзив- ликсизлиги

НОМИНАЦИЯ ШАКЛИ		ИЗОХЛАР
7.b	Мухофазани ташкил қилишга тегишли матнлар, объектни бошқариш режалари ёки хужжатлаштирилган бошқариш тезислари ҳамда объектга алоқадор бошқа режалардан парчалар	Матнларни юкоридаги 5.b, 5.d ва 5.e қисмларда кўрсатилгани каби бириктиринг.
7.c	Объектнинг якуний ёзувлари ва инвентаризациясининг шакли ва санасини аниқ кўрсатувчи баённома тақдим этинг. Факат ҳозирги кунга қадар амалда бўлган ёзувларгина кўрсатилиши мумкин.	Объектнинг якуний ёзувлари ва инвентаризациясининг шакли ва санасини аниқ кўрсатувчи баённома тақдим этинг. Факат ҳозирги кунга қадар амалда бўлган ёзувларгина кўрсатилиши мумкин.
7.d	Инвентарлар, ёзувлар ва архивлар амалга ошириладиган жой манзили	Инвентар ёзувларга эга агентликларнинг номи ва манзилини келтиринг (бинолар, обидалар, флора ва фауна турлари).
7.e	Библиография	Стандарт библиографик шаклдан фойдаланган ҳолда биринчи нашр этилган тавсифларнинг рўйхатини келтиринг.
8.	Масъул органлар билан боғланишга доир маълумотлар	Номинациянинг мазкур қисми Котибиятга объектни Умумжаҳон мероси янгиликлари ва бошқа масалалар хақидаги жорий маъмуотлар билан таъминлашга имкон беради.

8.a	Номинацияни тайёрлашга масъул шахс ФИО: Лавозими: Мазили: Шаҳар, вилоят, давлат: Телефон: Факс: Электрон почта манзили:	Номинацияни тайёрлашга масъул шахснинг исми, манзили ва бошқа боғланиш бўйича маълумотларни келтиринг, жумладан электрон почта манзилини тақдим қилинг.
8.b	Расмий маҳаллий муассаса/Агентлик	Маҳаллий жиҳатдан обьектни бошқаришга масъул бўлган агентлик, музей, муассаса, бирлашма ёки бошқарувчининг номини келтиринг. Агар хисобот берувчи муассаса миллий агентлик бўлса, боғланиш маълумотларини келтиринг.
8.c	Бошқа маҳаллий муассасалар	Умумжаҳон Меросига алоқадор тадбирлар ва масалалар тўғрисидаги Умумжаҳон мероси янгиликларини беғараз олиши лозим бўлган барча музейлар, ташриф буорувчилар марказлари ва расмий туризм офисларининг тўлиқ номи, манзили, телефони, факс ва электрон почта манзилини тақдим қилинг.
8.d	Расмий веб-сайт http:// Боғланиш номи: Электрон почта манзили:	Номинант обьектнинг мавжуд хар кандай расмий веб-сайтини тақдим этинг. Мазкур веб-сайтлар келажакда боғланиш номи ва электрон почта манзили билан режалаштирилганлигини кўрсатинг.
9.	Иштирокчи давлат номидан имзо қўйиш	Номинация иштирокчи давлат ваколат берган шахс томонидан қўйилган имзо билан тугалланади.

**НОМИНАЦИЯЛАШ БҮЙИЧА
МАСЛАХАТЫШУВ КЕНГАШЛАРИНИНГ
БАХОЛАШТАРИБИ**

UNESCO
Educational, Scientific and
Cultural Organization · World Heritage
Convention

Мазкур иловада:

- A. ИКОМОС ТОМОНИДАН МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ БАХОЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ
- B. МСОП ТОМОНИДАН ТАБИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ БАХОЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ
- C. МАДАНИЙ-ТАБИЙ МЕРОС ВА МАДАНИЙ ЛАНДШАФТЛАРНИ БАХОЛАШДА КОНСУЛЬТАТИВ ОРГАНЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Тұлық маълумот олиш учун Амалий құлланманинг 143-145- моддаларига қаранг:.

A. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ИКОМОС ТОМОНИДАН БАХОЛАШ ЖАРАЁНИ

Маданий мерос объектлари номинациясини баҳолашда ИКОМОС (Ёдгорліклар ва тарихий жойларни сақлаш бүйича халқаро Кенгаш) Амалий құлланмага асосланади (қаранг:148-банд).

Янги номинацияларнинг тұлық эканлиги ЮНЕСКОнинг Умумжағон мероси Маркази томонидан текширилганидан сүнг, объектнинг тұлық дея эътироф этилган шахсий хужжатлари ИКОМОСга етказилади ва ИКОМОС Умумжағон мероси бўлинмаси томонидан қабул қилиб олинади. Шу вақтдан бошлаб, иштирокчи давлатлар билан мулоқот ва маслаҳатлашувлар бошланади ва баҳолаш жараёни орқали давом эттирилади. ИКОМОС номинация килювчи барча иштирокчи давлатлар билан мулоқот учун имкониятни ошириш мақсадида, ўзининг ресурсларини teng, самарали ва таъсирчан равишда тақсимлаш учун барча ҳаракатларни амалга оширади.

ИКОМОСнинг баҳолаш жараёни 1-шаклда күрсатилгани каби қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Келгуси маълумот учун сұров

Агар келгуси маълумот ёки мавжуд маълумотларга ойдинлик киритиш лозим деб топилса, мазкур эхтиёжларни қондириш учун ИКОМОС иштирокчи давлатлар билан мулоқотни амалга оширишни бошлайди. Бу ИКОМОС ва иштирокчи давлат орасидаги келишувга асосан хат алмашинуви, юзма-юз ўтказиладиган йигинлар, телеконференциялар ёки боғланишнинг бошқа шаклларини ўз ичига олиши мумкин.

2. Тегишли маълумотларни ўрганиш

Хар бир номинация мазкур объектни гео-маданий жиҳатдан яхши билимга эга бўлган ва номинант объект таклиф килинган “Умумжахон мислсиз қиймати” бўйича маслаҳат берувчи 10 тагача мутахассис томонидан ўрганилади. Бу ИКОМОС, унинг миллий ва халқаро Кўмиталарига аъзо бўлган мутахассис тадқиқотчилар ёки тегишли бошқа тармоқлар ва муассасалардаги шахслар томонидан олиб борилувчи жараёндир.

3. Объектларда ишловчи миссиялар

Мазкур миссиялар якка объектларни бошқариш, сақлаш ва ҳақиқийлик жиҳатлари бўйича амалий тажрибага эга мутахассислар томонидан олиб борилади. Мазкур мутахассисларни танлаш имкониятидан ИКОМОС тармоги тўлиқ фойдаланади. Халқаро илмий Кўмиталар ва индивидуал аъзолар ИКОМОСнинг ҳамкорлик шартномалари мавжуд мутахассис органлари хисобланади. Хусусан, Индустрислам меросни сақлаш бўйича халқаро Кўмита (TICCIH), Ландшафт архитектуралари бўйича халқаро Федерация (IFLA) ҳамда замонавий кўчувчи объектлари ва обидаларини ҳужжатлаштириш ва сақлаш бўйича халқаро Кўмита (DoCoMoMo) шулар жумласидандир.

Объектларда ишловчи миссияларни амалга оширувчи мутахассисларни танлашда ИКОМОСнинг сиёсати номинант объект жойлашган худуддан танлашга қаратилади. Ушбу мутахассислар меросни бошқариш ва мазкур турдаги объектларни сақлаш бўйича етарли тажрибага эга бўлиши талаб этилади: уларнинг юқори академик мутахассислар бўлиши шарт эмас. Мазкур мутахассислар объект бошқарувчилари билан профессионал тенг асосда мулокот қила олиши ва бошқариш режалари, сақлаш амалиётлари, ташриф буюрувчиларни кўллаш ва бошқаларга баҳо бериш учун маълумот беришлари керак. Улар шахсий ҳужжатлардаги тегишли маълумотларнинг нусхаларини ўз ичига олувчи батафсил хисботлар билан таъминланади. Уларнинг ташриф дастурлари ва саналари ИКОМОСнинг баҳолаш миссияларига оммавий ахборот воситаларининг эътибори қаратилишини таъминловчи иштирокчи давлатлар билан маслаҳатлашган ҳолда белгиланади. ИКОМОС мутахассислари ўзларининг хисботларини тегишли объектларнинг амалий жиҳатларига мос равища киритишида ва ўзларининг хисботларида номинациянинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида изоҳ беришлари хам мумкин.

3. Бошқа ахборот манбалари

Баҳолаш жараёнида ЮНЕСКО илмий вакиллари, университетлар ва тадқиқот муассасалари каби бошқа тегишли муассасалар билан ҳам маслаҳатлашилиши ва бу ҳақда маълумотлар баҳолаш хисботида кўрсатилиши лозим.

4. ИКОМОС гурӯҳи томонидан кўриб чиқиши

